

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ ЁЗУЧИЛАРИ СОЮЗИ


# Шарқ юлдузи

ОЙЛИК АДАБИЁТ ВА  
САН'АТ ЖУРНАЛИ

№ 6

ИЮНЬ

«КИЗИЛ УЗБЕКИСТОН» ва «ПРАВДА ВОСТОКА»  
НАШРИЁТИ  
Тошкент - 1946







## **МИХАИЛ ИВАНОВИЧ КАЛИНИН**

**БУТУН ИТТИФОҚ КОММУНИСТ (большевик)ЛАР  
ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ССР ИТТИФОҚИ  
МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ВА ССР ИТТИФОҚИ ОЛИЙ  
СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДАН**

Бутун иттифоқ Коммунист (большевик)лар Партияси Марказий Комитети, ССР Иттифоқи Министрлар Совети ва ССР Иттифоқи Олий Совети Президиуми партиямизнинг ва Совет давлатимизнинг отоқли арбоби, ВКП(б) Марказий Комитети Политбюросининг а'зоси, ССР Иттифоқи Олий Совети Президиумининг а'зоси ўртоқ Михаил Иванович Калининнинг узоқ давом этган оғир касалликдан кейин 3 июнъда соат 10 дан 05 минут ўтганда вафот қилганигини партияга ва Совет Иттифоқининг барча меҳнаткашларига ўрайт зўр қайғи блан билдирадилар.

Ўртоқ Калинин ўзининг бутун онгли ҳаётини меҳнаткашлр иши учун, коммунизмнинг ғалабаси учун курашга бағишлади. Ўртоқ Калинин Ленин ва Сталиннинг содиқ сафдоши, большевиклар партияси ва Совет давлатининг энг фаол қуручиларидан ва энг кўзга кўринган раҳбарларидан бири эди.

Михаил Иванович Калинин Совет давлати олий органининг раҳбари лавозимида йигирма етти йил фидокорлик блан ишлаб, ўзининг бутун кучини социалистик Ватанни мустаҳкамлаш, мамлакатимизда ишчилар, деҳқонлар ва интеллигентларнинг иттифоқини ва Совет Иттифоқи халқларининг дўстлигини мустаҳкамлашга сарф қилди.

Улуғ революционер ва социалистик давлатнинг қуручиси ўртоқ Калининнинг бутун жўшқин ҳаёти ва самарали фаолияти халққа фидокоғона хизмат қилиш ва Ватанга бениҳоя садоқат намунасидир. Михаил Иванович Калинин **Ленин-Сталин** ишига бўлган садоқати, халқ оммасига яқинлиги ва халқ манфаатлари-

ни чуқур англаши, халқнинг бахт - саодати түғрисида тинмай ғамхўрлик қилғанлиги блан барча меҳнаткашларнинг самимий ҳурмати ва қизғии мұхбатига сазовор бўлди.

Бутун Иттифоқ Коммунист (большевик)лар Партияси Марказий Комитети, ССР Иттифоқи Министрлар Совети ва ССР Иттифоқи Олий Совети Президиуми Михаил Иванович Калининнинг хотираси, унинг мамлакатимиз халқларининг озодлиги ва бахт - саодати учун, совет Ватанининг гуллаб - яшнаши учун ҳормай - толмай олиб борган кураши ҳақидаги хотира барча коммунистлар ва партиясизларни, барча ишчиларни, деҳқонларни ва интеллигентларни социалистик давлатни янада мустаҳкамлаш йўлида фидокорона меҳнат қилишга илҳомлантиради, деб ишонч билдирадилар.

**БУТУН ИТТИФОҚ КОММУНИСТ (большевик)ЛАР  
ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ  
ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИ  
ССР ИТТИФОҚИ ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ**

---

З-мюзъ, 1946 й.

## МИХАИЛ ИВАНОВИЧ КАЛИНИН

Коммунистлар партияси ва Совет давлатига асос солучилардан бири ҳамда Коммунистлар партияси ва Совет давлатининг отоқли раҳбаридан бири ўртоқ Михаил Иванович Калинин узоқ давом этган оғир касалликдан кейин 3 июньда вафот этди:

Михаил Иванович Калинин 1875 йилнинг нояброда Тверь губернияси (ҳозирги Калинин облости) да дәққон оиласида туғилди. Калинин 18 яшар ўспирийлик вақтидаёқ Петербургдаги „Стажий арсенал“ заводига ишчи бўлиб киради. Икки йилдан сўнг Михаил Иванович Путилов заводига металл ишлавчи токарь бўлиб киради. Бу ерда у машҳур лекальчи бўлиб етишади. Михаил Иванович ана шу даврда ишчиларнинг маҳфий ташкилотига — революцион ишга қўшилади ва Петербург пролетариати ўтрасида илғор ишчиларнинг бири бўлиб етишади. Петербург сиёсий полицияси уни қамоқقا олиб, Тбилисига сургунга юборади. Бу ерда у Тбилиси темир йўл ишхонасига металл ишлавчи токарь бўлиб киради. Тбилиси полицияси уни та'қиб қилгани учун Михаил Иванович Ревельга кўчади. Бу ерда у темир йўл ишхонасида ишлаб, сургун муддатини тамомлайди. Сўнгра у Петербургга қайтиб келиб, қурол заводида лекальчи бўлиб ишлайди. Шу пайтдан бошлаб у Петербургдан кетмайди, Петербургнинг турли заводарида ишлаш блан бирга большевиклар партияси сафида кўзга кўринган илғор ишчиларнинг бири ва ишчилар синфининг сиёсий раҳбари сифатида маҳфий революцион фаолиятини давом этдиради.

Ўртоқ Калинин ўз ҳаётининг эллик йилини меҳнаткашлар оммасини озод қилиш учун кураш ишига, социализм ишига бағишлади. М. И. Калинин дастлабки яширин марксистик тўғаракларда ва „Ишчилар синфини озод қилиш учун кураш союзи“да Ленин блан биргаликда ишлади. У Ленин ва Сталин блан ҳамжиҳятликда большевиклар партеясини яратди, большевиклар газетаси бўлмиш „Правда“ ни вужудга келтирди, улуғ совет революциясини тайёрлашда ва уни амалга оширишда фаол қатнашди.

1917 йили Октябрь революциясидан кейин ўртоқ Калинин ёш совет давлатининг энг кўэга кўринган раҳбарларидан бири бўлиб қолди.

1919 йилнинг март ойида ўртоқ Калинин Лениннинг таклифи га кўра, Россия Федератив Совет республикасининг Олий органи — Бутун Россия Советларининг Марказий Ижроия Комитетига Раис қилиниб сайланди.

1922 йилнинг декабрида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи тузилганидан сўнг ўртоқ Калинин Совет Иттифоқи олий органининг — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи (СССР) Марказий Ижроия Комитетининг Раиси вазифасига сайланади.

1938 йилнинг январида Совет Иттифоқининг Олий органлари қайтадан ташкил этилгач, ўртоқ Калинин СССР Олий Советининг биринчи сессиясида Совет Иттифоқи Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сыйланади.

Михаил Иванович Калинин совет давлати олий органининг доно ва синалган раҳбари бўлиб танилди, мамлакатимизда умумхалқнинг муҳаббатига ва бутун илфор инсониятнинг ҳурматига сазовор бўлди.

Улуғ рус халқининг шонли фарзанди бўлмиш ўртоқ Калинин ўзининг бутун ёрқин ҳаётини меҳнаткашларни капиталистик қулликдан халос этиш ишига бағишлади.

Гражданлар уруши ғолибона тамом бўлганидан сўнг, тинч социалистик қурилиш йилларида М. И. Калинин ўзининг бутун куч-қувватини ва билимини, ўзининг бой ҳаёт тажрибаларини совет ижтимоий ва давлат тузумининг қудратини мустаҳкамлашга сарф этди. Ленин ва Сталиннинг содиқ сафдоши бўлган ўртоқ Калинин ленинизмнинг тантанаси учун партия душманларига ва халқ душманларига қарши тинмай курашиб келди.

Ўртоқ Калинин Улуғ ватан уруши йилларида оғир касал бўлгани ҳолда Совет давлати олий органининг раҳбари вазифасида фидокорона ишлади, ўзининг бутун куч ва қувватини Совет Иттифоқининг немис ва япон агрессорлари устидан ғалаба қозониши учун сарф этди. Ўртоқ Калининнинг Ватан уруши кунларидаги оташин ватанпарварлик руҳи блан сугорилган нутқлари ва ёзган мақолаларини совет кишилари унитмайдилар, бу нутқ ва мақолалар армиямизни ва халқимизни душман устидан ғалаба қозонишига ишонч ҳисси блан руҳлантирган эди.

Ватанимизга фидойилик блан хизмат қилиш ва садоқатли бўлиш йулида намуна бўлган Михаил Иванович Калининнинг номи — бутун совет кишилари учун ниҳоятда қадрлидир.

Үртоқ Михаил Иванович Калининнинг фаодияти ҳамиша давлат ишларини донолик блан бошқаришнинг ва халқ блан мустаҳкам алоқада бўлишининг, коммунизм ишига қаҳрамонона хизмат қилишининг намунаси бўлиб қолади.

Мамлакатимизнинг оташин ватанпарвари, коммунизм учун ҳормай-толмай курашган киши, доно ва самимий раҳбар бўлмиш Михаил Иванович Калинин хотирасини бутун совет кишилари умрбод эслаяжаклар.

Алвидо, қимматли дўст ва жанговар ўртоқ!

Г. АЛЕКСАНДРОВ

А. АНДРЕЕВ

А. БЕРДИЕВ

Ф. БРОВКО

Н. БУЛГАНИН

И. ВАРЕС

А. ВАСИЛЕВСКИЙ

К. ВЕРШИНИН

Н. ВОЗНЕСЕНСКИЙ

К. ВОРОШИЛОВ

А. ГОРКИН

М. ГРЕЧУХА

А. ЖДАНОВ

Л. КАГАНОВИЧ

А. ҚОЗОҚПОЕВ

М. КАСУМОВ

А. КИРХЕНШТЕЙН

А. КОСИГИН

И. КОНЕВ

А. КУЗНЕЦОВ

В. КУЗНЕЦОВ

Н. КУЗНЕЦОВ

Т. КУЛАТОВ

О. КУУСИНЕН

Г. МАЛЕНКОВ

Л. МЕХЛИС

А. МИКОЯН

Н. МИХАЙЛОВ

В. МОЛОТОВ

М. МҮМИНОВ

Н. НАТАЛЕВИЧ

Ю. ПАЛЕЦКИС

М. ПАПЯН

Н. ПАТОЛИЧЕВ

Г. ПОПОВ

А. ПОСКРЕБИШЕВ

П. ПОСПЕЛОВ

М. РОДИОНОВ

И. СТАЛИН

Г. СТУРУА

А. ХРУЛЕВ

Н. ХРУШЧЕВ

М. ШАГАДАЕВ

Н. ШВЕРНИК

М. ШКИРЯТОВ

## А. М. ГОРЬКИЙ ҲИКОЯЛАРИ

### АХЛОҚ МУҲИББИ

(„Америкада“ циклидан)

У меникига кечаси келди ва шубҳали назар блан ҳужрамга кўз югуртириб чиқди-да, паст овоз блан сўради:

— Ярим соатгина сиз блан танҳо суҳбатлашсам мумкини?

Унинг овозида ва буқирроқ келган озғин гавдасида қандайдир сир ва ҳаяжон бор эди. У ўэзининг ўҳшовсиз узун ва қиррали суякларини курси кўтараолмас деб ҳадисирагандай, жуда эҳтиёткорлик блан ўлтириди.

— Деразанинг пардаларини тушираоласизми?—деб сўради аста.

— Марҳамат! — дедим ва унинг истагини дарҳол ўрнига келтирдим.

Бош силкиб, ташаккур билдириб-да, дераза томонга имо қилиб, яна ҳам пастроқ овоз блан огоҳлантириди:

— Доим назорат қиласидар.

— Кимлар?

— Мухбирлар, албатта.

Мен диққат блан унга тикилдим. Анча тузук, ҳатто олифтароқ кийинган бўлса ҳам, ҳар ҳолда фақирга ўхшар эди. Тепа сочи тушган қиррали боши унга камтар ва одобли киши қиёфасини бериб туради. Юзи жуда ориқ, соқоли тоза қирилган, сариф киприклар блан ярим беркинган кулранг кўзлари гуноҳкорона эди. Кипригини кўтариб юзимга тик қараганида, мен ўзимни қандайдир туманли бўшлиқ олдида ҳис этдим. У оёқларини курси остига букиб, ўнг қўлини тиззасига қўйган ҳолда, телпак ушлаган чап қўлини пастга осилтириб ўтириби. Узун бармоқлари бироз қалтирас, маҳкам жиплашган лабларининг икки чети ҳорғинликдан осилиб тушган — бу унинг устидаги костюмнинг қимматга тушганидан дарак берар эди.

Чуқур нафас олиб, деразага қиё боқди-да, сўз бошлади:

— Ўзимни танитмоққа рухсат этинг, мен, ҳалигидай, гуноҳкорликни касб қилган одамман...

Унинг сўзларини эшитмаганга солдим ва ички ҳайратимни яшириб, сўрадим:

— Нима дедингиз?

— Гуноҳкорликни касб қилган одамман, — деди яна — менинг ихтисосим — ижтимоий ахлоққа хилоф жиноятлар қилиш...

Бу гапнинг оҳангига камтарлик бор эди халос; мен унинг сўзларида, ёки юзида таассуфдан асар ҳам тополмадим.

-- Сиз... бир пиёла сув ичиб олмайсизми? — деб таклиф қилдим.

— Йўқ, ташаккур! — деб рад қилди ва гуноҳкорона жилмайиб, гавдамга тикилди.

— Сиз, менинг сўзларимни яхши тушинмайётирсиз?

Мен ҳам европали журналистлар сингари нодонликни такал-луфсиэлик ниқоби остига яшириб, унга э'тиroz билдиридим:

— Йўқ, нега тушунмайин?

Аммо у менга ишонмади шекилли, телпагини силкитиб туриб, камтарлик блан кулди ва сўзга киришди:

— Менинг кимлигим сизга аён бўлсин учун ўз фаолиятимдан бирнече фактлар келтираман...

Шу ерга келганда, у чуқур нафас олиб, бошини қўйи солди. Мен унинг нафасида фақат ҳорғинлик борлгини сезиб, янгидан ҳайрагда қолдим.

У телпагини аста силкитиб давом этди:

— Газетада бир одам ҳақида ёзив чиқсан эдилар... Я'ни бир ароқхўр ҳақида... Театрда бўлган жанжал ҳақида, эсингизда борми?

— Саҳнада ўйиннинг та'сирли жойи келганда ўрнидан сакраб туриб, телпагини кийган ва биринчи қатордан туриб извошчини чақирган бир жаноб ҳақидами? — деб сўрадим.

— Ҳа, — деб тасдиқ этди ва мулойимлик блан қўшиб қўйди, — ўша мен эдим. „Болаларни азоблавчи йиртқич“ деган мақоланинг чиқишига ҳам мен сабабчи, „ўз хотинин сотган эр“ деган бошқа бир мақола чиқди, у ҳам менинг ҳақимда... Кўчада бир хонимни ноқулай таклифлар блан безовта қилган одам ҳам мен... Умуман мени камида ҳафтасига бир марта газетага ёзадилар ва бу ҳар гал ахлоқнинг бузилганини исбот қилиш тўғри келганингина бўлади.

У, бу сўзларни секин, жуда аниқ ва лекин маҳтамасдан сўзлади. Мен ҳечнарса тушинмасам ҳам, буни унга билдиргим келмас эди. Барча ёзучилар сингари, мен ҳам ўзимни доимо турмушни ва одамларни беш қўлдай билган киши қилиб кўрсатаман.

— Ҳимм, — деб қўйдим файласуфларча, — қалай ахир, бу хил машғулот сизга завқ бағишлайдими?

— Очиқ айтишим керакки, ҳали ёш эканман, бу машғулот менга завқ берар эди, — деди у, — аммо ҳозир мен қирқ бешга кирдим, уйланганман, икки қизим бор... Бу аҳволда сизни айб ва бузуқлик манба'и сифатила ҳафтасига икки-уч марта газетага ёзив чиқсалар, албаттта жуда ўнгайсиз. Топшириқни аниқ ва ўз вақтида бажариш учун мухбирлар ҳамиша кетимдан юрсалар...

Хайрон қолганимни билдиримслик учун йўталдим, кейин қизғангансимон сўрадим:

— Шундай дардингиз борми?

Бошини қимирлатиб „йўқ“ ишорасини қилди. Телпагини ел-лиғич қилиб, юзини еллиди ва деди:

— Йўқ, касбимни мен сизга айтдимку: менинг ихтисосим кўчада ва гавжум жойларда майда жанжаллар қўзғаш... Бюромиздаги бошқа ҳамкорларимиз бундан кўра мас'улиятироқ ва

Йирикроқ ишлар блан машғул бўладилар, масалан: диний ҳиссиятни таҳқир қилиш, хотин ва қизларни бузиш, минг доллардан ортиқ бўлмаган миқдордаги молга ўғрилик қилиш... — У чуқур нафас олди, ён-атрофга боқди ва яна тушинтириди — ва ахлоққа хилоф бўлган бошқа жиноятлар... Мен эса, фақат майдада жанжаллар қўзгайман...

У худди ўз ҳунари ҳақида гапираётган ҳунарманддай сўзлар эди. Бу ҳол менинг ғашимга тегабошлади ва нафрат блан сўрадим:

— Майдада жанжаллар сизни қониқтирумайдими?

— Йўқ, — деди у осойишталик блан.

Унинг соддалигига қарши бир нима деб бўлмас эди. Мен жуда қизиқабошладим. Бир пас жим туриб яна сўрадим:

— Қамоқда бўлганимисиз?

— Уч марта. Умуман, мен штраф миқ'ёсидағина иш кўраман. Лекин штрафларни, албатта, бюромиз тўлайди...

— Бюро? — беихтиёр такрорладим.

— Албатта, — деди кулиб, — малумки, мен ўзим штраф тўлайолмайман. Тўрт кишилик оила учун ҳафтасига эллик доллар нима бўлади дейсиз...

— Шу ҳақда мен бироз ўйлаб олай, — деб ўрнимдан турдим. У розилик билдириди:

— Марҳамат.

Мен руҳий касалликларнинг барча турларини зўр бериб эсга олиб, ўйда нари-бери юрабошладим. Уидаги дарднинг характеристини аниқламоқчи бўлар, лекин аниқлайолмас эдим. Бир нарса аниқ — бу катталикни ҳавас қилиш эмас. У ориқ ва гўштсиз юзида мулојим жилмайиш блан мени кузатар ва сабр блан кутар эди. Унинг қаршисида тўхтаб:

— Демак бюроларинг борми? — дедим.

— Ҳа, — деди у.

— Хизматчилари кўпми?

— Бу шаҳарда эрлардан 125 ва хотинлардан 75 киши.

— Бу шаҳарда? Демак... Бюрайингиз бошқа шаҳарларда ҳам бор экан-да?

— Мамлакатнинг ҳамма ерида, албатта, — деди у ва ғурур блан кулди.

Ўзимни ўзим қизғаниб қўйдим.

— Лекин... Улар ахир... — Қат'янылизик блан сўрадим, — улар, у бюролар нима иш қиласиди?

— Ахлоқ қоидаларини бузадилар, — деди камтарлик блан, курсидан туриб креслога ўтириди-да, кериллиб олиб, ошкора рашишда ва мароқ блан ўзимга тикилабошлади. Афтидан мен унга ёввойи бўлиб қўриндим-у, у, андешани йигиштириб қўйди. „Нима бўлса бўлар, — дедим ҳаёлимда — ҳечнарса тушинмаётганимни, билдиримаслигим керак“. Кўлларимни бир-бирига ишқалаб туриб жонлилик блан айтдим:

— Бу қизиқ. Жуда қизиқ. Лекин... Бунинг нима кераги бор ўзи?

— Ниманинг? — деди кулиб.

— Ана шу ахлоқ қоидаларини бузиш бюросининг.

У, ёш боланинг тентаклигидан кулган катталар сингари, ҳуэур қилиб кулди. Мен унга қарадим-у, чиндан ҳам турмушдаги барча кўнгилсизликларнинг манбаи нодонлик экан, деган фикр ақлимга келди.

— Сиз қандай ўйлайсиз, яшаш керакми? — деб сўради у.

— Албатта!

— Яхши яшаш керак дерсиз?

— Турган гап!

У одам ўридан туриб, менинг ёнимга келди ва кифтимга урди.

— Ахлоқ қонувларини бузмай туриб, яхши яшаб бўладими, а?

У мендан четроқ туриб, кўз қисди, пишган балиқни тарелка-га ташлаган сингари, гавдасини креслога ташлади ва ёнидан тамаки олиб, мендан рухсат сўрамай, чекабошлади. Сўнг яна давом этди:

— Карболовая кислота блан маймунжон ейишга кимнинг тоби бор?

У ёниб турган гугуртни полга ташлади.

Ўзи ҳар вақт шундай бўлади: одам ўзининг ҳамсуҳбатидан устун эканлигини сезиб қолса, унга чўчқадай муомала қиласлошлади.

— Менга сизни тушиниш қийин бўлаётир,— деб иқрор бўлдим юзига қараб.

У кулди ва деди:

— Мен сизнинг салоҳиятингиз ҳақида яхшироқ фикрда эдим...

У ўзини яна ҳам бемалолроқ сезиб, тамаки кулини полнинг қоқ ўртасига ташлади, кўзини қисиб, тамаки тутунининг нозик халқаларини киприк остидан тамоша қилди, сўнг билимдонлардай гапиракетди:

— Кўриб турибманки, сиз ахлоқ масаласи блан унча таниш эмассиз...

Мен камтарлик блан этироҳ билдиридим:

— Йўқ, ахлоқ масалалари блан ба'зан тўқнашиб турар эдим. Папиросини оғзидан олиб, учига бир қаради-да, файласуфларча деди:

— Пешонангизни деволга урган бўлсангиз, бу блан деволни ўргатиб олган бўлмайсиз.

— Тўғри, мен бунга қўшиламан. Лекин, негадир мен ахлоқ масаласига ҳар тўқнашганимда, деволга урилган коптоқдай сакраб кетаман...

— Тарбиянгизда камчилик бор,— деди у ҳақиқатни очиб ташлаган кишидай.

— Бўлиши мумкин,— дедим—менинг бобом ахлоқ билимдонлари ицида энг ашаддиси эди. У, жаннатга борадиган ҳамма йўлларни билар ва учраган кишини жаннатга йўллар эди. Ҳақиқат ёлғиз унинг ўзига аён эди ва у шу ҳақиқатни ўз оиласи а'золарининг калласига, учраган нарса блан уриб киргизар эди. Худонинг одамдан

нима истаганини жуда яхши билар эди, у ҳатто ит блан мушукни ҳам, уларни абадий роҳатга эриштириш мақсадида, юриш-түришга ўргатар эди. Шу блан бирга бобом ҳасис ва золим эди, ҳамиша ёлғон гапирав, судхўрлик блан шуғулланар ва барча ҳамда ҳарбири ахлоқ билимдони юрагининг хусусияти бўлмиш қўрқоқлик даҳшатига мубтало эди, бўш ва ўнғай вақтларда уйдагиларни тутиб қўлига учраган нарса блан урар эди. Мен бобомни бироз юмшатиш мақсадида унга та'сир қилишга уриндим: бир марта чолни деразадан иргитиб ташладим, яна бир куни ойна блан туширдим. Дераза ва кўзгу парчаланиб кетди, лекин бобом ўшандайча қола берди. У ахлоқ донишманди бўлганича ўлди. Мен эса ўшандан бери ахлоқ масаласига жирканиб қарайман. Балки сиз менга ахлоқ масаласи блан ярашишга ёрдам беручи бирар гап айтарсиз?— деб таклиф қилдим.

У соатини олиб қаради ва деди:

— Сизга лекция ўқиш учун вақтим йўқ... Лекин бу ерга келиб қолган эканман, майли, бошлаган ишни тামомлаш зарур. Балки, сиз ҳам менинг учун бирар хизмат қилаоларсиз, мен чўзиб ўтирумайман...

Яна кўзларини қисди ва улуғворлик блан сўзлайбошлади:

— Ахлоқ сиз учун зарур, буни эсда тутиш керак! У нима учун зарур? Чунки у ҳар вақт сизнинг шахсий тинчлигингилини, сизнинг ҳуқуқларингизни ва мулкингилини қўриқлади,—бошқача айтганда, у „яқин кишининг“нинг манфаатларини ҳимоя қиласди. „Яқин киши“— ўзингиз, доимо фақат ўзингиз, бошқа киши эмас, тушиндингилими? Агар сизнинг чиройли хотинингиз бўлса, атрофингиздаги ҳамма кишига: „Ўз яқиннингнинг хотинига кўз олайтирма“ деб айтасиз, агар одам пул, ҳўқиз, қул ва эшакка эга бўлиб, ўзи аҳмоқ булмаса, у одам—ахлоқ билимдони. Ҳамма зарур нарсангиз муҳайё бўлса ва бу нарсаларни ёлғиз ўзингиз учун сақлаб қолишни истасангиз, ахлоқ сиз учун фойдали. Агар бошингиздаги сочдан бошқа ҳечнарсангиз бўлмаса, ахлоқ сиз учун фойдасиз.

У ўзининг яланғач калласини силаб кўйиб, давом этди:

— Ахлоқ— ўз манфаатларингизнинг соқчиси, сиз уни атрофингиздаги кишилар кунглига сингдириш учун уринасиз, кўчада сиз полидейскийларни, исказучларни пеш қиласиз, одамлар орасида талай принципларни тарғиб этасиз, бу принциплар одамлар миасига сингиб, унда сизга зид бўлган, сизнинг истак, ҳуқуқларингизга хавф соладиган барча фикрларни боғлаш, бўғиши ва йўқ қилиш учун хизмат қиласди. Иқтисодий зиддиятлар кўзга кўриниб турган жойда ахлоқ масаласи қат'иyroқ бўлади. Пулим қанчалик кўп бўлса, мен ахлоқни шунча қат'иyroқ туриб тарғиб қиласман. Мана шунинг учун, давлатманд одамлари шу қадар кўп бўлган Америкада ахлоқ юз от кучига тенг келадиган қувват блан тарғиб қилинади. Тушунарликми?

— Ҳа,— дедим,—лекин бюро нимага керак, ахир?

— Сабр қилинг,—деб э'тиroz билдири ва та'сирли насиҳатгўй сингари қўлини кўтарди,—шундай қилиб, ахлоқдан мақсад—сизни тинч қўйиш кераклигини бошқаларга англашиб. Аммо, сизда пул

күп бўлса, орзуларингиз ҳам кўп, орзуларни юзага чиқаришнинг тўла имконияти ҳам бор, шундайми? Броқ ахлоқ принципларини бузмай туриб, кўп орзуларингизни юзага чиқараолмайсиз.. Нима қилиш керак? Узинг инкор қилган нарсани одамлар ўртасида тарғиб қилиш мумкин эмас: бу ярашмайди, одамлар ҳам ишонмаслиги мумкин. Ахир одамларнинг ҳаммаси аҳмоқ эмас. Айтайлик, сиз майхонада ўтирибсиз, шампан виносини ичаётисиз, жуда чиройли хотинни ўпмоқдасиз, гарчи у сизнинг хотинингиз бўлмаса ҳам.. Ҳамма учун мажбурий бўлган одоб нуқтани назаридан олганда, бундай машғулот ахлоқизликтан иборат. Аммо, шахсан сиз учун бу тарзда вақт ўтказиш бир зарурат: бу сизнинг севимли одатингиз, бу сизга кўп лаззат беради. Сизда савол туғилади: лаззатли бузуқликлардан тийилиш ҳақидаги назария блан шу лаззатларга бўлган ишқибоэлигингизни қандай қилиб келишириш керак? Бошка бир мисол: сиз ҳаммага „ўғирлик қилма!“ дейсиз, чунки агар ўз молингизни ўғирлай бошлисалар, сизга сра ёқмайди, шундай эмасми? Лекин, айни замонда, ёнингизда пулингиз бор бўлса ҳам яна бироз ўғирлашни тоқатсизлик блан истайсиз. Учинчи мисол: сиз „одам ўлдирма“ деган принципни қат'ият блан тарғиб қиласиз. Чунки сиз учун ҳаёт қадрли, у ширин, лаззатларга тўла. Бирдан кўмир конингиздаги ишчилар маошни кўпайтириши талаб қилиб қолдилар. Сиз ихтиёrsиз равишда солдатлар чақиртириб, бирнече ўнлаб ишчини шартта отдириб ташлайсиз. Ёки яна: чиқарган молингиз ўтмай қолди. Сиз бу аҳволни ҳукуматингизга малум қиласиз ва сиз учун янги бозор очишини талаб этасиз. Ҳукумат сизга марҳамат қилиб, Осиёга ёки Африкага озгина қўшин юборади ва бирнече юз ёки бирнече минг ерли аҳолини қириб, сизнинг истагингизни бажо келтиради... Буларнинг ҳаммаси сизнинг одамгарчилик назариянгиз блан, ўз ўзини тийиш, ифрат ҳақидаги тарғиботларингиз блан ҳеч мос келмайди. Лекин, ишчиларни ва ерли аҳолини қириб, сиз давлат манфаатлари деган баҳонада ўзингизни оқлай-оласиз, чунки одамлар сизнинг манфаатларингизга бўйинсуна маса, давлат яшай олмайди. Давлат – сиз демак, агар сиз бадавлат бўлсангиз, албатта сизнинг бузуқлик, ўғирлик каби майдачуйда блан шуғулланишингиз анча қийин. Умуман бадавлат одамнинг мавқу'и фожиалидир. Уни, албатта, ҳамма севиши керак, унинг мулкининг бутунлигига таҳдид қилишдан ҳамма сақланиши керак, унинг одатларини ҳечким бузмаслиги керак, унинг хотини, синглиси ва қизларига нисбатан ҳамма беғараз бўлиши керак. Айни замонда, унинг ўзи учун одамларни севиш, ўғриликдан тийилиш, хотинларга нисбатан беғараз бўлиш ва бошқалар асло шарт эмас,—аксинча. Бу ишлар унинг шахсий фаолиятини сусайтиради ва ишдаги ютуқларига шаксиз зарар етказади. Одатда, унинг бутун ҳаётини яхлит ўғриликдан иборат, у минглаб одамларни, бутун мамлакатни талайди, бу сармоянинг кўпайиши учун, я'ви мамлакатнинг ўсиши учун зарур, тушинаяпсизми? У ўнлаб хотинларни бузуқликка бошлайди,—бу бекорчи одам учун жуда қизиқ машғулот. У бирорни нега севсин? Бутун одамлар унинг назарida иккি

гурұхга бўлинади: бир гурұхини у талайди, яна бир гурұхи эса шу машғулотда у блан рақобат қиласди.

Масалани яхши билгани учун ўзидан мамнун бўлган нотик жилмайиб қўйди ва чекаётган тамаки қолдигини бурчакка иргитиб, довом этди:

— Шундай қилиб, ахлоқ давлатмандлар учун фойдали ва барча одамлар учун зарурий, аммо айни замонда, у давлатмандларга керак эмас ва барча одамларга зарур. Мана шунинг учун ахлоқ донишмандлари ахлоқ принципларини одамларга зўрлаб сингдиришга уринадилар, ўзлари эса ахлоқни галстук ва перчатка сингари ташқи безак ўрнигагина ишлатадилар. Ундан кейин, одамларни ахлоқ қонунларига риоя қилиш зарур эканлигига қандай инонтириш керак? Муттаҳамлар орасида вижданли бўлишдан ҳечкимга фойда йуқ. Лекин агар ишонтираолмасангиз, гипноз қилинг. Бу чора доимо муваффақиятли чиқади.

У бош қимирлатиб, ўз фикрини яна тасдиқ қилди ва кўз қисиб, такрор айтди:

— Ишонтираолмасангиз, гипноз қилинг!

Сўнгра қўлинни менинг тиззамга қўйиб, юзимга қаради ва овонини пасайтириб, довом этди:

— Ундан кейин... Бу ўз орамиздаги гап, хўпми?

Мен бош силкиб „хўп“ дедим

— Мен хизмат қилаётган бюро афкори оммани гипноз қилиш блан шуғуланди. Бу — Американинг ажойиб муассасаларидан бири, шунга э'tибор қилинг! — деди ғурур блан.

Мен яна бош силкиб, „хўп“ дедим.

— Сиз биласизми, — деди у, — бизнинг мамлакатимиз ёлғиз бир истак блан — пул ясаш истаги блан яшайди. Бу ерда ҳамма бой бўлгуси келади ва одам — бирнече зарра олтин чиқариб олиш мумкин бўлган бир хомаш'ё халос. Бутун ҳаёт одамнинг ғўшт ва қонидан олтин чиқариш жараёнидан иборат. Халқ бу ерда сариқ металл берадиган руда, эшишишимча, ҳамма жойда ҳам шундай. Тараққиёт бу ерда омманинг жисмоний кучини бир жойга тўплаш, я'ни одамнинг гўшти, суяги ва асабларини йиғиб, ундан олтин ясашдан иборат. Ҳаёт жуда содда тузилган...

— Бу сизнинг шахсий фикрингизми? — деб сўрадим.

— Буми? Йўқ, албатта, — деди ғурур блан — бу, шундай, кимнингдир ҳаёли... Бу менинг калламга қандай қилиб кириб қолганини билмайман... Мен фақат тентаклар блан гаплашгандагина бу фикрдан фойдаланаман.. Давом этаман. Бу ерда бузуқлик қилишга халқнинг вақти йўқ, бунинг учун халқа бўш вақт қолмайди. Узликсиз меҳнат одамни шу қадар ҳолдан тойдирадики, у ўзининг дам олиш вақтида гуноҳ қилиш учун на куч, на истакка эга бўлади. Одамларнинг ўйлашга вақти йўқ, бир нарсани исташга қуввати йўқ, улар фақат иш блан, иш учун яшайдилар ва бу уларни одобли ҳаёт кечиришга мажбур этади. Агар ба'зан байрам кунларида бирнече йигитлар бир жуфт ҳабашни осиб қўйсалар, бу ахлоққа хилоф бўлмайди, чунки ҳабаш оқ одам эмас, бунинг устига бу ерда ҳабаш жуда кўп. Ҳамма ўзини ма-

лум даражада сипо тутади, энг сул протестантлар мазҳабининг ёски тор ахлоқ рамкалари ичидан сиқилган ҳаракатсиз ҳаётниңг умумий кунгилсизлигига ахлоқ принципларининг ҳарқандай бузулиши қора дөғ сингари кўзга ташланади. Бу — яхши, лекин бу — жирканч. Жамиятнинг юқори синфлари қўйи синфларнинг ахлоқи блан фахрланса булади, аммо, айни замонда, бу ахлоқ бойларнинг фаолият эркини тўсади. Уларда пул бор — лемак, улар ахлоқ блан ҳисоблашмасдан истаганларича яшашга ҳақли. Бойлар — хасис, тўқлар — хасис, бекорчи, бузуқ. Заарали ўтлар семиз тупроқда ғовлагани сингари, бузуқлик ҳам тўқликтан келиб чиқади. Нима қилиш керак? Ахлоқни инкор қилиш керакми? Бу — мумкин эмас, чунки бу — аҳмоқлик. Одамларнинг одобли булиши сен учун фойдали бўлса, ўз гуноҳларингни яшира бил... Мана шу. Бунда бироз янгилик бор...

У ён-атрофига қараб, овозини яна пасайди:

— Шундай, Нью-Йоркда юқори синф вакиллари ажойиб яхши бир фикрга тармасиб олдилар, улар мамлакатда ахлоқ қонунларини ошкора равишда бузадиган яширин жамият тузишга қарор бердилар. А'золик бадали йиғиш йўли блан кўп сармоя тўпланди ва мамлакатнинг турли шаҳарларида, яширин равишда, албатта, афкори оммани гипноз қилиш бюоролари очилди. Мана, сизнинг камина қулингиз каби ҳархил кишиларни ёллаб, уларга ахлоққа хилоф бўлган жиноятлар қилиш вазифасини юкладилар. Ҳарбир бюрога хизматчиларнинг фаолиятига раҳбарлик кўрсатучи ва уларга топшириқлар беручи ишончли ва тажрибали бир одам бошчилик қиласи... Одатда у киши бирорта газетанинг муҳаррири бўлади...

— Мен бюроларнинг мақсадини тушунмаётирман! — дедим сиқилиб.

— Оддий гап! — деди у. Бирдан унинг юзида ҳаяжон пайдо бўлди, ниманидир тоқатсизлик блан кутаётгандай бўлди. Урнидан турди ва қўлини оғқасига қўйиб, ҳужрада нари-бери юра бошлади.

— Оддий гап! — деб тақрорлади у, — мен сизга айтдимку, қўйи синфлар вақт йўқлигидан кам гуноҳ қиласидилар. Ахлоқнинг бузилиши зарур ахир, уни қари қиз сингари ҳосилсиз қолдириш ярамайди. Одамлар ахлоқ тўғрисида доим қичқириб турсинлар. бу жамиятни кар қиласи, унга ҳақиқатни эшитишга имкон бермайди. Агар дарёга жуда кўп тараша ташланса, улар орасида катта хода ҳам кўзингизга илинмай оқиб ўтиши мумкин. Ёки, агар сиз ёнингизда турган кишининг қиссасидаги кармонни эҳтиётсизроқ суғуриб олсангиз, аммо халқнинг диққатини бир вақтда бир ҳовуч писта ўғирлаган болага қаратаолсангиз, сиз шу блан жанжалдан қутилиб кетасиз, лекин «ўғри!» деб қаттироқ қичқиришингиз керак. Бизнинг бюромиз йирик хиёнатларни хаспўшлаш мақсадида жуда кўп майдо жанжаллар қўзғаш блан шуғулланади.

У чуқур нафас олди, ҳужрапинг ўртасида туриб, бироз жим қолди.

— Масалан, шаҳарда бир ҳурматли ва обрўйли одамнинг ўз-

хотинини урганлиги ҳақида гап тарқалди. Бюро тезда менга ва бошқа бирнече хамкоримга ўз хотинларимизни уришни топширади. Биз урамиз. Хотинларимиз ҳам, албатта, шу ишга бел боғлаган ва урганимизда жуда қаттиқ додлайдилар. Бу ҳақда барча газеталарда ёзилади. Газеталар күтартган шөвшүв остида ҳалиги ўз хотинини урган обруйли одам ҳақидаги гап ҳамманинг эсидан чиқиб кетади. Газетада чиққын фактлар турганда аҳоли орасида тарқалган гап-сүзининг оҳамияти қоладими? Ёки сенаторларнинг сотқинлиги ҳақида гап тарқади. Бюро дархол бирнече полицейский мансабдорларини сотиб олишни уюштиради ва уларнинг сотқинлигини ҳалқ олдида фош этади. Яна фактлар олдида миш-мишлар аҳамиятсиз йўқолади. Юқори жамият а'золаридан бири хотин кишини ҳақорат қилиган. Шу соати-ёқ ресторонларда, кўчаларда бирнече хотинларни ҳақорат қилиш ҳодисаси ташкил қилинади. Юқори жамият вакилининг гуноҳи бу майда ҳодисалар орқасида сезилмай кетади. Биз ҳар ишда ва ҳарқачон шундай иш тутамиз. Улгуржи ўғирликлар, жуда кўп майда ўғирлик ҳодисалари блан ва умуман ҳамма улгуржи жиноятлар жуда кўп майда гуноҳлар блан хаспўшланади. Бюромизнинг фаолияти ана шундан иборат.

У деразага яқинлашиб, эхтиёт блан кўчага қаради ва паст овоз блан сўзида давом этиб, яна курсига ўтириди:

— Бюро Американинг юқори синфларини ҳалқ нафратидан ҳимоя қиласи, шу блан бир вақтда ахлоқ конунларининг бузилиши ҳақидаги доимий шов-шувлар ёрдамида, бойларнинг бузуқлигини яшириш учун ташкил этилган майда жанжаллар блан ҳалқни гаранг қиласи. Ҳалқ ҳамиша гипнозланган ҳолатда туради, мустақил ўйлаб кўришга унинг вақти йўқ, у фақат газеталар овозини тинглаш блан овора. Газеталар миллионерларга қарашлик, бюроларни ҳам улар ташкил қилиган... Тушинатириким? Бу жуда ажойиб иш-а...

У жим қолди ва бошини эгиб, хаёл сурди.

— Раҳмат сизга! — дедим, — сиз менга кўп қизиқ гаплар айтдингиз.

У бошини кўтариб, менга мунграйиб боқди.

— Ҳа-а, бу қизиқ албатта, — у секин ва ўйчан гапира бошлиди, — лекин мен бундан чарчадим. Мен оиласлик одамман, уч йил бундан муқаддам мен ўзимга уй солган эдим... Бироз ором олтим келади. Менинг хизматим оғир. Жамиятда ахлоқ қонунларига ҳурмат сақлаш! Бу чиндан ҳам енгил иш эмас. Ўйлаб кўринг: ичкилик мен учун зарарли, аммо мен ичишим керак, мен хотинимни ва оиласминнинг тинч ҳаётини яхши кураман, лекин ресторонларда юриш, жанжал қўзгашга мажбурман. Ўзимни тўхтовсиз газета саҳифаларида кўришим керак... Гарчи газеталар мени бошқа ном блан ёзадилар, албатта. Лекин ҳарҳолда... Бир вақт келиб ўзимнинг ҳақиқий исмим очилиб қолса... шаҳардан кўчиб кетишга тўғри келади... Менга маслаҳат беринг, мен ўз ишим ҳақида сизнинг фикригизни билтани келдим... Бу жуда чалкаш иш...

— Гапирияг! — дедим.

— Биласизми, — деб гап бошлади у, — сүнгги вақтларда жаңубий штатларнинг юқори синф вакиллари орасида ҳабаш қизларидан ўйнаш ортдириш одат бўлган. Бирданига икки ва учтадан. Бу тўғрида гап тарқай бошлади. Хотинлар ўз эрларига норозилик билдиримоқдалар. Ба’зи газета идораларига ўша хотинлардан ўз эрининг хиёнатини фош этучи хатлар ҳам келган. Қаттиж жанжал қўзғолиши мумкин. Бюро дарҳол бирнечча жойда „қарши·фактлар“ (бизда шундай сўз бор) ташкил этишга киришиди. Ўн уч агент — шу жумладан мен ҳам — ҳабаш қизларидан ўйнашлар тутишимиз керак. Бирданига икки ёки учтадан...

У асабий равишда ўрнидан турди ва қўлини чўнтағига қўйиб

— Мен буни бажараолмайман! — деди, — мен хотинимни яхши кўраман... У бунга йўл қўймайди, асосий масала мана шунда! Нижоят, агар биттагина бўлса ҳам эди...

— Рад қилинг! Маслаҳат бердим.

У мени қизғонгандай назар ташлади.

— Ҳафтасига 50 долларни менга ким берали? Муваффақият қозонгани тақдирдаги мукофотлэрчи? Йўқ, бу маслаҳатингиз ўзингизга бўлсин.. Америкалилар ўз ўлимидан кейинги куни ҳам пулдан воз кечмайди. Бошқа бирор маслаҳат беринг.

— Бу менга қийин, — дедим.

— Жим! Нимага қийин? Сиз, европалилар, ахлоқ масаласида жуда енгилтаксиз.. Сизнинг ахлоқизлигинги бизга малум.

У буни ўз сўзининг ҳаққонийлигига қат’ий ишонч блан айтди.

— Менга қаранг, — деди у менга томон эгилиб, — эҳтимол, сизнинг европали танишларингиз бордир? Ишонаманки, бўлса керак.

— Нима эди? — деб сўрадим.

— Нима эди, дейсизими?

У мендан бир қадам нари тисарилди ва драматик қиёфада турив давом этди:

— Мен ҳабаш қизлари блан бўладиган вазифани зиммамга ололмайман. Ўзингиз муҳокама қилинг: хотиним бунга йўл қўймайди, мен уни яхши кўраман, йўқ. мен зиммамга ололмайман!

У бошини қаттиқ силкиди ва силлиқ манглайини силаб, сирли товуш блан гапирди:

— Балки сиз менга шу иш учун европалилардан бирор кишини тавсия этазоларсиз? Европалилар ахлоқни инкор этадилар, уларга барибир. Камбағал муҳожирлардан бирортаси йўқми?

Ҳафтасига ўн доллар тўлайман, хўпми? Кўчада ҳабаш қизлари блан ўзим юраман. Умуман ҳамма ишни ўзим қиласман, у киши фақат бола тұғдириш масаласидагига ғамхўрлик қилса бас.. Масалани шу бугун кечгача ҳал қилиш керак... Ўланг ахир, агар жанубий штатдаги бу ишни ўз вақтида ҳар хил майдадчуда ишлар блан кўмид ташламасак, жуда катта жанжал қўзғалиши мумкин. Ахлоқ ва одоб манфаатлари учун ишни тезлатиш зарур.

..У ҳужрадан қочиб чиқиб кетганидан кейин, мен дераза ёни-

— келиб, унинг яланғоч калласига тегиб лат еган қўлимни совутиш учун ойнага босдим.

У дераза тагида туриб, менга қандайдир имолар қилар эди.

— Сизга нима керак? — деб сўрадим деразани очиб.

— Мен телпагимни қолдирибман, — деди камтарлик блан.

Телнагини полдан олиб, кўчага улоқтирдим. Деразани ёпар эканман, жиддий савол эшилдим:

— Ҳафтага 15 доллар берсам чи? Яхши бераяпман...

## [Э Р Т А К]

(„Италия ҳақида эртаклар“идан)

Шон - шарафларга чулғансин она, — битмас ва туганмас ҳаёт булоги!

Биз бу ерда Темурланг ҳақида, оқсоқ йўлбарс ҳақида, бахтиёр жаҳонгир Соҳибқирон ҳақида, оламни яксон этмоқчи бўлган одам ҳақида гапирамиз; кофиirlар уни Темурланг деб атаганидирлар.

У эзлик йил ер узра кезиб, гўё фил оёғи блан чумоли уясини эзгандек, ўз темир товони блан саноқсиз шаҳар ва давлатларни вайрон қилди. У юрган йўлларда чор атрофга қизил қон дар'ёлари оқди. У таслим этилган халқларнинг бош суюгидан юксак миноралар қурди, ўз кучининг зўрлиги ҳақида ажал блан баҳс очиб, ҳаётни хазон этди. Жаҳонгир деган ўз ўғлининг ўлими Учун ажалдан қасос олабошлади. Бу қўрқинчли одам очлик ва аламдан ажал ўлсии деб, унинг барча қурбонларини тортиб олмоқчи бўлди.

Ўғли Жаҳонгир ўлгандан бери, ёвуз жетларнинг фотиҳи қора ва кўк кийиб қайтганда Самарқанд ҳалқи ўз бошига тупроқ ва кул сепиб, уни қарши олгандан бери, ана шундан то ўтрорда Ажалга дуч келиб, мағлуб бўлгунигача, бир марта ҳам жилмаймади, у лабида севинчдан асар кўрсатмай, ҳечким олдида бош эгмай, ўз кўнглида шафқат ҳисларига заррача ўрин бермай 30 йил яшади.

Шон ва шарафларга чулғансин жаҳонда она, — Ажални итоатта келтириб, бош эгdirган ягона қудрат!

Биз бу ерда она ҳақидаги бир ҳақиқатни, Ажалнинг малайи ва қули бўлган йиртқич Темурнинг она қаршисида қандай бош экканини ҳикоя қиламиз.

Бу шундай бўлган эди: булутдай ёпирилиб ўсган ясмин ва атиргуллар блан қопланиб, Самарқанд шоирлари томонидан „Гуллар севгиси“ деб аталган водида, гўзал Конигул водисида Темурбек базм қиларди. У ердан шаҳри-азимнинг ҳаворанг миноралари, мачитларнинг кўк гумбозлари кўринарди. Водида, қуш қанотининг патларида тизилиб, 15 минг тўғарак чодир тикилган, улар мисли лола, ҳарбиригининг тепасида юзлаб ипак түғ майнин чечак баргидай ҳилпираиди.

Ўртада эса, қирқ қизнинг ичидаги ўтирган маликадай бўлиб, Те-

мурнинг ўз чодири турибди. Чодирнинг тўрт бурчаги марказдан юз қадам - юз қадам четда, баландлиги эса уч найза бўйи; марказ — одам белидан келадиган 12 олтин устун блан кўтарилиган, тепасида ҳаворанг гумбаз, бутун чодир қора, сариф ва кўк ипак тасмалар блан безалган ва осмонга кўтарилиб кетмасин учун беш юз жойдан қизил иплар блан ерга биркитилган, тўрт бурчагида нуқрадан ясалган катта бургутлар; ўртада, гумбаз ёнидаги баланд ўрнатилган улуғвор бургут енгилмас шаҳаншоҳ Темурнинг ўзи ни тасвир этади.

Шоҳнинг эгнида ҳаворанг шоҳидан тикилган кенг чопон, чонга беш мингга етар-етмас, ҳа, беш мингга етар-етмас, йирик гавҳар доналар қадалган. Шоҳнинг ваҳшатли ва оппоқ бошида чўққисига марварид ўрнатилган оқ телпак тебранар, ялтираган конли кўзлари оламни кезар эди.

Оқсоқнинг юзи худди минг бор қонга ботиб, қон блан занглаган кенг юэли пичоқ. Кўзлари қисиқ, аммо, ҳамма нарсани кўради, бу кўзларнинг ярқираши — араблар томонида севилган, кофирлар изумруд деб атайдиган ва тутқолоқ касалйни даф' этичи зумрад тошининг совуқ ярқирашига ўхшайди. Қулоғида Цейлон ла'лидан, гўзал қизлар лабидай ол рангли тошдан ясалган сирғалар.

Ерда, оламда йўқ гиламлар устида, 300 олтин кўвачада май ва шаҳаншоҳ базмига муносаб барча ноз-не'матлар бор; Темурнинг орқа томонида созандалар ўтирибди, шоҳнинг қаторида ҳечким йўқ, оёқ учida эса, қавми-қариндошлари, шоҳлар, амирлар, лашкарбошилар, шоҳга энг яқин ерда сархуш шоир Карманий ўтирибди. Бу шоир бир куни оламни яксон этаётган, даҳшат ва ўлим сочаётган шоҳнинг:

— Карманий, бордю мени сотадиган бўлсалар, сен мени неча пул деб баҳолар эдинг? — деган саволига:

— Ийигрма беш тилла, — деб жавоб берибди.

— Бу менинг ёлғиз камаримнинг баҳоси-ку! — деб қичқирибди ҳайратда қолган Темур.

— Мен ёлғиз шу камарни, — дебди Карманий, — ёлғиз шу камарни баҳоладим, чунки ўзингни бир пулга ҳам олмайдилар.

Шоир Карманий шаҳаншоҳ блан, зулм ва ваҳшат сочучи бу одам блан мана шундай сўзлашар эди ва биз учун шоирнинг, ҳақиқат дўстининг шон ва шарафи Темурнинг довруғидан доимо баланд.

Шон-шарафлар бўлсин шоирларга, ҳақиқат ҳақида жур'ат блан айтилган гўзал сўз — уларнинг ягона худоси, ўша улар учун мангулик худо!

Мана шундай шодлик ва кайф-сафо вақтида, жанг ва зафарлар ҳақидаги фурурли эсадаликлар ёдга тушганда, шоҳ чодири олдида чалғу ва ўйинлар шов-шуви авж олиб, саноқсиз турли қизиқчи ва найрангбозлар ўйин қурганда, курашчилар бел олишиб, танасида суюги йўқ экан деб ўлашга мажбур қиласидиган чақон дарбозлар ўйин бошлаганда, навкарлар одам ўлдиришдаги эпичилликларини кўрсатиб, найзабозлик қилганда, бирини даҳшатли,

бирини күлгили қилиш учун қизил ва кўйк рангларга бўялган филлар тамошоси бўлаётганда, Темурнинг одамлари шаҳаншоҳ даҳшатидан, унинг ғуруридан, зафарлар ҳоргинлигидан, май ва қимиздан маст бўлганларида, ақлнинг тизгини қочган соатда, бирдан, булутни ёриб ўтган чақмоқ сингари, шов-шув аробир овоз, аёл овози, бургутнинг магурур овози, Боязид сultonни маҳв ётган шаҳаншоҳ қулоғига етди, бу овоз Темурнинг ҳақоратланган кўнглига, Ажал томонидан ҳақоратланган ва шунинг учун ҳам одамларга ва ҳаётга шафқатсиз бўлиб қолган кўнглига ошна ва қардош овоз эди.

У қайғули товуш блан ким қичқираётганини билишга буюрди, унга қандайдир аёл келгани, унинг чангга ботган ва жулдур кийим кийгани, ақлсизларга ўхшагани ва арабча гапириб уч иқлимнинг шоҳини кўрсатишни талаб этаётганини ва буни қаттиқ талаб қиласётганини айтдилар.

— Олиб киринг уни! — деди шоҳ.

Мана аёл унинг қаршисида. У ялангоёқ, устида офтобда ранги йўқолган жулдур кийим, ялонғоч кўкрагини тўсиш учун қопқора соchlарини тўзғитган, юзи бронза каби, кўзлари эса — ҳукмдорона. Оқсоқ томон чўзилган қора қўллари титрамас эди.

— Сulton Боязидни мағлуб этган сенмисан? — деб сўради у.

— Ҳа, мен. Мен уни ва яна кўпларни мәғлуб этганиман ва ҳали зафарлардан толганимча йўқ. Сен, аёл, ўз ҳақингда нима демоқчисан?

— Тингла! — деди аёл, — нима қилган бўлсанг ҳам, сен фақат инсон, мен эса — Она! Сен ўлимнинг хизматкорисан, мен — ҳаётнинг. Сен менинг қаршимда айблорсан, мен сендан ўзингни оқлашивнгни талаб қилиб келдим. Менга айтдиларки, сенинг шиоринг куч — адолатда — мен бунга иноммайман, аммо сен менга нисбатан адолатли бўлишинг керак, чунки мен — Она!

Шоҳ анча доно бўлиб, бу жур'атли сўзлар замирида куч йўқ эканини фаҳмлар эди. У деди:

— Ўтири ва сўзла, сўзларингни тинглаш истагим бор.

Аёл шоҳлар гуруҳи аро гиламга ўз истаганича жойланиб ўлтириди ва ҳикоя қилди:

— Мен Солерно ёниданман, бу узоқ Италиядэ, сен у жойларни билмайсан. Отам балиқчи, эрим ҳам; у гўзал, баҳтиёр одам эди. Унга саёдат бағишлигаран — мен. Менинг яна ўғлим бор эди — ёр юзида энг гўзал бола...

— Менинг Жаҳонгирим сингари! — деди секин кекса Соҳиб-қирон.

— Энг чиройли, ақлли бола — менинг ўғлим эди.

Денгиз қароқчилари бизнинг қирғомизда пайдо бўлганда, у энди олтига кирган эди. Қароқчилар отамни, эримни ва япа кўпларни ўлтирилар, болани эса, ўғирлаб олиб кетдилер. Мана тўрт йилдирки, дун'ё бўйлаб унни излайман. У сенинг қўлпингда экан, мен буни билдим, чунки Боязиднинг навкарлари денгиз қароқчиларини қўлга туширганлар, сен эса Боязидни енгдинг ва унинг бор нарсасини тортиб олдинг, сен менинг ўғлимнинг қаерда экан

нини билишинің керак, сен уни менга қайтариб беришинг керак! ]

Хамма кулиб юборди. Ўзларини ҳарвақт доно ҳисоблавчи шоқ-  
лар, Темурнинг дўстлари, амирлар ва лашкарбошилар:

— Бу хотин девона бўлибди, дедилар ва яна қулдилар.

Фақат Карманий жиддият блан ва Темурланг ҳайрат блан аёл-  
га тикилди.

— У, оналардай ақлсиз! — деди секин сархуш шоир.

Тинчлик душмани — шоҳ эса, айтди:

— Аёл! Сен менга нотаниш бўлган у ўлкалардан денгиз, дар'ё,  
тоғ ошиб, ўрмон кезиб нечук келаолдинг? Ёввойи ҳайвонлар, кўп  
вақт ҳайвонлардан ҳам йиртқичроқ бўладиган одамлар нима учун  
сенга тегмадилар, ахир сенда хатто заифларнинг қўлида қувват  
туғагунича уларга содиқ дўст бўладиган бир миљтиқ ҳам йўқ. Сен-  
га ишонмоғим учун ва мендаги ҳайрат сенинг аҳволингни  
англамоққа халақит бермасин учун буларнинг барини билишим  
керак, айт!

Шон ва шарафларга чулғансин она! Тўсиқ билмас унинг му-  
ҳаббати! У — одамни ўз кўксида парвариши қилган. Инсондаги  
бутун гўзаллик — қуёш нуридан ва она қутидан! Ҳаётга бўлган  
муҳаббатни мана шулар бизга сингдирган!

Темурлангга аёл бундай деди:

— Мен фақат бир денгизни кечдим, унда кўп ороллар ва ба-  
лиқчи кемалари бор экан, меҳрибонингни излаб чиқсанг, шомол  
сенга йўлдош бўлади. Денгиз қирғонида туғилиб ўслан кишига  
дар'ё кечиш осон. Тоғлар... дединг. Мен тоғ учратмадим.

Маст Карманий шод бўлиб, деди:

— Муҳаббатинг бўлса, тоғлар водига айланади!

— Йўлда ўрмонлар бор экан, ҳа, бор экан. Тўнғизлар, айқ-  
лар, бошини қуий соглан қўрқинчли ёввойи ҳўкизлар учради ва  
икки бор йўлбарс учраб, сеникiday кўзлари блан менга қаради.  
Ҳар йиртқичнинг юраги бор. Ахир, мен улар блан, сен блан  
сўзлашгандай, сўзлашдим, улар менинг Она эканлигимга ишон-  
дилар ва чуқур нафас олиб, мендан узоқлашдилар, улар мени  
аядилар. Ҳайвонлар ҳам, одамлар каби, ўз болаларини севадилар,  
ҳаёт ва эркинлик учун курашадилар, сен буни билмайсанми?

— Шундай, аёл! — деди Темур. — Мен биламан, улар кўпинча  
одамлардан кўра қаттиқроқ севадилар, қат'ийроқ курашадилар.

— Одамлар,—деди аёл гўдак сингари(чиндан ҳам ҳарбир Она ўз  
кўнгли блан юз марта гўдакдир) — одамлар ҳарвақт ўз оналарин-  
нинг болаларидирлар, ахир ҳаркимнинг ҳам онаси бор, ҳар киши  
кимнингдир ўғли, ҳатто сени ҳам, эй чол, биласанми, сени ҳам  
бир аёл туқсан, сен худодан воз кечишинг мумкин, аммо онани  
сен чол ҳам рад қилолмайсан.

— Шундай аёл! — деди Карманий, — шундай, ҳўкизлар жам'и-  
дан бузоқлар пайдо бўлмайди, қуёшсиз — гуллар очилмас, сев-  
гисиз—баҳт йўқ, хотин киши бўлмаса, муҳаббат бўлмаса, Она  
бўлмаса, на шоир бўлади, на ботир.

Аёл айтди:

— Менинг боламни қайтариб бер, чунки мен Она ва уни севаман.

Аёлга та'зим ва иҳтиром! У Мусони, Мұхаммадни ва буюк пайғамбар Исони туққан. Исо пайғамбар ёвуздар томонидан ўлдирилди, аммо Шарифи-диннинг айтишича, у ҳали тирилашак, тирикларни ва ўликларни жазолаш учун келажак, бу Дамашқда бўлади, Дамашқда!

Биз учун ҳормай-толмай улуғ кишилар тўғиб берган аёлга та'зим ва иҳтиром! Арасту унинг ўғлидир, Фирдавсий ҳам, асалдай лаззатли Са'дий ҳам, заҳар аралашган май сингари Умар Ҳайём ҳам, Искандар ҳам, кўэсиз Гомер ҳам—барчаси ҳам унинг ўғиллари дир. Барчаси унинг кўксидан сут эмган. Уларнинг буйлари ҳали лоладай бўлмасдан, ҳарбирини етаклаб, ҳаёт йўлига киргизган — Она. Оламнинг фаҳри — Оналар.

Кекса вайроначи, оқсоқ йўлбарс Темур узоқ хаёл сурди, узоқ жим қолди, сўнгра ҳаммага қараб айтди:

— Мен тангри қули Темур! Муносиб ва зарур гапни айтаман. Мана, мен ҳаёт кечирдим. Неча йўлдан бери оёқларим тагида курра инграйди. 30 йилдирки, бу қўлларим блан Ажалнинг курбонларини қираман. Мен уларни ўғлим Жаҳонгирнинг ўлими учун, Ажалдан қасос олиш учун қираман. Ажал кўнглимининг қуёшини сўндирган. Подшоҳлик учун ва шаҳарлар учун кўплар мен блан жанг қилди, аммо одам учун ҳечким ҳечқаочон мен блан курашмаган, менинг назаримда одамнинг ҳечқандай қадри-баҳоси йўқ. Одам ким ва нима учун у менинг йўлимда учрайди? Буни мен билмас эдим. Мен — Темур Боязидни енгганимда, унга мен айтганман: „Хей, Боязид, худо давлат ва одамларни сра назарига илмаса керак, чунки у, давлат ва одамларни сенга ўхшаш қийшик ва менга ўхшаш оқсоқлар эҳтиёрига топшириб қўймоқда“. Уни менинг ёнимга ээнжирбанд қилиб келтирганларида, у, занжир оғирлигидан оёққа туролмаганда, мен унга шундай дедим.

Унга ҳаёт вайронада ўғсан алафдай аччиғ туйилганда, унинг баҳтисизлигини кўриб, мен шундай дедим.

— Мен, тангри қули Темур, муносиб ва зарур гапни айтаман. Мана, менинг қаршимда сон-саноқсиз аёллардан бири ўлтирибди. У менинг дилимда ҳозиргача менга ма'лум бўлмаган ҳисларни ўйғотди. У менга, ўз тенгига сўзлагандай сўзлайди, у илтимос блан эмас, талаб блан келган. Мен унинг бу кучни қайдан одганини кўриб турибман. Мен тушиндим,—у севади, унга: боланинг кўп асрларга етадиган, алангага айланиши мумкин бўлган ҳаёт учқуни эканини билишга муҳаббат ёрдам берган. Барча пайғамбарларнинг даставвал бола бўлгани, ботирларнинг даставвал қувватсиз бўлгани рост. Оҳ, Жаҳонгир, кўзимнинг нури, ҳаётга меҳр блан қараш, унга саодат уруғларини сочиш, балки, сенинг пешонангга ёзилган эди. Мен ерни яхшилаб қон блан сүфордим.

Йиртқич шаҳаншоҳ яна узоқ хаёллар сурди ва ниҳоят деди:

— Мен тангри қули Темур, муносиб ва зарур гапни айтаман. Ҳозир 300 лашкар отланиб, еримнинг ҳамма бурчагига чопсин ва бу аёлнинг ўғлини топсин. Она шу ерда кутади. Мен ҳам у блан

бирга кутаман. Кимки у болани отига мингаштириб олиб келса, бахтиёр бўлади, Темур гапираёт! Шундайми, аёл?

Аёл қора соchlарини юзидан сидириб, жилмайди ва бош сидиб, жавоб берди:

— Шундай, шоҳ!

Шунда бу даҳташли чол ўрнидан турди ва аёлга сўёзсиз та зим қилди. Хушчақчақ шоир Карманий эса, боладай шод куйлаб юборди:

Гуллар ва юлдузлар қўшиғи чиройли,  
Мұҳаббат қўшиғи ундан ҳам гўзал;  
Нима бор гўзалроқ май қуёшидан?  
Ошиқ дарҳол айтур: маҳбубам гўзал!  
Биламан, ойдинда юлдузлар гўзал,  
Биламан, гўзалдир майнинг қуёши,  
Севганимнинг кўзи юлдуздан афзал,  
Кундан меҳрибондир кулиб қараши.  
Аммо, дун'ёдаги борлиқ чиройи —  
Энг гўзал бир қўшиқ айтилгани йўқ:  
Бу — биз, одамларнинг эзгу манба'и —  
Она юрагига аталган қўшиқ!

Темурланг ўз шоирига деди:

— Шундай, Карманий! Тангри ўз донолигини куйлаши учун сенинг лабларингни танлаб, хато қилмаган экан.

— Эй, тангрининг ўзи — яхши шоир! — деди сархуш Карманий.

Аёл эса жилмаяр ва унга,— Онага қараб, барча шоҳлар, амирлор, лашкарошибилар жилмаяр эди.

Буниинг бари — туғри; бу ердаги сўзлар ҳаммаси — ҳақиқат, буни бизнинг оналаримиз биладилар, улардан сўрасангиз, дарҳол айтажаклар:

— Ҳа — буниинг бари — абадий ҳақиқат, биз — ўлимдан кучли-миз, оламга донишмандлар, шоирлар ва қаҳрамонлар ин'ом этган — биз, оламнинг бутун шоншарафини биз экиб, биз унди-рамиз.

## „МЕН У ХОТИННИ БИРИНЧИ МАРТА КЎРДИМ...“

Мен у хотинни биринчи марта кимнингдир тобути орқасида кетаётганида кўрдим. Тўбутдаги унинг бирор яқин кишиси бўлса керак. Хотиннинг бошидаги қора булат сингари рўмол унинг келишган ва тик қоматини қоплаб тушган, чиройли лаблари бир-бирига маҳкам жиплашган, худди мартмам каби юзида қора кўзлар нурсиз ёнади. Бу хотин менинг кўзимга мағрур изтироблар тимсоли бўлиб кўринди.

Кейинроқ мен уни денгиз соҳилида, кимсасиз ва кўнгилсиз бир жойда учратабошладим: у ерда тоғдан юмалаб тушиб, чукурчукур ёрилган, шўр босган ва қуруқ денгиз ўсимликлари блан қопланган улкан тошлар устма-уст бўлиб ётади.

У, тошлар орасида ҳайкалдай ҳаракатсиз ўлтиради, бу ерда мен унинг шафқатсиз ва тубсиз аламларини яна ҳам равшанроқ

кўраман. Шомол унинг устидаги мотам ридоси блан аста ўйнайди, бепоён денгиздан хушчақчақ тўлқунлар бирин-кетин келиб, унинг оёқ учидаги тошларга урилади. Ба'зан мен унинг юзида катта-катта ёш томчилари кўраман.

Мен у блан сўзлашишни истар, лекин жур'ат эта олмас эдим: мана бир вақт, майнинг чиройли кунларидан бирида — менга денгиз ёрдам берди:

Кечакаттиқ шомол бўлган эди, бугун эса юмшоқ тўлқинлар бешик-бешик бўлиб келади-да, хўмрайган кулранг тошларни оқ кўпиклар ва рангбаранг сув учқунлари блан безатиб, ёқимли шов-шув блан яна денгизга қайтади.

Салобатли бир тўлқин салмоқ блан қирғоққа келди, жингалак сиртини баланд кўтариб, ҳазиллашгандай бир зум ҳаракатсиз қолди-да, бирдан шовқун блан ўзини тошга ташлади, сачраб кетди.

Хотин секин қичқирди ва ўрнидан турди, сўнгра жилмайиб, кўйлагидан сув томчиларини силкайбошлади.

У қичқириб юборгандা, мен у томон югиromoқчи бўлган эдим, унинг ёрдамга муҳтоҷ эмаслигини кўргач, қайтдим. Менинг бу ҳаракатимини кўрганда, фурурли кўзларининг киприклари чиройли ўйнаб, юзида ёрқин жилмайиш пайдо бўлди ва кўкрак ўзагидан чиққан товуш блан мендан сўради:

— Мен сизни қўрқитдим шекилли?

Сўнгра яна қирғоққа секин ёндашиб келаётган тўлқинни кўрсатди ва деди:

— Кутимагандан шундай баланд сачрадики... Афв этинг. Мен сизга халақит бердим.

— Ташвиш тортманг, — дедим мен, — сиз менга халақит берганингиз йўқ...

— Йўғе, ахир... Мен кўрдим-ку. Яхши иш қилмадим. Одам тинч тургандан унга халақит бериш ярамайди ..

— Сиз... Фалати сўзлар айтиётисиз, — дедим.

— Мен бу сўзларнинг қадр-қиматини биламан, — деди у аста.

Тош устига юқорироқ чиқиб ўлтириди. Юзида ҳаракат тинди, кўзлари эса қуёш нурида ярқираган бепоён денгиз устидаги узоқ бир нуқтага тикилди. У ерда шўх тўлқинлар бирин-кетин ҳамон пайдо бўлар, қояларга урилиб, кулги ва қўшиқлар блан ҳар томон сачраш учун қирғоқ сари сузар эди.

— Хоним! — дедим секин, — одамнинг кўнглини ёлғизлик бойитади, аммо ўз иэтиробларинги ўзининг ёлғиз чекиб тугатолмайсан, киши, қувват етмайди... Ана шунда, қуруқчилик ерни хазон қилганидек, ёлғизлик ҳам юракни сұлдиради...

Хотин мен томонга бурилди. Унинг ғамгин қора кўзлари диққат ва осойишталиқ блан менга тикилди.

— Мен сизни тобут орқасидак кетаётганингизда кўрган эдим,— деб давом этдим бироз ўнғайсизланиб, — бу ерда эса йиглаётган экансиз ..

— О, у биринчи тобут эмас эди! — деди секин ва бошини

әгди — одамларни қабрга узагишининг алами оғир, аммо уларни тиригича ўз юрагингга дағын этишдаги алам ундан ҳам оғир. Ба'зан шундай қилишга ҳам тұғри келади.. Биласиз-ку?

Мен буни билар әдим. Иккимиз ҳам тинч қолдик.

Оәқ учимиэда тұлқин ўйнар, ба'зан бир пас тин chir ва яна күтариладар әди. Чайкалар. Шавқ блан муттасил қичқиришарди. Бизни майин ва соғиң дөңгиз ҳавоси чулғаган, улуғвор ва бақувват дөңгиз қуёш нурида күк ва зангор тусларга кириб ярқирайди.

Хотин бирдан гап бошлади:

Хечким ўз баҳтини сиз блан ўртоқлашғанми? Менингча, йўк. Ўз қайғусиничи? Аминманки, ундаілар кўп бўлган. Шундай эмасми? Ана, кўрдингизми..

Унинг кўзлари ўйчанлик блан яна дөңгиз бўшлигига тикилди, тұлқинлардан сачраган оқ кўпиклар орасида чайкалар, учар әди.

— Биз ўз қайғуларимиз ҳақида ҳаддан ташқари кўп гапирамиз, биз ҳаддан ташқари кўп зорланамиз. Атроф бизнинг оҳу-зоримиз блан тўлган. Ўлганимизда биз ҳамма нарсада ўзимизнинг изтиробларимиздан из қолдирамиз. Ўзга насл дун'ёга келади, у ёш, кучли ва жур'атли, аммо, у ҳаётни бевосита танишдан аввал, биз қолдирган мерос блан заҳарланади. Биз, ҳаётни сўнник ва хира ранглар блан бўяғанмиз ва фақат яраларимизнинг гўзал тасвир этамиз. Биз ҳамма ерда, айниқса шे'риятда ўзимизнинг шахсий муваффақиятсиликларимизни биринчи ўринга қўйганимиз. Биздан кейин келадиган одамлар бунинг ҳаммасини кўрадилар ва эшитадилар.. Ва ўз қайғулари туғилгунча биз қолдирган қайғулардан чарчайдилар. Ўз қайғулари келгандан эса унга қарши туриш учун кучлари етмайди.. Ана шундан кейин улар ҳам биз каби оҳ урадилар...

Хотин жим қолди ва осмонга тикилди, унда чайкалар чува-лашиб учарди...

— Одамни ҳурмат қилған киши ўзи ҳақида гапирамаслиги ке-рак. Одамларни ўз шахсий оҳи-зоримиз блан заҳарлашга бизга ким ҳуқуқ берган? Қадим замонларда ярадор-бўлиб ўлим олдида турган жангчи ўз оҳи-зоридан душман заҳарханда блан кулмасин учун мағрур ётар ва индамас әди.. Биз эса, ҳатто тишимиз оғригандан ҳам фифонимиз блан осмонни кар қилишга тайёрмиз. Тинч сўёзсиз туришнинг олийжаноб ҳисси бизга ёт. Менинг қайғим, балки, мени ўлимга етаклавчи касалликдир... Аммо, одамлар ҳасислик ва тўқлик касалидан ҳам ўладилар.. Мен уларни аямайман.

У бир пас жим қолди ва секин, аммо тушинарли қилиб, деди:

— Одамларни бундан кўра мағруроқ кўргим келади. Мен сихирчи бўлсайдим, ҳарбир янги туғилган одамга сўёзсиз тинч туриш каби олийжаноблик баҳш этар әдим.

У ўринидан турди. Қора булутдай енгил ридога бурканган қомати тик ва келишган. Унинг оёқлари тагида итоатчанг ва шўх тўлқинлар ўйнар әди, юзида осойишталик, тийран кўзлари узоқларга мағрур тикилган.

— Хайр! — деб бosh силкиди, узун киприклари ёкимли қимирлади.

Мен индамай та'зим этдим.

У сарғиш тошлар орасидан дам күриниб, дам йўқолиб секин узбеклашди, — нозик, бақувват; ўз алами ҳақида жим туришнинг олийжаноб ҳислари блан тўла.

Шўх ва қувноқ тўлқинлар қирғоқ тошларига бирин-кетин келиб урилар, соф дengiz ҳавоси эса, тўлқинлар шов-шувида осойишта ва уйқучан ҳолатда қалтирас эди. Денгиз ва ер шод ва сахий куёшнинг самарали ва иссиқ нурларида чўмилар эди.

Асқад. Самилар таржимаси.

---

## ОЙДИН

### ҲАМОН ЁДИМДА ҮША УЛУФ ЗОТ

(Улуф пролетар әзучиси М. Горькийни эслаб)

Ниловна, Павелнинг онаси. У ёлғиз Павелнинг эмас, бутун пролетариатнинг онаси. У Павелни севгани, Павел учун қайғиргани каби, бутун пролетариатни севди ва улар учун қайғирди. Бу севги—кишилик учун, ишчилар озодлиги учун, пролетариат революцияси учун курашучи, революция йўлида эзиз жонидан кечучи онанинг севгиси эди.

Бу севгига, бу севгини ёритучи ҳакиқий юрак эгаси—онага ҳурматимиз абадий.

Бу онани ким яратди, ким уни тасвир этди? Ким бизнинг юрагимиизда шу онага нисбатан севги уйғатаолди ва уни севишга ўргатди?

Биздаги мактаб ёшида бўлган болалардан тортиб, то кексаларга қадар бир оғиздан: „Бу он ни улуф пролетариат әзучиси севикили Максим Горький яратди“ деб жавоб берадилар. Бу тўғри.

\* \* \*

Мен ҳали русчани яхши билмаган, рус тилида ёзилган асарларни чуқур тушиниб, мағзини чақалмаган вақтимда қўлимга Максим Горькийнинг ҳикояларини олдим ва завқ блан ўқийбошладим. Бу даврда менга луғат китоблари ёрдамчи бўлди. Тўғри, кўп қўйналиб бўлса ҳам, бу ҳикояларнинг мазмунига тушиниб ўқишга уриндим ва англайбошладим. Кўпдан бери орзу қилиб юрганим учун „Она“ романини ҳам ўқиб чиқдим. Бир марта эмас, иккинчи марта ўқидим ва бир йилдан кейин яна ўқидим. Сўнгги ўқишумда унинг ма'носига тўла тушиндим ва романлар ўқишга қизиқиб кетдим.

Бу вақтларда Максим Горький ҳаёт, тетик ва бутун совет әзучиларига раҳбарлик қилаётган эди. Кун сайин унинг мамлакатимиизда саиализм қуриш, коммунизмнинг ҳақиқий кишиларини етиштириш, ёшлирамизни шу руҳда тарбиялаш ва совет әзучиларининг бу ишда актив курашчи бўлишлари каби муҳим масалалар ҳақида мақолалари чиқиб турар эди. Партия ва ҳукуматимизнинг кундалик сиёсатини амалга оширишда қизғин қатнашар ва ўзи ҳам янги-янги актуаль масалаларни кўтариб чиқар эди. Унинг номини эшитар эканман, унинг асарларини ўқир эканман, менда яна янги-янги орзу туғилди. Шу улуф адабни, шу улуф кишини бир кўришни истар эдим.

1934-инчи йили август ойи, Иттифоқ Совет Ѓазуучиларининг биринчи қурултойи очиладиган кун келиб етди. Ҳамма буни сабр-сийлик блан кутарди Мен қурултой очилиш куни Москвада Союзлар Уйининг колонна залига ҳаммадан илгари бориб ўтиришга ва Горькийни биринчи бўлиб кўришга қизиқардим. Мажлис соат 6 га чақирилган бўлса ҳам, мен ярим соат олдин бордим. Лекин Союзлар Уйининг дарвозасидан кириш қийин эди: унинг ички томони ҳам, кўча томони ҳам одам блан лиқ тўлган. Бир амал-лаб ичкарига кирдим. Ҳамма ўз жойига ўтириб олган, зал ва унинг болохоналари лиқ тўлган, фақат қурултойнинг очилишини кутиб ўтирадилар. Мен ҳаммадан олдин эмас, ҳаммадан кейин келибман.

Максим Горький саҳнага чиқиши бланоқ залда аллақандай жонланиш ҳосил бўлди, ҳамма ўрнидан туриб, қаттиқ қарсак блан уни қарши олди. Ҳамманинг кўзи севинч ёшлари блан тўлди. Юраклар ҳам расмий тепишни ўзгартиб, қандайдир толпиниш блан бутун гавдани ларзага келтирди. Узоқ олқишлилар Алексей Максимовичнинг сўз бошлашига имкон бермади. У ҳам, зўр ҳаяжон ичилади бўлса керак, баланд қоматини тикка тутганича, дам атрофига, дам залдаги кишиларга мароқ блан қараб куларди. Одамларни ўтиришга таклиф қилас, табассумли бош эгарди.

Шу куни у, совет адабиёти ҳақида ажойиб доклад қилди. Унинг доно, чуқур мазмунли сўзларини, совет адабиётининг аҳамияти, роли, вазифалари ҳақидаги фикирларини тўймай мароқ блан тингладик.

Шу куни кечаси блан мен у докладнинг ёзмасини ҳам ўқиб чиқдим. Унинг ҳарбир сўзини тилга олар эканман, Алексей Максимовичнинг чуқур ма'но блан тўлган ўтли кўзлари, оталар муҳаббати блан кулиб боқсан юзлари кўз олдимда гавдаланади. Худди ўзимни яна залда ўтиргандек, унинг докладини тинглагандек сеэдим. Бу завқли уйқусиз кечаларнинг бошланғичи эди.

Қурултой охирлашиб қолди, якунлар ясалабошлади. Ҳар куни мажлис Алексей Максимовични қарши олиш блан бошланди. Аммо, янгишмасам, қурултойнинг тўртинчи куни у мажлисда бўлмади. Биз унинг соглиғи ҳақида ташвишланабошладик. Ўзимизча „чарчаган бўлса керак“ деб ўйладик.

Сўнгги мажлис охираida кимдир қўлимга бир кичкина қоғоз келтириб берди. Бу қоғоз кўнглимни кукка кўтарди, шодлигим минг қатла ошди. Бу қоғозда биз Алексей Максимовичнинг ботига таклиф қилинган эдик.

Шу куни, афтидан, 50 га яқин киши машинага ўтириб, Москва четига, ўрмонлар орасига қараб йўл солдик. 72 чақирим йўл босиб, арчазор ўрмон ичига қурилган буюк бино олдида тўхтадик. Максим Горький бизни уй эшиги олдида, оқ мармар тошли зина устида, бир даста чаман гул ёнида туриб қарши олди. Бу улуғ одам олдига бориб кўришин учун ошиқар эдик. Унинг очиқ юзидаги самимий камтарлик, ёқимли табассум ва унга яқинлашаётган ҳарбир одамга олдиндан қўл чўзиши кишини магнит каби ўзига тортар эди. Мен жуда шошиб, ҳовлиқиб қолдим. Оёқ-

құлларим қалтирайбошлади. Орамиз унча узок бұлмаса-да, 10 құл беришгүнча, ер теп-текис бұлса ҳам иккى марта қоқилиб кетдім. Оёкларим менинг ихтиеримда әмас, қандайдыр бебошлик блан қадам ташлар әди. Ҳарким үзи блан овора, тез бориб, Алексей Максимович блан күришиш, сұрашиш блан банд. Агар шундай бұлмаса, мендаги үзгаришни күрган киши, албатта, үзини кулгидан тұхтатаолмас әди. Мен у блан күришиб бўлғанимдан кейин бирдан үзгардым, тоғ юрак пайдо қилдим. Үзимни жуда тетик, шод сезабошладим. Бу тоғ юракни, бу тетиклик ва шодликни ҳам пайдо қилган үша одам, үша дов'юрак устоз әди.

У, меҳмонларнинг олдига тушиб, бутун боқчани, ажайиб гулзорларни айлантири, Октябрь Социалистик Революциясига қадар бу bog бир катта бойники бўлганини сўзлаб берди.

Максим Горький үзининг „Ешлик“, „Менинг унивёрситетларим“ асарларида тасвиrlагани каби, ёшлигида, чоризм даврида кўп жафоларни кўрган, оғир кунларни бошидан кечирған бўлса ҳам, биз кўрган вақтда 60 дан ошиб, кексариб қолган бўлса ҳам, үзини тетик сезар әди. У, қўлида ҳассасиз, кўэда сийаксиз юради. Унинг баланд қомати ҳамма вақт новдадек тикка, кўнгли дўстларга мулојим әди.

У, меҳмонларни айвонга ўтқазиб, адабиёт ҳақида, муҳим масалалар устида маслаҳатлаша бошлади. Совет мамлакатида яшавчи халқларнинг адабиёт тарихини яратиш ва бунга рус ёзуғилари, адабиёт олимларининг ёрдам беришлари кераклиги ҳақида гапирди, бутун совет халқлари адабиёти блан рус халқини таништириш учун Москвада рус тилида „Совет халқларининг адабиёти“ деган систематик равишда чиқиб турадиган бир альманах ташкил килишни таклиф этди. Бу таклиф катта қувонч блан қарши олинди ва тез кунда унинг ҳамма таклифлари амалга ошабошлади.

Максим Горький кўп йиллар биз блан бирга узоқ яшай олар әди. Лекин халқнинг ашади душманлари—бухаринчи троцкийчи бандитлар бу улуғ ёзучининг ўлимини тезлатишга ҳаракат қилдилар. Халқ душманларининг ювиндихўри бўлган, сотилган хоин Максимов (М. Горкийнинг секретари) орқали аввал М. Горькийнинг ўглини, сўнгра Горкийни ўлдирилар. Бу сотқин душманларга нисбатан биздаги ўч алангаланди. Улар халқнинг ғазабига, жазосига учрадилар.

Максим Горький ўлган бўлса ҳам у ҳамон улуғ Сталин давриининг баҳти халқлари дилида яшайди. Биз унинг улуғ сиймосини доимий кўз олдимизда кўрамиз, унинг буюк асарларини ўқыймиз, ундан ўрганамиз.

АБДУЛЛА ҚАҲХОР

## ҚЎШЧИНОР<sup>1</sup>

Роман

### Қурбон-ота

Шол кунларда эски қасрат айтилмас  
гарчанд,

Айтиб ўтсак шу гурунгда бўлур  
зарарсиз:

(„Катта Фаргона каналининг куручи-  
ларидан ўртоқ Сталинга кат“.)

Сидиқжоннинг нияти шу кетишда ҳечқаерда тўхтамасдан тонг  
отгунча йўл юриб станцияга бориш, тўғри келган поездга чиқиб  
қаёққа бўлмасин кетиши ва поезддан тушиш блан рўпара келган  
 заводга кириб ишлаш, тинмай, то ҳолдан тойиб йиқилгун-  
 ча ишлаш эди. Ярим кечага яқин Бешсерка қишлоғига яқин-  
 лашганида ҳовридан тушди. Ҳовридан тушганидан кейин тун қо-  
 ронгулиги, йўл ёмонлиги билинди. Шунинг учун кечани, қандай  
 бўлмасин, Бешсеркада ўтказишга қарор берди.

Бешсерка қишлоғи маст уйқида, фақат аллақаерда трактор  
тарилларди. Сидиқжон катта йўлдан анча четда, каттакан бир  
дараҳт остида милтиллаб турган чироққа томон бурилди. Бу — қи-  
зилчойхона экан. Самовар ётган. Бир чол чойнак-пияла артар,  
ҳовуз бўйидаги сунада кимдир хуррак отиб ухлар эди. Сидиқ-  
жон чолга салом берди. Чол, унга қарайман деб, қўлидаги чой-  
накни тушириб юборди. Чойнак синди.

— Қўл майиброқ, ўғлим, майиброқ, — деди чол Сидиқжонни  
хижолатдан чиқариб — мана шу ўнг қўл каракт. Ўнг оёқ ҳам...  
Келинг, ўғлим. Бемаҳалга қолибсиз?

— Ҳа, Яккатутга деб йўлга чиқсан эдим. Бақрободдан кела-  
ётисбман.

Сидиқжон яна йўлга тушиш нияти борлигини айтмаса ҳам, чол  
бемаҳалда йўл юришининг хосияти йўқлигини айтиб, бу кеча шу  
ерда қолишини ва эрта саҳар йўлга чиқишини маслаҳат берди. Си-  
диқжон ичиди хўп суюнди, лекин ўзини чолнинг сўзини иккита  
қилмаслик учунгина қолаётган кўрсатишга тиришиди: чол ўрин  
солиб берганда ҳам анчагача бир пой этигини ечмасдан ўйланиб  
ӯтириди.

<sup>1</sup> Боши 3 ва 4-5 сонларда.

— Ечинг этигингиэни, — деди чол ўзига ўрин солаётиб, — эрлаб барвақт уйғотаман. Бемаҳалда асти йўл юрманг. Сиздай ийғитлик чоғимда бошимга бир кулфат тушдию, Бувайдидан чиқиб, сиздай bemахalga қолдим. Саҳарга яқин Аччида кетаётган эдим, рўпарамдан ўйлбарс чиқиб қолса бўладими! Толнинг тагида отйўлакда хон тахлит бўлиб ётиди... Сочларим тикка бўлиб, бетларим жимирлашиб кетди. Қайтай десам, қувади, ўтиб кетишнинг сра ҳисоби йўқ. Турив қолдим. Билмадим, қанча турдим экан. Йўқ, толиминг нариёқдан арава келиб қолди. Кейин билсан, йўлбарс-пўлварс йўқ, ойдинда толнинг сояси экан. Қўрқмайман деб бўлмайди, ўғлим, шунаقا вақтда одамнинг юраги қинидан чиқиб кетади. Чирогни ўчирайми?

— Майли, — деди Сидиқжон ва анчадан кейин сўради, — тағингиз Бувайдиликми? Ўша бувайдилик Саидаҳор эшон шарманда бўлишдан қўрқиб, ўнбир яшар қизни бўғиб ўлдирган экан; бир эшиитдикки, қочиби деб, бир эшиитдикки, қўлга тўшибти деб Шу нима бўлди экан? Хабарингиз йўқми?

— Саидаҳорхон эшон? Саидаброр юзбошининг тоғасими? Бу воқиадан хабарим йўқ. Бувайдидан чиқиб кетганимга йигирма йилдан ошгандир. Кўп ҳам бўлгандир. Ҳали айтдим ку. Аччида кетаётуб кўзимга ўйлбарс кўринди деб, шу кетганимча қайтиб борган эмасман.

— Шунақами? Нега?

Чол ечиниб кўрпага кирди, анчадан кейин жавоб берди:

— Бувайдининг суви менга ҳаром бўлган. Хотин важидан.

— Хотинингиз ёмонмиди?

— Яхши хотин эди, — деди чол хўрсиниб, — бунинг воқиасини айтиб берсан, тонг отгунча ҳам тугамайди. Бирор ёёса, катта китоб бўлади.

— Яхши хотиндан ҳам одам қочадими?

— Замона шумлигидан яқолар бўлди этак, — деган байтни эшишмаганмисиз? Расми ёмон хотиндан қочилади, замона шум бўлса, яхши хотиндан ҳам қочар экан киши. У аввал акамнинг хотини эди. Акам ҳали айтганим Саидаброр юзбошининг хизмоткори эди. Юзбошининг мол-дун'ёси бениҳоят кўп, кечалари уйини ўниккита мерган қўриқлар эди. уни „члон“ ҳам дейишар эди, билмадим ўша вақтда нимага „члон“ экан. Кунларда бир кун мана шу бойнинг уйини куппа-кундуз куни — намозигар пайтида ўғри босди. Бу ўғрилар қизиқ: „ойда-йилда бир келган миҳмонидан айрилмасин“ деб ашула айтишади, „юзбошини ўғри босди, келабер“ деб бақиришади. Эрталаб эшитсан, қўриқчи мерганлардан биттаси ўлипти. Юзбошини ғалати қилишипти: бир сандиқ тилласи бор экан, олиб чиқиб, олдига қўйишипти, „еганингча егин, қолганини олиб кетамиз“ дейишипти. Юзбоши еганича епти, юталмай қолганидан кейин ўғрилар оғзига зўрлаб тиқишипти.

Сидиқжон кулди.

— Ҳаммасини сизларга тутдим деса, ўлар эканми!

— Унақа дейдиган одам эмас эди-да. Хулласи ит азобида ўлипти. Эртасига шаҳардан саллот чиқиб, кўп одамларни, шулар қато-

ри акамни ҳам ҳайдаб кетди. Қишлоқда „бу одамларни сўроқ қилгани Оқпошонинг ўзи келар эмиш“ деган овоза тарқалди. Бир йил ўтди. Бир куни маҳалламизнинг элликбошиша шаҳарга бориб келиб „аканг осилди, ўз кўзим блан кўрдим“ деди. Азасини ўтказдик. Орадан бир-икки ой ўткандан кейин келин волидамизга „элликбоши менга кўз тиккан, насибам ўшанинг насибасига қўшилган бўлса, ўзимни ҳовузга ташлайман“ депти, йиғлапти. Ростдан ҳам сал вақт ўмай элликбоши барада киши қўйди. Келин совчи хотинларни ҳайдаб юборди. Энди унга ҳам қийин-да, ёш умри ўтиб кетаётиди. Волидамиз шувдай яхши келинни қўлдан чиқаргани кўзлари қиймади. Акамдан икки яшар қизчаси ҳам бор эди. Нима қилиш керак? Расмимиз қурсин... Мен никоҳлаб олдим. Яқин тўрт ойча умр қилдик. Умримда хотин кўрганим ҳам шу... Мен Абдурашид пахтафуруш деган бойнинг аравасини минар эдим. Бир куни пахта ортиб шаҳарга кетаётсам, Учкўприкла бир ошнам учраб, „э, аканг тирик экан, шаҳарда кўрдим, келётитпти“ деб қолди. Акам — жигарим! Суюнаман! Лекин... Энди унга қайси бетим блан рўпара бўлмани!

— Хижолатлик бўлади, лкин акангиз хафа бўлмаса керак эди.

— Ана шу хижолатликни айтинг! Отдан шундай ўзимни ташладиму, орқага қайтдим. Уйга ҳам кирмадим. Шу кетганимча кетдим. Ҳали йўлбарс тўғрисида гапирдим-ку, шу ерга келганимда қарасам, Аччида кетаётиман. Энди акам нима қилиби денг: Учкўприкка келганида бирор „хотинингни уканг никоҳлаб олди, уйга бормай қўяқол“ деган экан, у ҳам йўлини бошқа ёққа солдириб кетипти. Волидамиз бедом-дарак кетган икки ўғилнинг дард-фироқида куйиб, ётиб қолиптилар. Акам шўрлик ўша келишида Сибиръдан қочиб келган экан, қўлга тушадиган бўлганида „менинг сибирь бўлишим шунчалик зарур бўлса, қуруқ бўлмасин, бир гуноҳ қилай“ деб, ушлаб бермоқчи бўлган аминнинг кўкрагига бир калла уриб ўлдирипти.

Сидиқжон туриб ёнбошлади.

— Сиз бу гаплардан бехабарсиз-да, албатта?

— Ҳа, кейин эшитганман. Ўша йили баҳоргача ҳарқаерда ризқимни териб юриб, баҳорда Олма-Отага кетиб қолганман. Акам яна овочта бўлгандан кейин ҳалиги элликбоши мени ҳам „ўлди“ га чиқариб, хотинга совчи устига совчи қўяберипти. Охири пўписа ҳам қилипти.

— Шунақа чиройлик хотинмиди?

— Энди, эс-ҳуши жойида, қад-қомати келишган, тан-жони соғ. Куч десангиз, битта ман ман деган йигитнинг ишини баҳазур қиласар эди. Элликбоши унинг фақат ҳуснига маҳлиё бўлипти дейсизми, унга беминнат хизматкор керак... Шунақа қилиб, қараса, элликбоши қўймайдиган — юртнинг оғзи каттаси бўлганидан кейин ҳар нима қилиш қўлидан келади — „майли, тегсам тегақолай“, — депти, — лекин бир шартим бор: шартим шуки, мен қизимни ўғай отанинг уйига олиб бормайман, отасидан қолган ҳовлини сотиб, шунинг пули блан уни бирон қариндошимга топшираман; агар, хўп, десалар, тузукроқ пул бериб, ҳовлини олсинлар“. Бунақа

шарт әлилбошига албатта хуш ёқади-да! У даррав ҳовлини ўз баҳосидан анча ортиққа олипти. Хотин бошқа нарасаларини ҳам сотиб тап-тайёр бўлиб турган экан, волидамиз блан қизини олиптию, бир кечада зим-гойиб бўлипти-қолипти. Элликбоши ўёққа от чоптирипти, буёққа от чоптирипти — йўқ! Хотин ўз қишлоғига — элликбошининг қўли етмайдиган Жарбулоққа кетган экан. Жарбулоқ шу ерга яқин, дар'ёнинг нариги юзида. Орадан яқиникки йил ўтгандан кейин Бувайдидан Олма-Отага бир одам бориб қолди. Ўшандан бу воқиаларни эшишиб, келиш ҳаракатига тушдим. У замонда, ўғлим, бизга ўхшаган одамларнинг тўрт тангортдириши ўлимдаи қийин эди. То беш-тўрт танга ортдириб йўлга чиққунимча яна уч-тўрт ой ўтди. Келдим. Келиб суруштирсам, хотин Фармонқул деган бир кишига тегипти. Бу киши шу Капсанчилар қишлоғидан экан.

— Капсанчилар? — деди Сидиқжон — Бу қанақа от?

— Ҳа, Капсанчилар. Одамлари ҳам капсанчилар дейинтар эди. Мен Олма Отага кетмасимдан бурун шу атрофда мардкорчилик қиласи ҳам шундан чиққан. Булар очдан ҳам ўлмайдиган, қорни ҳам тўймайдиган қул қатори одамлар эди. Капсанчилар деганининг ма'носи шуки, ҳосилдан эшон ерининг ҳақини, князь сувининг ҳақини олгандан кейин, пешона тери тўккин деқонга капсан-қатори бир нарса қолар эди холос. Ҳуш... Нима деяётган эдим?

— Хотин теккан киши капсанчилардан экан.

— Ҳа, Фармонқул капсанчилардан экан. Тўғри уйига боргани истаҳола қилиб, бир болани юбордим, „мэн фазончи бўламан, онамни олиб кетгани келдим“ дедим. Так'яда ўтириб, энди битта чойни ичиб бўлган эдим, қотмагина бир йигит келиб, „Қурбон ака сиз бўласизми?“ деди. „Ҳа, мен бўламан“ деган эдим, сўрашди. Ҳаша йигит экан, йўқ деганимга қўймасдан ҳовлисига судради. Ҳовлисига судрашидан, менинг ким эканлигимни яхши билмас эканда, хотин яшириби, деб ўйлаган эдим, йўқ, билар экан: йўлда „энди хафа бўлмайсиз, тақдир шу экан“ деди. Хайр, бордик. Ҳовлиси дар'ё бўйига яқин, бошқа ҳамма уйларга ўхшаган чуқурликда экан. Ёнбогирликни ўйинтию, устини ёпиб уй-ертула қилипти, атрофига дувол уриб ҳовли қилипти. Мени тўғри ертулага бошлади. Волидамиз бетоб ётган эканлар, мени кўриб, ўз ларидан кетдилар. Ўзларига келиб, кўзларини очганларидан кейин Фармонқул она-болани холи қўйиб, чиқиб кетди. Волидамиз йиғлаб-йиғлаб, ҳамма бўлган воқиани бирма-бир айтиб бердилар; „энди бўлар иш бўлди, у дун'ёю бу дун'ё мени рози қиласман десанг, шу хотинни рози қил“ дедилар. Бечора хотиннинг тортиган азобларини айтаберсалар, Одамнинг юраги өзилиб кетади. Шу хилда азоб тортиб менга уч йил кўз тутиби. Охири бир куни

волидамиз йиғлаб, юзидан-күзидан ўпіб, „энди бас, қызим, ҳаммамизнинг ҳам иззатимизни жойига қўйдинг, эрга тег“ дептилар. Шундай кейин эрга тегипти. Бир пасдан кейин Фармонқул, унинг кетидан хотин-қизини етаклаб кирди. У мендан қочмади. Ҳаммамиз ўтирибмиз, қани энди биронтамиздан бир оғиз гап чиқса!. Ҳайрият, ҳалиги қиз бор экан, эрмак бўлди. Ҳаммамиз ўшанга гапирамиз... Кеч бўлди. Так'яга борай десам, Фармонқул қўймади. Шу ерда қолдим. Волидамиз, хотин боласи блан ертўлада ётишиди. Фармонқул иккавимиз ташқарида ётдик. Ўйқу қелмади. Ўтиб кетган, ҳозир ҳаммамизни хижолатга қўйган иш тўғрисида Фармонқул узур тариқасида бўлса ҳам, сўз очармикин деб ховотирдаман. Йўқ, у ҳам шундай ховотирда экан шекилли, капсанчилардан сўз очган эдим, даррав илиб кетди. Кейинги йилларда қапсанчилар ерни ташлаб кетаберган экан, эшон ҳамма ерини арzon арzon ижарага берипти; шунаقا арzon берипти, ер талаш бўлиб кетипти. Ижара шартининг яхшилигини айтинг: ер қанча кўп олинса, шунча узоқ муддатга берилади; ижара ҳақи ҳам нақд эмас, деҳқон эшонга вексил берадию, ерни қанча муддат блан олган бўлса, қарзни шу муддат ичида кам кам узади. Фрамонқул ҳам ҳовлиқиб, ўн йил муҳлат блан ер олипти, вексил берипти. Ўша йили қапсанчилар жуда-жула курсанд бўлишилти, қанчаси эшонга қўл ҳам берипти. Броқ янаги йилга бу муруватнинг миси чиқипти: эшон қизталоқ бу ишни князь блан битишиб, ўшанинг маслаҳати блан қилган экан, князь сув пулини уч баравар ошириб юборипти. Қапсанчилар ғулу кўтаришган экан, князь, шаҳардан саллот чақираман, деб босипти. Фармонқул шундан ҳисрат қилди, илгари ҳам бир нав' экан, энди ерни ташлаб ҳам кеталмайман, эшонга вексил берганман, деб йиғлагундай бўлди.

Сидиқжон қайнатаси Зуннунхўжанинг „сиз менинг ҳам куявим, ҳам ўғлимисиз“ деганини эслаб кулиб қўйди.

— Нега куласиз? — деди чол.

— Ҳаммаси бир бўлар экан!.. Гапираберинг, ота!

Чол давом этди:

— Шунаقا қилиб, уч кун туриб қолдим. Тўртинчи куни жавоб сўрасам, хотин ҳовлининг пулини олдимга қўйиб, „мана бу амонастингиз, онамни бўлса, то тузалмагунларича сизга бермаймиз“ деди. Бечора шунча азоб тортиб бўлса ҳам, ҳовлининг пулига тегмапти.

Чолнинг товши ўзгарди, ўпкаси тўлди шекилли, бир пас тек қолиб кейин галирди:

— Пулни олмадим, минг мартаба розиман, сизга она сутидан ҳалол бўлсин деб, ўзига қайтариб бердим. Волидамизнинг майилларини сўрасам, у киши „мени шу аҳволда қаерга ҳам олиб борасан, аввал бирон бошпанга топ; олиб кетганингда ҳам неварамдан узоққа олиб кетмагин“ деб кўз ёши қилдилар. Мен, Бувайдига олиб кетсам, — ўз қишлоғимиз, — бирон кавак топилар, деб ўйлаган эдим. Волидамиз бундоқ деганларидан кейин, шу атрофдан бирон иш топишга ҳаракат қилдим. Князънинг уч жойда водокачкаси бор эди, шулардан биронтасига одам керак эмасмикин

деб конторига борсам, саркори ўзимизнинг бувидилик чиқиб қолди. Арз-ҳол қилсан, „водоқачкада сиз боп иш йўқ, бирон ҳафта сабр қилсангиз, князъ келади, отларига қарайдиган сиздай бир одам керак“ деди. Ўзим отга ишқибоз эдим, хўп дедим. Ўн кун деганда князъ хотини, бўйига етган икки қизи, оқсоchlари, ўн саккизта ити блан келди. Учта оти бор экан, ҳар отларки, юлдузни кўзлайди. Бу отларга ўзим ҳам ишқибоз бўлиб қолдим. Хайр, хизматга кирдим. Қиладиган ишим— отларга қарап, кечкурунлари ҳалиги икки қизни отлиқ саёҳат қилдириш. Князъ ўзи тоҳ Тошкентга, гоҳ Анжанга кетиб, узок-узоқ туриб қолар эди. Князъ мени бир ойча ишлатиб кўриб, энди ойлик тайин қилганда бир куни ярим кечаси Фармонқул келиб „волидангиз сизни йўқлаётидилар“ деди. Юрагим жиғ этиб кетди. Борсам, тилядан қолиптилар, калта-калта нафас олиб, шипга қараб ётиптилар. Тонг отди. Кун ёйилганда узилдилар. Охирги нафасни олиб бўлганларидан кейин, бошларини шундай менга буриб, хира кўзлари блан бир қарадилар. Шу қарапшинг ма'нисини ҳали-ҳали билмайман: хайр, дедиларми, ё бирон илож қил, дедиларми?

— Иккави ҳам эмас, — деди Сидиқжон чуқур хўрсниниб, — мен кетдим, энди сенга ким куяди, деганлари! Она шундоқ бўлар экан.

— Ҳа, баракалла, мана бу гап тўғри... Албатта, одамзод дунёга устун бўлмайди, куни битгандан кейин ўлади. Бозорда онасини йўқотиб, йиглаб юрган боладан „онанг қанақа эди“ деб сўралганда „оналарнинг ичида энг яхшиси эди“ деб жавоб берган экан. Ҳарким ҳам онаси ўлгандан кейин „ҳозир тирик бўлса, бошимга кўтарар эдим“ дейди. Онаси ҳаёт вақтда уни бошига кўтаришга қодир бўлсаю, шундай қилмаса, ўлгандан кейин шу гапни айтса, ундай ўғилга ла'нат! Шундоқ эмасми, ўғлим?

Сидиқжоннинг юраги шув этиб кетди ва зўрга:

— Шундоқ, — деди.

— Ҳа, баракалла! Биз, акам иккимиз, у зиндан замонада шунга қодир эмас эдик. Онамиз бир пас биз блан хандон-хушон гаплашиб ўтираолган эмас; икки ўғил ўстириб, келин кўриб, бир пас оғенини узатиб ўтиргани йўқ. Ҳозирги ёшларга бу гапни айтсангиз, ишаммайди, кулади... Шундан кейин, бир кўнглим, Олма-Отага қайтиб кетаберай дедим; кўргилик экан, яна қолдим. Оқпошишо от олиб, князъ учта отнинг иккитасини Наманганга бериб юборди. Қолган битта отни, каласкага ўргатгин, деди. Ҳаром ўлгири от жуда чарс эди, бир тарзи ўргатганимда олиб қочдию, каласкани зовурга тиқди. Ўзим унинг тагида қолдим. Бир кечаю-бир кундуздан кейин ўзимга келибман. Билмадим нима бўлган экан, шундан кейин бир қўлим блан бир оғим карахт бўлиб қолди. Ҳозир анча тузук бўлгани, илгари жуда ёмон эди. Қарасам, ишга ярамай қолдим. Саркорга учраб, „ишлаган ҳақимни беринглар, мен кетаман“ десам, саркор „хўжайн инсоф қилиб турганда, ҳақ тўғрисида оғиз очманг, каласка анча пул блан тикланади“ деди. Нима дейман? Фармонқул блан, хотини блан хайрлашдим, жиянимнинг пешонасидан ўпдим, волидамизнинг қабрларига бир жуфт шам' ёқдиму, Қўқонга қараб йўлга тушдим.

Йүл·йүлакай гадойлик қилиб, түқиз кун деганда Қўқонга кириб бордим. Наманган станциясига яқин бир парк бўлар эди, шу паркда уч кун ётдим. Учинчи кун эрталаб мени бирор уйғотди. Карасам, тепамда совлатидан от ҳуркадиган бир бойвачча турипти. „Сизни хўжайнин йўқлаёттилар“ деди. Мен князъ Қўқонга келган экану, мени шу ерда кўриб, раҳми келипти, одам юборипти да, деган ўйга бордиму, бойваччанинг олдига тушдим. Бойвачча мени тўғри растага олиб борди, етти ухлаб тушимга кирмаган сарполар олиб берди. Ҳайрон бўламан, ўзимча, князъ яхши одам экану, саркор ёмон экан-да, деб қўяман. Бирга ҳаммомга тушдик. Ясандим. Ундан кейин Ўрда тагига бордик. Уч қаватлик бир иморатга кирдик. Бойвачча мени йўлакка қўйиб, ўзи бир ўйга кириб кетди. Хаял ўтмай семиз, юрганда юзи сўлқилладиган бир ўрис хотин блан чиқди. Ўрис хотин менга та'зим қилди. Ҳаммамиз бир уйга кирдик. Хотин менга яна та'зим қилиб, чиқиб кетди. Бойвачча „хўжайнин келгунларича шу ерда ўтилинг, бирон нарса керак бўлса, мана шу тугмани боссангиш, одам киради“ деб қўлимга ўн сўм бердию, чиқиб кетди. Ўтирдим. Ўтирган жойимда ухлаб қолибман. Кўзимни очсам, қоронгу тушипти. Бойвачча келди „хўжайнининг ошнолари келади, хўжайнин буларга сизни шеригим дептилар, уларнинг олдида ўзингизни шерикдай тутинг“ деди.

— Бу бойвачча ким экан, князъга қарашлик одам эканми? — деди Сидиқжон.

— Мен ҳам шунга ҳайрон бўлиб сўрасам, қовоғини солдию, индамади. Қайтиб сўрагани қўрқдим. Ҳуфтан кеч иккита ўрта ёшлардаги ниҳоятда олифта ўрис келди. Иккави ҳам мен блан ўзимизчасига икки букилиб сўрашди. Бир кўнглим бу бойвачча афанди деб тегирмончини уйғотдими ҳам дедим, тағин ўзимга далда бердим: нима, янгишган бўлса, олиб берган уст-бошини ечиб олар, кўчага ҳайдар-да, кўчада қолишни энди қўрибманми, дедим. Бойвачча самоварга қиймалик ош буюрган экан, олиб келди. Булар ўз ора гап блан овора бўлганда ошни хўп еб, ҳасилдай бўлиб олдим. Билмадим, бойвачча булар блан нимани гаплашди. У тез-тез менга ҳам сўз қотар эди. Миҳмонлар ҳам менга ишора қилиб бирнима-бирнimalар дейишар эди. Чой вақтида миҳмонлардан бири ёнидан икки бойлам йигирма беш сўмлик чиқариб, менинг олдимга қўйди. Бойваччага қарасам, „олиб, жовонга солиб қўйинг“ деди. Кейин ёнидан бир қоғоз олиб бирнима ёздию, миҳмонларга узатди. Миҳмонлар ўқиб, менга беришди. Яна бойваччага қарасам, „жовондаги қутичада муҳир бор, шуни олиб босинг“ деди. Босдим. Миҳмонлар қўзгалишди. Бойвачча „хўжайнин келмадилар, ўзимиз борамиз; ҳалиги пулни саранжомлаб чиқинг“ деди. Учави чиқиб кетди. Пулни қаерга қўйишими билмай, гаранг бўлиб турганимда бойвачча кирди. Пулни қўлимдан олди. Чиқдик. Кўчада извош тургун экан. Бойвачча улар блан бир-икки оғиз чуғурулашдию, яна кириб кетди. Биз извошга чиқдик. Афтидан бойвачча даррав чиқиши керак эди, ҳали кутамиз — йўқ. Миҳмонлардан бири ичкарига кириб чиқди. Кейин ўз-

ора чуғурлашиб қолиши. Охири тилмоч топиб келиши. Тилмоч мендан „мирзанғиз қаёққа кетди“ деб сўради. Мен ишниң тагини даррав фаҳмладиму, бўлган воқиани бошдан-оёқ айтиб бердим, извошдан тушдим. Ма’лум бўлдики, бойвачча буларга мени каттакан терифуруш бой, ўзини менинг мирзам қилиб кўрсатган; неча минг тери устидан беш минг сўм закалат олиб, энди мол кўргани кетаётган эканмиз. Миҳмонлар мендан пулни сўраши. Мен пулни бойваччага берганлигимни айтдим. Миршаб чақириши. Қирқоёққа ўхшаган бир миршаб келиб, мендан гап ҳам сўрамасдан, кўкрагимга ўхшатиб тепди. Кўнглим озиб йиқилдим. Кўзимни очиб қарасам, миршабхонада ётибман. Ундан мени турмага олиб ўтди. Роса уч ою йигирма беш кун ётганимдан кейин бир куни иккита саллот турмадан олиб чиқиб, бир жойга олиб борди. Бу ерда учта тўра бир-икки оғиз гап сўраганидан кейин олиб кетди. Кейин билсам, шу боришимда суд бўлиб, ўнсаккис ойга кесилган эканман!

Бу суд ва унинг ҳукмини бирор ҳақ деяётгандай чол тажанг бўлди ва сўкиниб олди.

— Кесилган бандиларни ҳархил ишларда ишлатар эди, — деди чол давом этиб, — биз ўнбир кишини учта саллот блан Бастомига яқин ердаги тўқайга ўтин қилгани юборди. Биз эртадан кечгача дарахт кесамиз, саржин қиласмиз, кечаси капада ётамиз. Саллотлар куни бўйи офтобшувоқда ўтириб, бит боқишади, кечалари навбатма-навбат юриб чиқишади. Қум, тўқай, осмон. Зоғ учмайди. Кундизи иш блан бўлиб билинмайдиу, лекин кун ботгандан кейин одам тарс ёрилиб кетай дейди. Орамизда ёшгина бир йигит бор эди, шу бир куни шом пайтида ўзидан-ўзи:

Мен ўлай жум’а куни, чиқсин жанозам чарх уриб,

Ховлининг ўртасида қолсин онам фар'ёд уриб —

деб ашула бошладиу, бирдан, худди пуржинаси узилган грамофондай тўхтаб, „акалар, мен кеча кечаси тушимда шайтонни кўрдим, шайтон „мен сени йўлдан ураман, саллотлардан бири нинг калласига болта блан тушур, милтигини ол, қолганларини от, қоч“ деб айтди, шайтон бугун ҳам тушимга киради“ деди. „Шайтонни бу кеча кўрсанг, нима дейсан“ дедик. „Мен айтаманки, — деди — мени йўлдан уришнинг ҳожати йўқ, ўзим тайёрман, қўлингдан келса, шерикларимни йўлдан ур!“ Ҳаммамиз кулдик. Бу гап кулги бўлиб қолаберди, ҳечким э’тибор қилмади. Лекин уч-тўрт кундан кейин саҳар пайтида милтиқ товшига уйғондик. Қарасак, бир саллоту, ҳалиги йигит ўлиб ётибди. Йигит саллотни ўлдириб милтигини олиптию, афтидан, милтиқни ишлатолмапти. Нима бўлар эди, қолган ўн кишини турманинг ҳовлисида ётқизиб, то ҳушдан кётгунча калтаклапди. Калтакнинг изи ҳали орқамда бор. Ичимида олтмишга бориб қолган бир мўйсафид бор эди, шу одам калтакни кўтаралмай ўлиб қолди. Бир ойдан кейин ҳаммамизни Сибиръга жўнатди. Сибиръда кўп юрганим йўқ: аввал Оқпошшо, ундан кейин бошқаси таҳтдан ағдарилиб тушдиу, ҳаммаси бўлиб ўн етти ой деганда эсон-омон қайтиб келдим. Жиянимни кўриш, волидамизнинг қабрларини зиёрат қилиш ниятида

Хури Капсанчилар қишлоғига келдим. Бориб қарасам, Фармонқуниң уйи теп-теккис бўлиб ётипти. Суриштирсам, Фармонқул ҳам, хотини ҳам ўлган экан. Жиянимдан дарак топаолмадим.

— Нима бўлипти? — деди Сидиқжон.

— Хукумат ўзимизга ўтгандан кейин князь қочипти, эшон Қипчиққа кетиб, ер ҳам, водокачкалар ҳам капсанчиларга қолган экан. Бечора капсанчилар „энди орқамизга офтоб тегар“ деган умидда хурсанд бўлиб турганда эшоннинг куяви қўрбоши бўлиб бош кўтариپтию, олтмиш йигит блан келиб, капсанчиларнинг умидини пучга чиқарадиган бўлипти. Капсанчилар шаҳардан отряд бошлаб чиқишти. Шу ерда бир кечаю, бир кундуз уруш бўлипти. Кўрган одамларнинг айтишига қараганда хотин Фармонқул блан баб-баробар юриб, босмғчилар блан отишти. Ишонаман! Қирқ йигитга бош бўладиган хотин эди.

— Ҳа, ишонса бўлади, — деди Сидиқжон, — Ўша замонда қўрқ масдан элликбошини боплаган, тегирмонга тушса бутун чиқадиган хотин-да!

— Ҳа, уддабуро, ғайратлик, диёнатлик хотин эди. Ҳарқандай эркак ёғига босх қўйса, арзийдиган хотин эди!. Жиянимдан дарак топаолмадим. Шундан кейин, мени беватан, дар-бадар қилган ўша элликбоши блан энди икки оғизгина гаплашай деб Бувайдига бордим. Йўқ, элликбоши Эргаш қўрбошига қўшилиб кетган экан. Беш йилдан кейин қўлга тушди, суд бўлиб отилишга ҳукм бўлди. Ҳайфки судига боралмадим. Жиянимдан, волидамизнинг қабрларидан кўнгил узалмай яна шу томонларга қайтиб келдим. Ўшандан бери шу атрофда ризқимни териб юрибман. Учтўрт йил ёзда роҳатижонфурушлик, қишида ямоқчилик қилдим. Ўндан кейин Толдиқдаги пахта заводига қоровул бўлиб кирдим. Ер ислоҳотида, ер берамиз дейишган эди, олмадим: бу қўл, бу оёқ блан ерни нима қиласман? Мана шу ерда МТС ташкил қилиндию, бунга ўша пахта заводида ишлайдиган бир йигит каттакан бўлиб келди. Шу йигит мени олиб келиб, МТС га қараашлик шу қизилчойхонага қўйди. Ишимдан ўзим ҳам хурсанд, катталар ҳам хурсанд.. Ҳар замон Капсанчиларга бориб, волидамизнинг қабрларини зиёрат қилиб келаман. Капсанчилар шу ерга яқин, дарёдан сув чиқаришга уриниб ётишипти. Ариқ битай деб қолди.

— Жияниянгизни бошқа қидирмадингизми? — деди Сидиқжон.

— Хўп қидирдим. Заводда қоровуллик қилиб юрганимда уч мартаба газетага ҳам бердим, топилмади.

Чол „топилмади“ сўзини икки-уч мартаба такрорлаб, сўнг жим қолди.

Шу яқин ўртада хўроz қанот қоқиб, балонд овоз блан қичқириди. Бунга аллақаердаги жўжа-хўроz шошиб-пишиб жавоб берди.

— Ана шунача гаплар, — деди чол анчадан кейин, — энди ухлайлик-а, ўғлим?

Сидиқжон бу чоқ қизболанинг тақдири тўғрисида ўйлар эди. Чолнинг гапи қулогига кирмади. Унинг миясидаги ўй ҳаёлга, ҳаёл тушга тулашиб кетди.

ИСЛОМ ШОИР

## МОСКВА ШАҲРИНИ КЎРДИМ

Чақирди пойтахт—Москва шаҳри,  
Шу шаҳарда экан раҳбарлар бари,  
Кўрган кишин қолмас дилда ғубори,  
Остонаси улуғ шаҳарни кўрдим.

Олти кунда бордим Москвага етиб,  
Бир нозанин олди бизларни кутиб,  
Метрого олиб борди ияртиб,  
Ер тагида ажаб шаҳарни кўрдим.

Кундуздан равшандир ҳамма жойлари,  
Қушдан олдин юрар трамвайлари,  
Мунаққашли·каштаворли жойлари,  
Кеча-кундуз ойдин шаҳарни кўрдим.

Ўткарди тўрт йилда хавфу хатарни,  
Қарши душманларни тиғдан ўткарди,  
Зафар байронини баланд кўтарди,  
Элимнинг құдратли ишини кўрдим.

Баланд чиқиб кўрдим азим шаҳарни,  
Ҳар кўчаси ойнадай ярқирайди,  
Электрлар юлдуздайин ёнади,  
Илмнинг ҳикматли жойини кўрдим.

Москвада кўп кўрдим нақшли иморат,  
Доҳим Сталиндан бўлди башорат,  
Ленин доҳим қабрин қилдим зиёрат,  
Янги дун'ё тузган раҳбарни кўрдим.

Улугсан, Москвам, шаҳри азимсан,  
Шаҳарлар онаси пойтахтимсан,  
Элимнинг обрўйи, кўрки, баҳтимсан,  
Салтанатли улуғ шаҳарни кўрдим.

Улуг доҳим элу юртим пессбони,  
Пўлатдан мустаҳкам ҳарбир қўргони,  
Бу шаҳарни кўрганинг йўқдир армони,  
Жаҳонга нур сочган Москвани кўрдим.

Ислом шоир ҳавасдайди кўрмоққа,  
Ёшлар қаби энди даврон сурмоққа,  
Ҳам бахтиёр бўлди қариган чоқда,  
Ғалаба кунининг салютин кўрдим.

Ж. ШАРИФИЙ

## ФАЗОЛАР БИЗНИКИ

(Радиони ихтиро' қалған рус олими Поповга)

Россия, Россия севаман сени,  
Бизларни қутқаздинг кишан зулматдан,  
Күрсатдинг ёруғ йўл барча миллатга,  
Дарс бердинг эркинлик, фан-мар'ифатдан.

Чин қалбдан севадир рус оғасини  
Республикалринг мардона халқи.  
Бизнинг ватанимиз, севганимизсан,  
Яшагин умрбод, юксал, ўс, балқи.

Янги тарихимиз саҳифалари,  
Сенинг номинг блан бошланур мудом.  
Сен олтин китобни безатажаксан,  
Сен нур, сен офтобсан, сен муқаддас ном.

Етишди бағрингда қанча олимлар,  
Насллар олдида муаллим пешво.  
Хурмат блан номинг абадий сақлар  
Ҳарбир халқ қалбига қиласан сени жо.

Улуғ рус олими, мұтабар Попов  
Фазонинг құлфини очди бир ўзи.  
Москвада туриб оламга боқди,  
Эй дун'ё, қулоқ сол! Янграп рус сўзи.

Америка бизга дақиқалик йўл,  
Девол орқасида тургандай қутб,—  
Тинглар сўзимизни, Попов эса шод,  
Россия сўзлайди, олам, тур кутиб.

Ер, океанларда, бутун фазода  
Янграп рус олими яратган тўлқин,  
Истардим ҳар куни Попов номига  
Радиода қасида қилинсин талқин.

Фазоларни забт этди күч-қувватимиз,  
Оламга ёйилар доҳим сўзлари.  
Еру осмон, денгиз солади қулоқ,  
Хаёлда жонланар нурли кўзлари.

Радио — халқларнинг роҳати жони,  
Унда жаранглайди дўстликнинг тори.  
Радиода кўраман рус оға қалбин,  
Кенгдир фазолардан унинг виқори.

Баҳорнинг чиройли, гўзал пайти — май,  
Берлинда микрофон олдида ўзим.  
Қандай бахтиёрман, шоду-хуррамман,  
Тошкентдаги ёрим эшитар сўзим.

Радио халқларни қиласар бродар,  
Ҳар куни Москва ёнингда турар.  
Ҳар кун эши таман турли тилларда —  
Доҳининг номини, қалбим шод урагар.

Янги бешийилликда шу қадар ўсар —  
Радио кирмаган қолмас бир уй ҳам.  
Айтингчи, зўр кучнинг йўлин ким тўсар?  
Беш қит'а олдимда кўринар ҳар дам.

---

Янгийўлнинг қирқ қизи, юзи анор қирмизи,  
Парвозда намоён ӯчмай тонгнинг юлдузи.  
Нура чуммай коинот, қушлар қоқмасдан қанот,  
Қанорларни тўйдирар шон опсин деб колхози.  
Ҳар ғўзани авайлаб, дедек белни бойлаб,  
Тер тўқади чеварлар, меҳни ҳусни, пардози.  
Турнадек бўлиб қатон, ӯйнашни ким ўзар,  
Сафдан ўзиб борати Зийнатхонни бир ўзи.  
Яллани бошланг, қизлар, қуёшда кулсин юзлар,  
Дунга донг чиқарсин янги йўлнинг қирқ қизи.

## ТУРОБ ТҮЛА

### Қ У В О Н Ч

(Шайхзодага назира)

Қувончлар бўладики,  
Минг қувончдан зиёда.  
Ҳам зафарга, ҳам гўзал  
Умидларга тўлуқдир.  
Олатоғнинг ўмрови,—  
Деса лоф-мас дун'ёда,  
Букунги қувончимиз  
Ҳаммасидан улуғдир.

Букун манглай терининг  
Хосияти барқарор.  
Қуёш каби равшандир  
Букун умид чироги.  
Янгийўлли Минойдан  
Бутун ўлка миннатдор,  
„Ҳорма!“ деб тик боқибди  
Янги ойнинг ўроғи.

Ғолиб байроқ тубидан  
Ўрин олмиш Тўхтахон.  
Эплайолмас ўзини  
Қарсаклар орасида.

Этагида гўёки,  
Ўнбешмингнинг изи бор,  
Шу туриши яна бир—  
Бешминг поганасида.

Бир томонда янграйди  
Қўшуқ бўлиб, куй бўлиб,  
Янгийўлли теримчи,—  
Зиннатойнинг шуҳрати.  
Кети узилмас ҳамон.  
Хирмону-карвон тўлиб,  
Куча бўйлаб боради,—  
Шу теримчи меҳнати.

Аҳди бўлди барқарор,  
Сирдар'ё тошқинидай,  
Ҳақиқат: Бу йил Тошкент,—  
Пахтаси тошиб кетди.  
Қайси куни режаси  
Мунажжимнинг кунидай —  
Тўғри юз эди, яна  
Чамамда ошибб кетди.

М. БОБОЕВ

## КАЛИНИН ОТА

Ноилож дейсанки: табиат ўлиш  
Одатини, шундай кезда, тарк қылса!  
Кишилик баҳори-озод ғатанда  
Одамзод, лоақал, юз йил яшаса!

Лекин табиатнинг бундай қонуни  
Ҳали ўз ҳукмида, бунга йўқ чора.  
Балки, вақти келар, қудратли инсон,  
Абадий бир ҳикмат яратар зора.

Бу кун бир меҳрибон азиз падарни  
Ўлим юлиб олиб, солмишdir фироқ.  
Ўғил-қизларининг кўнглида мотам,—  
Худди байроқларга таққан қора — доғ.

Бу падар — миллионлар отаси-боши,  
Юртнинг оқсоқоли, дўсти-ғамхўри.  
Улуғ Ильич, Сталиннинг сафдоши,  
Бу ғолиб халқ давлатининг ғурури.

Бу ота, ҳақсизлик салтанатига  
Адолатнинг урган зарбасин бирин.  
Ўша қаро тунлар қуллар йўлига,  
Ёққанди озодлик маш'алин бирин.

Октябрь субхида, тоңг юлдузидай,  
Миллионларга берди кундуздан дарак.  
Барқ уриб очилди қуёш нуридак,  
Ҳар фарзанд қалбida меҳридан чечак.

Уни блан қурдик шу мамлакатни,  
Шу тупроқ-ватанни айладик бўстон.  
Аямади меҳрин, биз ҳам ҳимматни,  
Энди орзу қилар бу юртни жаҳон.

У бош бўлган юрт бойиди, обод,  
Ишчи билагининг ошди қудрати.  
Инсон ҳар дамини ўтказар хуш—шод,  
Жаннатлар яратди озод меҳнати.

Кечаки Кремльда жонажон арбоб,  
Улуғ юрт азмига берарди фармон.  
Увинг даргоҳида ҳамиша хушнуд,  
Рус, украин, қозоқ, ўзбекдан меҳмон.

Оқсоқол чарларди ўз меҳнатида  
Ўзини кўрсатган ватан шерларин.  
Қаҳрамон онадан тортиб то гўдак,  
Ундан баҳрамандди-шафқати тайин.

Ўзи ҳам доимо му'табар қўноқ,  
Ишчиинг уйида, колхоз боғида.  
Буюк раҳбар эди, ҳаммага ўртоқ,  
Халққа фидо, у, халқ кўз қаросида.

Муборак қўлини зиёрат қилмоқ,  
Улуғ айём эди ҳар қаҳрамонга.  
Шундай бир баҳт блан уни бир кўрмоқ,  
Бир баҳор бўларди умр-бўстонга.

Меҳрибон ва содда, камтар бир инсон,  
Лекин ма'нолиги оламдай буюк.  
Тоза юрак, доно, покиза виждон.  
Фақат ўзига хос — бу муборак кўрк.

Жанговар умрининг ҳар дақиқасин,  
Халқ баҳти йўлида қилган бир ҳайкал.  
Унинг қўлларида ҳар мушкул кушод,  
Ҳар инсон тилаги ўз вақтида ҳал.

Кечаки Карпат тоғларида, Одер бўйида,  
Меҳрибон овози берди жасорат.  
Окоплар, землянкалар бўйлаб сўзлари,  
Бомба ва тўпларга берарди шиддат.

У ўлмади, дўстлар, йўқ бўлмайди ҳеч,  
Ҳар тонгимиз ундан беради дарак.  
Кўнгил уфуқида, шафақдай ҳар кеч,  
Қизғин меҳрин, чўғдай акс этар юрак...

Июнь, 1946 йил.

РАХИМ ЖАЛИЛ

## БУЛОҚ БҮЙИДА БИР УЙ

(Хикоя)

„Орзуга айб йүк“ дейделар. Хотам үз қишлоғидаги булоқнинг бўйига уй солиши орзу қилар эди. Қишлоқнинг энг барҳаво жойида бўлган бу булоқнинг атрофида баҳор кезларида ранг-баранг гул ва майсалар ўсиб, уни кишининг баҳрини очадиган чамонзорга айлантиради. Қишлоқ аҳолиси баҳорги Лола байрамини шу ерда ўтказишарди. Булоқнинг зилол суви ёзда муздак, қишида эса илиқ бўларди. Бунинг устига булоқ баландликда бўлиб, бунинг бўйидан қишлоқдаги ҳамма уйлар кўриниб турарди.

Хотам болалик чоғларида қишлоқнинг подасини боқиб юрар экан, молларни сугоргани шу ерга олиб келар, унинг бўйида ўтириб най чалар, най унинг орзусини йўловчиларга, хушовоз қушларга, хаттоки булоқдан сув ичаётган жонворларга ҳам ҳазин ва ёқимли товуш блан арз қилгандай бўлар эди.

У ўзининг бу орзусини бир куни ҳамкори Сангинга айтди:

— Э, Сангин, — деди катта одамлардай оҳ тортиб, — қани энди шу булоқ бўйида қишлоқ советининг иморатига ўшаган теразалик бир уйинг бўлса Ут-ўлан, сув олдингда; тўрт қадам юриб жилғага борсанг, бир боғ ўтин орқалаб келасан. Эрталаб туриб, ёшигингни очсанг, бутун қишлоқ кўринади...  
Хотамдан уч-тўрт ёш катта бўлган Сангин индамай кулимсиради-қўйди, лекин бу кулимсирашдан „нотавон кўнгил“ деган ма'но англашилиб турар эди.

Орадан неча-неча ёз блан қиши ўтиб кетди. Булоқнинг шаршарагидан қишлоққа кўп сувлар оқди. Хотам блан Сангин қишлоқдаги етти йиллик мактабни битирди. Бири қишлоқ советининг котиби, иккинчиси колхознинг бош табельчиси бўлди.

Хотам катта бўлаган сайнин булоқ бўйига „теразалик“ уй солиши орзуси ортаборди. У ҳечкимга индамай, қўли бўшаганда гишт қуйиб, учраганда ёғоч, тахта йигиб юраверди. Унинг нияти ҳамма нарсани тайёр қилганидан кейин бир куни уста солиб, ўртоқларини хашарга айтиш эди. Броқ уруш бошланиб, бу иш кейинга қолди.

Хотам аскарликка кетадиган бўлиб қолди.

Ўртоқлари уни станцияга кузатиб чиқишиди. Шу булоқ бўйидан ўтаётгандан Хотам аравадан тушди; булоқ бўйига ўтириб сув ичди, юз-қўлини ювди, яна ҳовучини тўлдириб сув олди-да,

озроғини ичиб, бормоқлари орасида оқаёттандан қолган сувни худди урушдан қайтиб келиб ичаман дегандай, булоққа ташлади. Сүнгра яна аравага чиқди ва булоқ атрофида киприкдай, бұлиб турған буталарга, ўланларга узоқ тикилди.

## II

Бири ҳарбий кийинган, иккинчиси беқасам түн кийган икки отлиқ пахтазорни оралаб үтган чанг йўлдан келмоқда эди. Қизғин суҳбат, меҳр ва самимият акс этган кўзлар бу икки кишининг бир-бируни узоқ вақт кўрмаганлигини кўрсатиб турар эди. Булар бир-бирига сон-саноқсиз саволлар берар, иккави ҳам, ҳамма нарсани даррав билиб олақолсам, дер эди. Отлиқлар суҳбатга берилиб кетиб, қишлоққа етганликларини ҳам пайқамай қолишиди.

— Тўхта, Сангин, — деди ҳарбий кийим кийган отлиқ беқасам тўнлик йигитга ва отининг бошини тортди — бу уйни бўлоқ бўйига ким солди?

— Бир оғайнимиз, — деди Сангин, — сен аввал мана шу уйга меҳмон бўласан, Хотам. Киройи меҳмон бўладиган уй!

Хотамнинг юзида таасуф аломати кўринди, ичиди „қайси олғир даррав бу ерга уй солақолипти“ Биттагина йигитлик орзу-ҳавасим бор эди, шу ҳам рўёбга чиқмади-я! деб қўйди, лекин буни Сангинга билдиримасликка тиришиб, соҳта табассум блан деди:

— Тўрт йил хотинимни кўрмайину, келиб бирорникига тушаинми! Йўқ, бродар, аввал уйимга тушай, меҳмон бўлиш бўлса, қочмайди.

— Ўша тўрт йилдан бери хотинингни кўрмаганинг учун айтибиман-да!

— У нима деганинг?

— Хотинининг ҳам, қайнананг ҳам шу ерда.

— Ростми?

— Ҳазил ҳаром.

Хотам беихтиёр отнинг жилавин силтаб, сағрисига бир қамчиурди. Отлар йўргалб кетди, броқ булар бироз юргандан кейин бирдан тўхташди. Рўпарадан бир тўда эркак ва аёл қийчув блан югуришиб келар, буларнинг ичиди Хотамнинг хотини Феруза ва унинг онаси Гулшанбиби ҳам бор эди. Хотам шошиб отдан тушди.

## III

Аввало Хотамни ҳайрон қолдирған нарса эшик олдиди уни қарши олиш маросими бўлди. Зинага ипак пояндоз солинган бўлиб, Хотам унга қадам қўйиши блан Гулшанбиби уч ҳовуч тантани унинг бошидан сочиб юборди. Даастурхон ёзилгандан кейин Гулшанбиби Хотамга битта нон келтириб берди. Бу нонни Хотам бундан беш йил бурун урушга кетаётганида бир тишлаган эди. Бу нонни ирим қилиб шу чоққача сақлашган экан.

Даастурхон устида уёқ-буёқдан гаплашиб ўтиришди. Хотам урушда кўрган-билғанларидан, булар қишлоқ аҳволидан сўзлашди Броқ Хотам ҳануз бу уй кимни эканлигини билмас эди. Дар

ҳақиқат бу ерда ҳозир бўлганларнинг на гапидан, на рафторидан бир нимани пайқаш қийин эди. Овқат пишириш ва овқат келтиришга ҳамма иштирок қиласар, меҳмонни ҳамма баробар кутар, шунинг учун меҳмон ким, мизбон ким әканлигини билиб бўлмас эди. Ниҳоят Хотамнинг сабри битди.

— Бродар, Сангин,— деди — биз кимга меҳмоимиз? Энди жавоб сўраб, уйга борсак бўлар эди, кечкириб қолди.

— Узумини егину, богини сўрама,— деди Сангин. Унинг сузига ҳамма қаҳқа уриб кулиб юборди,— шу ерга тушганингдан кейин уй сеники-да!

— Бу уй бизнинг уйимиз! — деди Феруза керилиб, — бу уйни бутун қишлоқ йиғилиб бизга солиб берди.

— Тўғри, — деди Сангин, — ҳамма йиғилиб сенинг йигитлик орзуйингни рӯёбга чиқарди. Шу булоқнинг бўйида менга нима деганинг эсингда борми?

— Эсимда бор, қадрдан дўстим. Шу булоқ бўйида қишлоқ советининг иморатига ўхшаган дерезалигу, барҳаво уйинг бўлса, деган эдим.

— Ҳа балли, биз ҳам шуни эсимиздан чиқарганимиз йўқ эди. Ўтган ёз пахта теримигача озроқ бўш фурсатимиз бор эди, шундан фойдаланиб, ҳаммамиз ҳашар қилдигу, беш-олти кун ичидаги битказдик-қўйдик.

Хотам ўридан туриб, ҳаммага қуллик қилди. Қўкрагидаги орден ва медальлар электр чирогининг шу'ласида ярқирап эди.

— Қизил аскар оиласига меҳрибонлик қилганликларнинг учун чин юрагимдан миннатдорлик билдираман. Сизларга минг-минг раҳмат!

— Бу халқимизнинг ватан ҳимоячиларига бўлган муҳаббатининг ифодаси. — деди Сангин, — мен колхоз номидан, ҳамма жангчиларнинг оиласига ҳам шундай ғамхўрлик қиласиз, деб ва'да бераман.

Сухбатда ўтирган чол — „савоб бўлади“ деб иморат ишида ғишт ташибан Ҳалимбобо беихтиёр қўлини фотиҳага очди:

— Илоҳим, болам, уйинг ўзингга насиб қилсин. Бола-чақа кўргину, мен ҳам омон бўлиб, болаларинг тўйида хизмат қиласай.

— Илоҳо шундоқ бўлсин, — деди Гулшанбиби юзига фотиҳа тортиб.

— Хайр, яхши туш кўриб ётинглар, — деди Сангин, — эртагача хайр. Биз кетдик.

Хотам, Феруза ва Гулшанбилилар меҳмонларни булоқ буйигача кузатиб қўйишиди.

Ҳамма кетиб, уй тинчигандан кейин Хотамнинг қулогига булоқнинг шаршарак товуши эшитилди. Шаршарак энди Хотамнинг қўлга киргизган орзу-ҳавасини тарона қилаётангдай бўлар эди.

Тожиқчадан АБДУЛЛА ҚАҲҲОР таржимаси

— Ҳар урилған пойтешанғыз зарбидан учған пайрахани, ҳаққан михингизни чаноқдан олинған пахта деб фараз қилаберинг.  
— Ҳай, нима ҳам дедик.

Шу кундан бошлаб, Рашидака аравасозликка күчди. Бирнече күн адашиб, бегона кишининг уйига кириб қолған одамдай боли юрди. Иш күпаябошлагач, муҳокама қилишга фурсат ҳам бўлаади. Аввалгида келганларга ўз касбидан шикоят ҳам қилмади. Раис бирнече марта келиб, кўнглини кўтариб кетди.

Колхоз давлатга пахта топшириш планини бу ошириб бажарди. Колхозчиларнинг севинчдан оғзи қулогидан „пир“ этиб ўтган қуш ҳам уларга „офарин!“ деяёт.

Яқинда бирнече илғор колхозчилар қаторида даканинг ҳам расмини газетада босиб чиқардилар. Мана беконки, қишлоқда „Ўзбекистон пахтакорлари м. оғизибди“, деган хабар тарқалди. Рашидаканинг ҳам номи орлини Муҳамаджон чойхонада овоза қилибди. Аввалига Гашидака ундан бошқа одам қуриб қолибдими гапиргани, у мендан ўчини оляяпти деб ўйлади. Аммо Муталгаранг радиодан з қулоги блан эшитибди, деганларидан кейин ишонди. Табриклигандарга илтифот кўрсата бошлади.

Бир ҳафта ўтгач, раис қўлида газета блан Рашидаканинг қўргонига кириб келди:

— Аввал қайси бирингларни табриклай?

— Истаганингизни раис, фарқи йўқ,— деди Рашидака.

— Баҳордагидай рашидлиб юрмайсизми, Тўтихонни аввал табрикласам? Мукофотинглар баробар бўлса ҳам, ўз пичимизда Тўтихонники ортиғроқ, чунки, эмизгилик бола ҳам боқдилар. Раис аввал Тўтихонни табриклади, сўнг Рашидакани қўл узатиб табрикламоқча ўлган эди, у:

— Қани, олдин газетани кўрсатингчи? — деб қолди.

— Мана, мана, менга ишонмайсизми?

— Гап тончда эмас, нечанчи бўлиб ёзилганимда.

— Бу сирда сони аҳимиятга эга эмас.

Раис ўқийбошлади... „Социализм“ колхозининг аравасози Раис Каримов...

— Раис, нега чопиқчиси демай, аравасози дейилган?

— Киз-да, Рашидака, касбингизни ерга уриб юрасиз, бизда ҳар касбнинг ўз қадри - қуммати бор!

САИД НАЗАР  
ЗАФАР ТАРОНАСИ

Баҳор севинч майин лола жомида —  
Тутди. Сархуш бўлдик кўтариб бода.  
Шудир тилагимиз баҳт айёмида:  
Доҳий, умринг булсин яна зиёда.

Зафар-ла безанди бизнинг асримиз,  
Кураш, меҳнатимиз ҳаётга мазмун.  
Кўкларни ўпажак қурган қасримиз,  
Аниқ истиқболдир — беш йиллик қонун.

Толе' юлдузининг шу'лаларидан,  
Порлади халқимнинг аҳду-паймони.  
Шу улуғ кунларда яшаб, зафарга —  
Хисса қўшгандарнинг борми армони.

Баҳор қуёшида исиган ернинг,  
Қўйнига жойларкан умид-ла чигит.  
Билади манглайдан оқучи тернинг,  
Наш'аси нақдлигин ҳар ишчан йигит.

Халқни баҳор каби ясантириш-чум  
Жадал дулдулига минди паҳтакор,  
На қадар чиройинг очилган буқун,  
Эй ўлкам, абадий бўлгин баҳтиёр!

ПАРТАВИЙ  
РАҲНАМОМИЗ БОР

Ютуқлар боғида бул кун ажаб наш'у намомиз бор,  
Кўнгил ойинасинда жилвагар нури сафомиз бор.  
Тафаккур маҳзанида гавҳари қийматбаҳомиз бор,  
Енгиш сардафтаринда олий унвон пешвомиз бор.  
Неармон бизгаким, доҳий Сталин раҳнамомиз бор.

\* \* \*

Жаҳон кошонасига сайқалу нақши нигор андин,  
Раво қудратли озод элга чексиз ифтихор андин,  
Амал бобинда Ленин маслакига юз мадор андин,  
Ватанга ғолибият хирмонидир ошкор андин,  
Неармон бизга ким, доҳий Сталин раҳнамомиз бор.

\*

Мусаффо қалби баҳри илму-урфондир, омон бўлсин,  
Сиёsat жавҳарига фикрати кондир, омон бўлсин,  
Курашлар шери тенгсиз марди майдондир, омон бўлсин,  
Жамолидин қуёш нури намоёндир, омон бўлсин,  
Неармон бизга ким, доҳий Сталин раҳнамомиз бор.

\* \* \*

Муборак асрига пайваста қонун келди одиллик,  
Курашда борҳо, душманга устун келди одиллик,  
Ютуқлар лавҳасинда ҳарфи мавзун келди одиллик,  
Анингчун Партаవий назмига мазмун келди одиллик,  
Неармон бизга ким, доҳий Сталин раҳнамомиз бор.

МУБОРАК АҲМАДБОЕВА

## БАХТ ҚҮЁШИ

Одамзодга бахт келтирган, эй буюк йўлдош,  
Сенинг учун тарихларда олтин сатрлар.  
Унитмайди сени олам, минг-минг асрлар,  
Яша доҳий, сен ўзингсан порлаган қуёш.

Сен туфайли толе'им бор, улуг устозим,  
Чаманларни очиб бердинг, лаззат ол, дея  
Ёшлигимга иқболимни қилдинг ҳадия,  
Булбулларга жўр бўлмоқда хушовоз созим.

Сен отамсан, сенинг блан ҳаётим кўркам,  
Сен ёр қилдинг бизларга бахт ва озод меҳнат.  
Сен яратган буюк Ватан мисоли жаннат,  
Юксалмоқда, гулламоқда муборак ўлкам.

108

Люблю читать о приключениях  
Судьбы, о прохождении  
Жизни, о том как же  
Учиться, как жить, как  
Всё это в жизни  
Печально и радостно, а  
Учеба утомительна, а  
Жизнь интересна, а  
Чтение интересно, а  
Печаль интересна, а  
Утомление интересно.

Люблю читать о приключениях  
Судьбы, о прохождении  
Жизни, о том как же  
Учиться, как жить, как

Советовать Кому-либо  
Что-нибудь, о том как же  
Быть, о том как же  
Сделать, о том как же

Советовать Кому-либо  
Что-нибудь, о том как же  
Быть, о том как же  
Сделать, о том как же

ОРИФ ЮНУС

## Ё М Ф И Р

Бир дамда самони қуршади булут,  
Қайдадир зүр на'ра тортди гулдирак.  
Тоғ, акси садода уради чапак,  
Фарз қилинг, ҳужумга отланар бургут!

Тұпалон ичидә ёмғирлар қуиди,  
Тұзондан ювилди тоғдан түшган йұл.  
Ташна ер тоза ҳам сув ичиб түйди,  
Күзларға чалинар йироқларда күл.

Ёмғирдан қочишга топмадим үрия,  
Үстимда күйлагим бүлди шалаббо.  
Коинот қандай соз ёмғирдан кейин!  
Чарақлаб очилиб кетмиши само...

## АЙЕМІЙ

### Э Л

Эй гүзәл әл, баҳор гулин таққан әл,  
Ешлигимдан ордоқлаган, боққан әл.  
Күкрагидан меҳр тұла сут берган,  
Ва устимга заррин либос ёпған әл.

Оғушингда хандон ўсдим баҳор, ёз,  
Осмонингда әркин учдим худди ғоз,  
Меҳнатингдан озод үлка яшнади,  
Сен туфайли мана құлда күйлар соз.

Йиллар кечар, аммо юрак сен блан,  
Қалбимдаги порлоқ тилак сені блан.  
Сен ғурурим, ифтихорим умрбод,  
Евға қалқон кучли билак сен блан.

Уғаныч.

## ТҮРТ ТУХМАТ

(Әртак)

Бор экан, йўқ экан, бир замонда ака ва ука бор экан. Уларнинг отаси ўлган. Отадан қолгаи молнинг кучи блан ака ва ука иккови уйланган. Акасининг хотини хушрўй, чиройлиқ, ақилли, фаҳми фаросатли ёкан. Укасининг хотини дангаса, хунук ва фаҳми-фаросати камроқ экан. Кунлардан бир кун ака ука уйларида ўтириб, обу овқат ейишиб, ундан бундан гапиришиб ўтирган. Акаси укасига: „Менинг бир-икки йил саёҳат қилиб келиш мақсадим бор. Шунга сен нима дейсан?“ деган. Укаси айтган:

— Э, ака, „йигит юрса, йўл очилар“, „юрган дар’е, ўтирган бўйра“ деган сўз бор. Агар сизнинг кўнглинигизда саёҳат қилиб келиш бор экан, мен нима ҳам дейман, ўзингиз биласиз.

Акаси дебти: „Сен бор, менинг на ғамим бор, ишқилиб ўз хотининг нима еса, менинг хотинимга ҳам шуни бер, унга қараб тур, менинг йўқлигимни билдирамай, харожатдан толиқтирамай тур“.

Укаси дебти: „Э, ака, мендан кўнглингиз тўқ бўлсин, саёҳат блан кўнглингиздаги ғамларингиз юқ бўлиб кетсин“.

Шу блан укаси ўз хотини ва акасининг хотини блан буёқда қолган. Акаси кўнгли тўқ бўлиб, саёҳатга жұнаб кетган.

Акасининг кетганига 3—4 ой бўлган. Укаси ўз хотини йўқ вақтида акасининг хотинига айтган: „Янга, бир яшириб қўйган гапим бор, айтайми?“

— Нима, гапингиз бўлса, айтинг.

— Айтсан: чўнтағим тўла танга, ҳар нима десанг, олиб бераман сенга, акам келгунча, ман блан гапиришиб юрасанми?

— Бу сўзингга қараганда, сен менга бир маломат гап гапидиганга ухшайсан. Бундай сўзни сўйлайман десанг, сўйламагин, менга олиб берадиган атлас-адрасингни ўзинг кийгин, гапирадиган тилингни тийгин.

— Сенинг менга бу хилда бергаг жавобинг учун сенга подшотарафидан бир жазо буюртириб, ўтга солиб куйдирмасам, ё тошбўрон қилдирмасам, мен Абдужалил отимни бошқа қўяман.

— Акаиг мени сенга кўнгли ишониб ташлаб кетган. Сен бу сўзни менга дилинг блан айтдингми, тилингда айтдингми, билганим йўқ. Тилинг блан айтган оўлсаиг, тилингни тий, тўғри, ё

Чотүгрилигимни синамоқчи бўлиб айтган бўлсанг, сен ҳам индайма, мен ҳам индамай қолаберайлик. Агар менинг тўғрилигимга жабр-жафо кўрсатмоқчи бўлсанг, майли, бошга тушганини кўз кўрап, қўлингдан келган ишингни аяма!

Абдужалилнинг жаҳли қистаб кетиб, нарироққа етиб қолиб, йулдан тўртта ўғри муттаҳам қиморбозни топиб, буларга об-овқат егизиб, ундай-бўндан гапларни айтиб, ҳар қайсисига 20 тангадан тўртталасига 80 танга пул бериб, подшонинг олдига олиб бориб, ҳаммалари та'зим блан киришган.

Подшо: — „Қани нима арз“ деб сўрабти.

„Арзим шулки, менинг акам сафарга чиқиб кетган эди. Хотини менинг қарамогимда қолган эди, ўзимнинг хотиним отаси-никига кетган эди. Мен кўчада айланиб юрсам, олдингизда турган 4 та ўртоғимни кўриб қолдим. Ўртоқларим: Абдужалил, уйингизга обориб, меҳмон ҳам қилмайсиз-а, дейишидди. Буларнинг сўзини қайтаролмай, юринглар бўлмасам, деб 4 тала ўртоғимни эргаштириб, шундай кўча остонасидан кирайлик десак, ичкари уйимдан бир йигит — мўйлави шопдек, мисоли ўғри қопдек, тишлари келисопдек йигит ичкари уйимдан чиқиб, биз тарафга келаберди. Бориб, — сан кимсан? Нимага бу уйга кирдинг? — десам, у: — акангнинг хотинини яхши кўраман, шунинг учун мен келиб-кетиб юраман. Келиб-кетиб юрганимни билиб-билимасликка солсанг, хўб-хўба, бўлмасам, жонингдан умид уз, — деди. — Биз бештамиз, сан шунаقا зўрмисан, деб ушлаймиз десак, ушлайлмайдик. Қочиб кетди, уйга кириб: — эй янга, нима бўлди сенга? Бундай одамни бу ерга киргизасан? — десам, қўлингдан келганини қил, — деб, янгам менга гушналил қилди. Шу тўғридан сизга арзга келдим. Агар менинг сўзимга ишонмасангиз, бу ўртоқларимдан сўранг“.

Подшо: „Арзларингизни тинглайман. Менинг давримда шу хилда фоҳишлил қилган бўлса, мана бу қофозни оласан, тўпта-тўғри бориб, янгангни олиб, қопга солиб, уч айриш йўлга қўясан, фоҳиша хотинни тошбўрон қилиш керак экан, дейсан“.

Шунинг блан улар уйга боришиб, янгасини қопга солишиб, уч айрит йўлга олиб бориб қўйишидди. „Буни подшо тошбўронга буюриб берган; тош отадиган одам борми?“ деганда, кўчадаги одамлар қўлларига тош олиб, тошбўрон қилишиб кетган. Хотин тошнинг тагида кўмилиб қолган.

Уч-тўрт кун ўтгандан кейин, тошбўронга буюриб берган. Подшо уч-тўрт вазири блан овга чиқиб кетатуриб, хотин тошбўрон қилинган кўчадан ўтиб қолибди. Подшо ўтиб кетаётган вақтда, ғарам бўлиб ётган тошнинг тагидан,войдод-войдод, ноҳақ туҳмат қилинганинг дастидан дод, деган овозни эшитиб қолиб, отдан тушиб, тошни олдирган, бунда бир қоп қимирлайди. Подшо, кимсан, деб сўрайди.

— Эридан айрилган, қаноти қайрилган, туҳматга йўлиққая, қопни очиб кўрсангиз, қўл-оёғи майиб хотинман.

Подшо айтди: — сени тош бўронга буюриб берган подшо мен. Сен бундай тошнинг тагида қолиб, ўлмаганинг учун сени мем

қутқазаман, үйимга етказаман, то эринг келгунча, хотинимниң хизматини қилиб юрасиз

Хотин: хұб, жоним блан хизматнегизни қиласман, деган. Шу блан подшо, овим үнгидан келдику, деб хотинни отга үнгариб, үйи а етказиб, хотинга айтди: — Хотин, мен чиқиб кетаман, шу қопнинг оғзини очасан, қопнинг ичидан бир хотин чиқади, сенинг хизмат нғни қилғыди, — деб чиқиб кетган.

Подшонинг хотини қопни очиб қараса, чиройлик бир хотин қопнинг ичидан чиқиб, унинг оғзи тагига йиқилиб, ох муродимга етдим дебти.

У подшанинг хотини хизматини қилиб юрибди. Бир кун подшо ва хотини түйга борадиган бўлиб қолишибти. Булар ичкари үйини хизмат қилиб юрган хотинга тайинлаб, ташқарисини отбоқарга тайинлаб, түйга кетишибди. Бир икки кун ўтгандан кейин подшанинг отбоқари ичкари ўйга кириб: „Янга, бир гапим бор сенга, дарвозалар илинган, ҳеч ким йўқ, мақсадимни биласиз. Энди бизни назарингизга иласиз. Шу йўруғдан айш-ишрат қилиб гапиришсак“ деган.

Унга хотин айтган: „Бу гапирган гапинг, сўзлаган тилинг қурсин, қараган кўзинг қурсин, бу сафар бу гапни гапирдинг. Иккинчи сўйламагин, бир нима десам, нима деркин, деб ўйламагин“. Хотин ичкарида, отбоқор ташқаридан, хотинга гап тополмай, ўз ишига қараб кетган.

Орадан икки кун ўтгандан кейин подшо тўйдан келиб, вазирлари блан ўтирганда, „қўрқан олдин мушт кўттарар“ дегандек, отбоқар та’зим блан подшо олдига кирган. Подшо: „Нима гапинг бор?“ деб сўраган.

Отбоқар айтган: „Кеча кечқурун мен отхонада отни қашлаб турсам, бирор отхонанинг эшигини очиб-ёпиб, ҳи-ҳи деб кулади. Кимсиз, десам, — мен ичкарида, сиз ташқаридан экансиз, үйимизда ҳечким йўқ, эрсизлик ҳам ёмон бўлар экан, — дейди. У ким экан, десам, ичкари үйингизга бир хотин ташлаб кетган экансиз. Шу хотин экан. Бу ёмон хотин экан, үйингиздан ҳайдаб юбор-масангиз, сизга касри тегади“.

Подшо отбоқарига: „Сен бор, отингни боқавер“ деб чиқариб юбориб, вазирларга айтди: „Нима қилайлик? Бу отбоқаримизнинг сўзига қарагандо, бир жазо бериш тўғри келади“.

Вазирлар: „Узингиз биласиз“ дейишган.

Подшо: „Бўлмаса, ўлимга буюраман“. Шу онда вазирлар ичидан Қаюмжон туриб айтган: „Э тақсир, кўзингиз блан кўрмай, қўлингиз блан тутмай туриб, ўлимга буюришингиз нотўғри. Мабедо отбоқар бу хотинга сўз ташлаган бўлса, хотин унинг сузига, йўқ, деган бўлса, отбоқарингизнинг сўзига кириб, ўлдириб юборсангиз, қандай бўлади? Йўқ ундай бўлмасину, хотинни энди эшигингизда сақлаш кўнглингизда бўлмаса, жўнатиб юборинг. Жўнатиб юборганда ҳам эшигингизда хизмат қилганлиги учун 5 — 10 танга бериб юборинг“.

Подшо Қаюмжоннинг сўзини қилиб, ҳазиначини чақириб, унга: „Юз тилла рўймолга солиб, олдимга олиб келгин“ дебти.

Ҳазиначи, хўб, деб юз тиллани олиб келиб, подшонинг олдига қўйиб, та'зим блан чиқиб кетган.

Подшо: „Ўғлим Аҳмаджон, чўри ойингизга айтинг, менинг олдимга паранжисини ёпиниб келсин“. Подшонинг ўғли хўб, деб ўйга кириб, чўри ойисига отасининг Гапини айтган. Чўри ойиси бошига паранжисини ёпиниб, подшонинг олдига та'зим блан кирган. Подшо: „Сизнинг орқангиздан мен бир совуқ сўз эшитдим. Шу йўруқдан, сиз қуруқ кетманг, деб сизга мана бу юз тиллани олиб қўйдим, эвди қаёққа барсангиз, шуёққа боринг“ деб, юз тиллани хотинга бериб, уни жўнатиб юборган. Хотин юз тиллани олиб, жўнаб қолган. Хотин кетаётниб, бозор бошига етганда қараса, унда 500 та одам тўпланиб турибти. Бу хотин бирордан сўрабти: „Э ука, булар нимага тўпланиб туришибти?“.

У дебти: „Эй янга, бирорнинг-бирордан юз тилла қарзи бор экан, пулдор қарздорни қистаса, қарздор пулдорга гушналик қилиби. Шу йўригдан пулдор қарздорни подшога обориб, арз қилиби. Подшо: — у ҳам қарздор бўлса, ҳам гушналик қилган бўлса, уч кун мобайнида унинг қавму қариндош ёки жонкуяри бор бўлса, сенинг пуллингни бериб, қўлингдан уни қутқариб олиб кетсан. Агар ҳечким олиб кетмаса, уч кундан кейин дорга остириб юбоғсанг, майли“ дебти ва пулдорнинг қўлига бу тўғрида қоғоз қилиб берибти. Булар қарздорни пулдор қандай дорга тортишини тамошо қилгани келган одамлар“.

Хотин ўйлабти: „Агар подшо манга пул бермасдан, бор кетавер, деса, кетадиган одам эдим. Кани бориб қарайчи, қарздор қанақа одам экан“. Одамларнинг ичидан кириб қараса, ёш бир йигит экан. Хотиннинг раҳми келиб, пулдорнинг олдига бориб, „Бу менинг иним бўлади“ деб, юз тилла пулини ташлаб, йигитни дорга осишдан қутқариб юборган. Хотин кетаётган вақтда, дордан қутилган йигит хотиннинг олдини тўсиб: „Кўзингиздан ўргилай, сўзингиздан ўргилай, сиз мени дордан қутқариб олганингиз тўғрисидан шу ерда иккимиз айш-ишрат қилсак?“ деган.

Хотин айтибти: „Йўқ, сиз мендан ёш экансиз, сизга раҳмим келиб, дордан қутқариб олдим. Сиз менга ёмонлик ўйламанг, бу гапингизни менга айтманг“.

Йигит айтибти: „Мен сиз блан бир гаплашмасам, қулоғимга гап кирмайди, ҳеч иложи йўқ“.

Хотин: „Бу гапингга қараганда, сендан мен қочиб қутилмасам, қутилмайдиганга ухшайман“ деб, кавушини қўлига олиб, ўзини йўлга солиб, кучини зарбига ишлатиб, қочмоқчи бўлиб, қочиб кетаверибти. Йигит уни қувлаб кетибти. Шу вақтда бир савдогар 20 тута молни ортиб, тутани тортиб келаётган экан. У савдагар хотиннинг қочиб кетаётганини, йигитнинг қувлаб келаётганини кўриб қолиб, у йигигдан: „Нега сиздан қочаяпти“ деб сўраган.

Йигит айтибти: „Менинг отам ўлган, бу хотин отамнинг қўлида чўрилик хизматини қилган, у энди — отанғ ўлди, менинг хизматим тамош бўлди, сенга чўрилик қилмайман,— деб қочиб кетаяпти. Мен: — отамдан қолган мол-мулк меники, сен нега чўрилик хизматингни қилмайсан — деб ушлаб олиб, уйимга ет-

казиб, құлидаң келгүнча кучини кеткәзіб ишласин, деб құвлаб кетаядман".

Савдогар: „Э ука, „бүйнидан бойлаган ит овга ярамас, занг-лаган милтиқ ёвға ярамас" деган гапни эшиганнымисан? Энди буни сен менга сот-құй, қувалаб юрма", дебти.

Йигит айтиби: „Бу сүз түғри, майли икки юз тилла берсанғиз, сотаман".

Савдогар айтиби: „Сен икки юз тилла дема, юз тилла бераман, ҳа майли, десаңг, сот".

Бу үйлаб-үйлаб туриб: „Майли, пулни беринг, сизга сотдим, шундан қутылғанимга суюнаман" дебти.

Савдогар юз тиллани берибы, йигит чүнтагига сопти. Савдогар түяни бошлаб, отини миниб, хотин кетидан отини ҳайдаб „Шошма, сенға файдалик сүзим бор" дебти. Хотин чарчаб, буңнан қақырганини эшитиб, тұхтабти.

Савдогар етиб келиб: „Э янга, иқболинг, толи'инг бор экан, менға көлиб қолдинг, болага юз тилла бериб сени мен сотиб олдим. Йүл киши йүлга яхши, йүл савдоси ундан яхши, деган гапта қараб, сени мен сотиб олдим. Энди сен, мен қаёққа борсам, шуеққа борасан" дебти. Хотин „У сизге қандай қилиб мени сотди" дебти.

Савдогар: „Сен унинг отасининг чүриси әкансан, отаси ўлғандан кейии, чүрилик қымайман, деб қочибсан. Мен ундан сени менға сотишини сүрадим. У, икки юз тилла берсанғиз, сотаман, деди. Мен, юз тилла бераман, дедим. У. үйлаб туриб, күнди. Мен юз тилла пулни унга бериб, сени қувиб етиб келдим. Бұлан гап шу" дебти.

Хотин: „Хұб бұлмасам, бошға тушганини күз күрар" деб савдагарнинг олдига тушиб келаверибы. Тушадиган жойға келиб, савдогар хотинни түяга миндириб, құл-оғеғини боғламоқчи бўлибыти. Хотин „нега боғлайсиз?" деганда:

„Сени мен пулға сотиб олдим, йигитдан қочган — түядан ҳам ташлаб қочмайсанми" деб уни боғлабти.

Түяни етаклаб кетаверибыти, бир катта дар'ё ёнига етибыти. У дар'ёнинг нариги томонига ўтиш учун кема бор экан. Кемага түя ва бошқа молларни солиб, хотиннинг ҳам құл-оғеғини ечиб, кеманинг ичига ўтқазиб, човходан олиб, кемани ҳайдаб етқазиб, дар'ёнинг үртасига боргандан, хотинга шу сүзни айтибыти:

Мен сени хұб биламан, күнглинг менға мойил әмас,  
Юз күзинен очмасаң, мен сенға ҳеч қойил әмас.

Мен сени күрмоқ әдим Ганжи равон күчасида,  
Күлингга олма берай Онҳазратим ҳужрасида.

Андижону, Марғилон, Ўшу, Наманғондыр, Құқон,  
Бу ўтирган жойимиз обдон ажойиб бир дўкон.

Кұрмак истайман қизил гулдек юзингни мен сени  
Энди ширин сүзлар айтиб бер, деб қистаймай сени.

Шунча келган вақтимиэда овора қилма мени,  
Овора қылсанг мени, дар'ёга ташлайман сени.

Хотин ҳам савдогарнинг сузига шундай жавоб қилибти

Олмазор боққа кириб, шафтолини ерму киши,  
Уз ёри уйда туриб, бегонани дерму киши.

Сен чаман булбули бўлсанг, мен чаманзорнинг гули,  
Сен чиройингга ишонсанг, мен ўшал ёrim қули.

Кўргани келдингми, ёр, куйдиргани келдингми, ёр,  
Ёниб ўчган ўтларим ёндиригани келдингми, ёр.

Ёр экансаи найлайин, дилдор экансан найлайин,  
Боғдаги булбул бўлиб мен энди сенга сайрайин.

Хотин: „Менга човходани беринг. Сизга қайиқни ҳайдаб кетатуриб, бир ашула айтиб берай, сиз чарчагансиз“ деди.

Савдогар: „Майли бўлмаса, ашулангни эшитай“ деб човходани хотинга берди. Хотин човходани олиб, сувга солиб, кемани юргизиб туриб, савдогарнинг вақтини чоқ қилмоқчи, иложи бўлса, савдогарни балқитиб, сувга қалқитиб юбормоқчи бўлиб, ашула айтабошлади:

Рўмолим бор алёсин,  
Ёр белига боғласин.  
Ўртадаги ой гули;  
Ёрни менга боғласин.  
Ҳай-ёрай, ёрингман.

Рўмолимни олибсан,  
Олиб дорга солибсан.  
Рўмолимни бералмай,  
Уволимга қолибсан.  
Ҳай-ёрай, ёрингман.

Рўмолимнинг гажими  
Хилпилласа, қайтаман,  
Кўнглимда бор неча сўз,  
Сизга қандоқ айтаман.  
Ҳай-ёрай, ёрингман.

Алвон кўйлагим янги,  
Менинг юрагим кенги  
Нечада жойни айланиб,

Топмадим бўйим тенги.  
Ҳай-ёрай, ёрингман.

Алвон тўппим бор эди,  
Бошгинамга тор эди.  
Неча яхши йигитлар  
Гапиришга зор эди.  
Ҳай-ёрай, ёрингман.

Ёр дедим, адо бўлдим  
Кўчада гадо бўлдим.  
Бир кўриб жамолингга  
Ошиқ-бекарор бўлдим.  
Ҳай-ёрай, ёрингман.

Рўмолим бир сўзани,  
Мен ичмайман бўзани.  
Мен ичганда бўзани,  
Кандай топай мирзани.  
Ҳай-ёрай, ёрингман.

Хотин ашулани айтиб туриб, савдогарга қараса, ухлаб қолибти. У савдогарни балқитиб, қалқитиб, дар'ёга ботириб юбориби. Човходани уриб, дар'ёнинг нариги четига кемани етказиб, савдогарнинг молига эга бўлиб, молни қаёққа қўйишни билмай-

дар'ёниг ёнига иморат солиб, бева-бечораларга уй қилиб бертиби.

Бир-икки йил ўтди.

Шу хотиннинг ёри бу дар'ёниг ёнидан сафарга кетаётганда ҳечнарса йўқ эди. Сафардан қайтиб келаётганда кўрса, дар'ё ёнига иморат солинган. Хайрон қолиб, кўчада ўтирганлардан: „Бу ерларга қачон иморат тушди? Жуда обод бўлиб кетиби. Иморатларни ким солди?“ деб сўрабти. Ўтирганлар айтдилар: „Бир заиф киши келиб, ҳечкимдан сўрамай-нетмай, шу ерга иморат солиб, тайёр қилиб, биздай уйи йўқ бева-бечораларга ин'ом қилдилар. Бундан бошқа у киши битта-яримта кўр ва шолларга, касалван одамларга ёрдам бериб, даволаш чорасини кўрадилар, улар шифо топиб кетадилар.“

У бу гапни эшлиб „ҳа-ҳа“ деб, йўлга равона булиб, йўл юриб, мўл юриб, ўз маҳалласига етиби. Маҳалласига бориб қараса, ўзининг уйидан ҳеч асорат қолмабти.

Буни кўриб, ўзидан-ӯзи ҳайрон бўлиб, кўнгли вадрон бўлиб, диққати ошиб, ўзидан-ӯзи шошиб қолиб, бозор бошига етиб қолиб, айланиб юрса, бир толнинг салқинида бир оёй шол, кўзи кўр тиланиб ўтирган одамни кўриб қолиби. Бир-икки чақа берай деб, бориб қараса, ўзининг укаси экан. „Вой, укажон, кўтар кун ҳам бор экан“ деса, укаси:

— Сиз кўряпсиз, мен сизни кўрмаяпман, — дебти.

— Ука, қачондан буён бундай бўлиб қолдинг?

— Сиз кетгандан буён бу аҳволга тушиб қолгандан.

— Иморатлар ҳам теп-текис бўлиб, кўчага қўшилиб кетибдику! Уйдан ҳечбир асар йўқку! Ахир менинг хотиним ва ўз хотиннинг ва молу дун'ёлар қаёққа кетди?

— Ҳа ака, сизнинг хотинингизни тошбўрон қилиб юборишган. Меним хотиним ёмон чиқди. Кўзимни кўр, оёғимни шол қилиб, мени менсимасдан ташлаб кетди. Кўр бўлиб қолгандан кейин мол-дун ёни хотиним олиб кетган. Ўзим шу ерда тиланиб ўтираман.

— Энди, ука, бўлар иш бўлиби, хафа бўлма. Иккаламиз ака ука эканмиз, сен бу ҳолга тушиб қолибсан, сени мен тузатиш иложини кўрайин. Мен келаётган йўлда дар'ёниг бўйида бир хотин бормиш, кўзи ожизроқ ва оёғи шолларни шу хотин даволар эмиш. Сени ўша хотинга олиб борсам, хўб, дейсанми?

— Майли, олиб бориб, кўзимни очтирангиз, мен йўқ дейманми?

Акаси от-арава сотиб олиб, укасини аравага солиб, жўнаб кетаётган экан, йўлда бир ариқнинг лабида, тутнинг тагида ука-сига ўҳшаган икки кўр ва шол ўтирган экан. Улар олдига бориб, тўрт пул узатиб, гап сўрабти: „Бродарлар, сўзингиз бунаقا, оёғингиз унақа, кўзингиз шунақа. Менинг ҳам укам сизларга ўҳшаган. Мен укамни тузатдиргани олиб кетаяпман, агар сиз ҳам, бораман, десангиз, аравага ўтқазай“.

Улар: „Майли-майли, сиз олиб бориб, тузатдириб келаман, десангиз, биз йўқ деярмидик“ дейишиди.

У: „Хуб бўлмаса“ деб, аравага бу икки ҳам солиб, Қамишқўргон дар’ёга етиб, ҳалиги маҳалладаги одамлардан сурштириб, заиф кишининг эшигини топиби. Арава блан эшик ёнида тўхтаб, ичкарига кириб, ташқари ҳовлида туриб: „Бир укам бор эди, кўзи кўр, оёғи шол бўлиб қолган. Уни сизга кўрсатгани олиб келаётсан, укамга ўхшаганлар ҳам бор экан, уларни ҳам аравага солиб, олиб келдим. Шуларга бир даво топсангиз, етса пулим, етмаса жоним“ деган.

Хотин: „Олиб келинг, мен бир кўрайчи“ дебти.

У, учаласини кўтариб олиб кириб, ҳовлисининг ташқарисига утқазиб, ўзи блан тўртта бўлиб: „Қани нима дейсиз?“ дебти.

Хотин: „Нега шундай бўлганларини сиз учавларидан сўрасангиз, мен әшитиб, кейин даволасам“ деган.

— У ука, сен нега бундай бўлгансан?

— Ҳарқандай иш қилган бўлсан ҳам айтардим, лекин бу қилган ишимни айтмайман.

— Агар айтмасанг, сени шу ерда ўлдириб кетаман.

Укаси, энди айтмасам, бўлмас экан“ деб ўйлабти:

— Сиз менга хотинингизни ташлаб кетгандан кейин, бир ой ўтди. Мен сизнинг хотинигизга: — Янга, акам кетди, то келгунча, мен блан гаплашиб юргин, — десам, янгам: — Бу гапни гапирдинг, иккинчи гапирмагил, — деди. Бу деган сўзига қайсарлигим келиб, тўртта муттаҳам ўғрининг ҳарқайсисига йигирма тантадан саксан танга бериб, подшонинг олдига олиб бориб: — Тақсир, акам сафарга кетган эди, хотини бир одам блан ўйнашганини кўриб қолдик. Мана гувоҳлар, бир жазога буюриб берсангиз, — деганимда, подшо даррав хат қилиб берди: — Бундай хотинни тошбўрон қилдириб юборгин, — деди. Мен даррав ўйга келиб, хотинингизни қопга солиб, ташбўрон қилдириб юбордим. Тошбўрон қилдириб юборгандан кейин, орадан бирқанча вақт ўтгач, хотиним кўзимни кўр, оёғимни шол қилиб қўйди. Шу ҳолга тушиб қолдим.

Акаси: „Бундан ҳам баттар бўлмабсан-да“ деб: „Қани, сен нимага шундай бўлгансан?“ деб иккинчи дардликдан сўради. У:

„Мен подшонинг отбоқари эдим. Подшо бир кун тўйга бормоқчи бўлиб, бола-чакаларин олиб, тўйга кетган эди. Кетаётган вақтида: „Ташқарига сен қараб тургин, ичкарида бир чўри бор. Уни шу пойлайди“, — деб кетди. Мен ичкарига яқин бориб, ичкари ҳовлида юрган бир хотинга гап ташладим. У хотин сўзимни қабул қилмади. Менинг аччиғим келиб тұҳмат блан подшога чақдим. У хотинга юз тилла бериб, ҳайдаб юборди. Хотин кетиб, орадан бирнечча вақт ўтгандан сўнг, подшонинг вазири Қаюмжон менинг тұҳматимдан воқиғ бўлиб, мени шу ҳолга солиб қўйди“ деди.

— Энди сенчи, нимага шундай бўлгансан?

— Мен бир одамдан юз тилла пул олган эдим. Бир куни у мендан пулини сўраб келди, мен пулдорга гушиалик қилдим. Пулдорнинг аччиғи келиб, мени подшонинг олдига олиб борди.

Подшо мени дорга осишига пулдэрнинг қўлига қоғоз берди. Пулдор мени дорга осадиган бўлиб, дорнинг тагига олиб борган эди. Бир хотин келиб, пулдорнинг қўлига юз тилла бериб, мени дордан қутқариб юборди. Пулдор пулни олиб, халқ тарқалиб кетди. Мен дордан қутқариб олган хотиннинг кетидан бориб, унга зўрлик қалдим. У хотин қочиб кетди. Мен кетидан қувлаб кетаётсан, бир савдогар келабтган экан, савдогар: „Нега ў хотин сандан қочаяпти?“ деди. Мен: „Огамнинг чўриси эди, отам улгандан кейин, чўрилук қилмайман, деб қочиб кетаётсан“, дедим. Савдогар: „Бўлмасам, менга сот“ деди. Мен: „Хўб, майли, икки юз тилла берсангиз, согаман“ дедим. Савдогар: „Икки юз тилла эмас, юз тилла бераман“ деди. Мен: „Майли“ деб, юз тиллага у хотинни савдогарга сотиб юбордим. „Юз тиллани олиб, чўнтағимга солиб, ўн-ўнбеш кун юрган эдим. Кейин ёмонлигим очишиб, қилмишимга яраша жазоланиб шу аҳволга тушдим“.

Акаси хотинга: „Буларнинг сўзини эшитдингиз, қани, энди даволанг“ деганда, хотин: „Буларни кетказиб, ўрта йўлга етказиб, ўзингиз қайтиб келинг, сизга сўзим бор“ дебти.

Шу блан буларнинг уччаласини кетказиб, бир ариқнинг лабига етказиб, сизлар ўтиратуринглар, деб, хотиннинг олдига келиб, ташқарида турганда, хотин эшикни очиб: „Ох, кўтарр кун бор экан“ деб, эрининг бўйнидан қучоқлаб, мақсадимга етдим, деб турибти. Эри кўзини юмид, нима дейишинг билмай: „Нега сиз мени уялтирасиз?“ деганда, хотин: „Ким ўз ёридан уялади? Уч йил сиз блан умр қилган хотиннингизман, кўзингизни очишиб қаранг“ дебти. Эри кўзини очишиб қараса, ҳақиқатан ҳам ўзининг хотини экан.

Эри: „Бу қандай ҳол?“ деб сўраганда, хотини:

„Туҳматчи қайнимдан қутилдим, туҳматчи отбоқардан қутилдим. Яхшиликка ёмонликни кўзлаган қарздордан қутилдим, Фаросатимни ишлатиб савдогардан ҳам қутилдим, шу мол-дум'ёга эга бўлдим. Ёмчилик қилганлар, дун'ёдан шундай қилиб кетган“ дебти. Эр-хотин мурод-мақсадига етибти.

# ТАНҚИД ВА ТАҚРИЗ

Т. Н. КОРИНИЕЗИЙ

## А. М. ГОРЬКИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ ҲАҚИДА<sup>1</sup>

Инсондайт тарихи буюк ақл ва қобилият эгаларига ниҳоят бойдир. Лекин дун'ё маданияти, дун'ё адабиёти, дун'ё сана'ти тарихида Алексей Максимович Горький ўзига хос ўрин тутади. Чунки; Горький яңғы замон социалистик адабиётига асос қўйган ёзучидир.

Горький сиймосида рус пролетариати уз орасидан ишчилар синфининг манфаати учун ва бутун дун'ё меҳнаткашларининг манфаати учув курашувчи оташин ва улуғ ёзучини, чинакам инсон қалбининг инженерини етиштириди.

Горький қалқ ичидан чиқди. У меҳнаткаш ҳалқнинг ўғли эди. Горький чор Россиясининг шароитида оғир ҳаёт мактабини, азобукубат мактабини, кураш ва муҳтоҷлик мактабини бошидан кечирди ва узундан-узоқ жафоли йўлларни босиб ўтди. У ёшлигига даёқ бүёқчи, нонвой, юқ ташучи, батрак бўлиб ишлаб юриб капитализм жамияти текинхўрларининг ҳамма қибиҳликларини ва ифлосликларини, одам кучидан фойдаланишининг ҳамма оғирликларини ўз зиммасида синади. У бирнеча бор қамалди, подшо төръмаларига тушди, чет элларда, муҳожирликда дар-бадар бўлиб юрди.

Горькийнинг ҳаёт йўлини та'рифлаб ўртоқ Молотов шундай деди: „Мамлакатимизнинг йирик ёзучиларидан, ҳатто бошқа мамлакатларда ҳам, капитализм даврида ҳалқнинг „пастки қатлами“ ҳаётини ҳечким Горькийдек яхши билган эмас. Жаноби эксплоататорлар томонидан қилинган барча шафқатсизликлар ва разилликларни ҳечким Горькийдек уз бошидан кечирган эмас. Ҳечким, қуллик меҳнати ва капитал зулми остида эзилгандарни бизнинг Горькийдек ўз кўзи блан мутглақо кўрган эмас; мана шуларнинг ҳаммаси Горькийда капитализм тузумига қарши газаб ва революцион нафратни уйғотди ва коммунизмнинг озод этучи кучига бўлган садоқатли ишончни чиниқтириди.“

Мана шунинг учун ҳам ишчилар ва барча меҳнаткашлар Горький сиймосида ўзини, ўз одамини, ўз ҳаётини-тақдирини, ўз келажагини кўрадилар. Мана шунинг учун ҳам мамлакатимизнинг

<sup>1</sup> А. М. Горькийнинг вафот қилганига 10 йил тўлиши муносабати блан, Тошкент шаҳар интеллигенциясининг умумий шаҳар йигилишида қилингандек.

мәхнаткашлары ва бошқа мамлакатларнинг мәхнаткашлари Горькийни севдилар, севадилар ва бундан буён ҳам севажаклар".

Унинг асарлари мәхнаткашларни капиталистик ваҳшийлика қарши, одам кучидан фойдаланишга қарши чақириди. "Хуқуқни ҳечким бермайди, ҳуқуқни олиш керак" деб ўргатди Горький.

Горькийнинг қудратли чақириғи поёнсиз Ватанимизнинг бутун бурчакларида ва Ватанимиздан ташқарида янграли ва оммани революцион кураш учун қуроллантириди.

Улуғ ёзучи рус ва жаҳон адабиёти томонидан тўплланган барча тажрибани танқидий равишда ўзлаштириди. У, рус революцион демократик адабиётининг ананаларини давом эттириди. Улуғ ёзучининг ижодий қиёфаси халқнинг фикри-зикрини ва умид-армонларини, рус адабиётининг улуғворлигини, олийжаноблигини, унинг чуқур ғоявийлигини, революционлигини, ватанпарварлигини, халқчилигини, реализмни ўзида акс эттириди. Горький шундай деди:

"Бизнинг адабиётимиз, бизнинг ифтихоримиэдир. У, миллат сифатида яратган нарсаларимизнинг энг сарасидир. Бизнинг бутун фалсафамиз ҳам шунда, инсон руҳининг улуғ интилиши ҳам шунда акс этган; мана шу ажойиб, афсонавий тарзда тез қурилган ма'навий бинода буюк нафосат ва куч, зиҳият, муқаддас покликнинг қалби — ҳақиқий сан'аткорларнинг ақли ва юраги шу кунгача порлаб турибди. Уларнинг ҳаммаси, ўзлари гүшинган ва кечинганларини ҳаққоний равишда ва виждан блан ёритар эканлар, улар: рус сан'атининг кошонасини биз халқнинг жим туруб қилган ёрдами соясида қурдиқ, бунга бизни халқ йлхомлачириди, халқни севингиз! — дейдилар".

Ленин-Сталин партияси раҳбарлиги остида Горький ўз сўзини амалга ошириди. Янги ҳаёт ва янги маданият ижодчиси бўлмиш ишчилар синфиға бўлган унинг чексиз муҳаббати шундан келиб чиқди. Горький халқнинг зўр ижодий кучига чуқур ишонди. Унинг халққа ва кенг мәхнаткаш оммага бўлган муҳаббати шундан келиб чиқди.

Горькийнинг ижоди — жаҳон сан'атининг чўққисидир. Горькийнинг „Қиз ва ўлим“ деган поэмасини ўқигандан кейин ўртоқ Сталин шу сўзларни ёзган эди: „Бу Гетенинг „Фауст“и дан ҳам кучлироқ (бунда муҳаббат ўлимни енгади)“. Ўртоқ Сталиннинг бу сўзларида — инсоннинг озод турмуши ва баҳт-саодати учун курашган жанговар гуманист Горькийнинг гениаль ижодий фольятивнинг чинакам ма'носи ифодаланган.

Чинакам халқ сан'аткори Горькийнинг кўришида ажийб суратда аниқлик, равшанлик, кенглик бор. Ромен Роллан деган эди: "...Горький сан'атида унинг кўринишининг ажойиб равшанилиги кишини ҳамма нарсадан кўпроқ ҳайратда қолдиради, бу эса уни бошқа буюк рус ёзучиларидан ажратиб туради. Унинг кўзи кўлга ўшайди, унда ҳамма ҳодисалар — инсонлар, буюмлар воқи'ликдагига қараганда равшанроқ, ёрқинроқ ва ифодалироқ акс этадилар".

Горькийнинг миллий ғурурни олижаноб равишда ҳис этиши, рус халқига ва унинг ижодий кучига бўлган чексиз ишончи,

давримиэга лойиқ, ажойиб образларни яратышга уни илхомланғыди. „Мен рус халқини биламан,— деб езди Горький,— мен унинг фазилатини ошириб юбормоқчи эмасман, мен ишонаман ва өминманки, бу ҳалқ ер юзидағи ма'навий ҳаётга чуқур ва ўзига хос бўлган, ҳамма учун муҳим бўлган янгилик киритади“.

Улуғ ёзучи буюк гуманист эди. „Инсонни озод этиш, уни хўрлика, қулликка, ҳақоратга дучор қилган барча муносабат ва барча шароитларни йўқ этиш зарурлигини“ англаш Горький фаолиятини бошқариб турди. У озодлик учун, шахсиятнинг кушоди учун, янги одамнинг юзага келиши учун курашди.

Горький гуманизми жанговар ва та'сирчан характерда эди. Ўртоқ Сталин 1932-йилда, Горькийга ёзган табрик хатида, улуғ ёзучининг ижоди: „Барча меҳнаткашларга қувонч, ичшилар синфининг барча душманларига даҳшат бўлди“ — деди.

Инсоннинг қайтадан туғилиши, унинг меҳнатини капитализм зулмидан озод этиш идеяси Горький гуманизмининг моҳияти эди. „Биз, ҳаломатга маҳкум бўлган дун'ёнинг судъялари бўлиб революцион пролетариатнинг ҳақиқий гуманизмини ёқловчи одамлар бўлиб чиқамиз; бу гуманизм асрлар мобайнида меҳнат аҳлларини бузуб келган ичиқоралик, очқўзлик, пасткашлик, бема'нилеклардан ва барча хунук хулқлардан бутун дун'ё меҳнаткашларини озод этиш учун тарихий зарурият бўлиб қолди“ деб ёзди Горький.

Улуғ ёзучининг ҳамма ижоди иккى система я'ни капитализм блан социализм курашига бағишлилангандир.

Горький ўз асарларида капитализм жамиятидаги хўрликнинг даҳшатли манзараларини тасвир этархан, шу блан бирга у, „Инсон деган ном — мағрур янграйди!“ деб қайта-қайта такрорлади. Горький олийжанобликни, фидокорликни, ватанпарварликни, инсон фазилатининг мағрур сезгисини куйлади. У янги, ёрқин ва баҳти ҳаёт яратути янги одам учун жон-дили блан курашди.

Горький меҳнатнинг улуғворлигини кўрсатди. Меҳнат Горький учун одамгарчиликнинг фазилати ва баҳт манба'и бўлди. У, самарали ижодий меҳнатни, меҳнатнинг гўзаллигини ва қувончини, Сталин даврида номус, шон-шуҳрат, мардлик ва қаҳрамонликка айланган меҳнатни куйлади.

Машҳур антифашист ёзучи Генрих Маннинг этироф қилишича: „Горький адабий ижод соҳасини кенгайтирди, жаҳон адабиёти учун янги йўллар ва истиқболлар очиб берди. У янги темалар ва янги китобхонлар яратди“.

1901—1902 йилларда ёқ Горький Европада энг машҳур ёзучи булиб танилди. Қисқа муддат ичидан бутун Европа мамлакатларининг театрлари саҳнасида ўйналган унинг „Тубавлиқда“ деган пьесаси Горькийнинг шон-шуҳратини жуда оширди.

Горький мағрур бўрон қуши, уч рус революциясининг баҳти гувоҳи ва актив қатнашчиси, мамлакатимиздаги социализм қурилишининг фаол иштирокчиси эди. Горькийнинг оммавий ишчилар ҳаракатига бўлган катта та'сирини 1901 йилда Ленин шундай

кўрсатиб ўтди: „Ҳамма ерда қўзғалиш ўсмоқда, буни ҳамма ерга истибдол, зулм ва зўрлик уруғини сепаётган ҳоким мутлақа қарши бир оқинга тўплап зарурлиги жуда муҳим бўлиб қолди. Нижнеда кичкина, лекин муваффақият блан ўтган 7-нчи ноябрь намойиши Максим Горькийни кузатиш муносабати блан бўлиб ўтган эди. Европага машҳур бўлган ёзучини,— Нижне шаҳар на-мойишида гапирган нотиқнинг айтган ҳаққоний сўзича,— я'ни қу-роли фақат эркин сўздан иборат бўлган ёзучини подшо ҳукумати судсиз ва тергавсиз она шаҳаридан қувғин қилмоқда. Боши бу-зуқлар уни бизга ёмон та'сир кўрсатиша айблайдилар,— деди нотиқ,— қалбида ёруқлиқ ва озодликка заррача интилиш бўлган ҳамма рус одамлари номидан айтамизки, бу та'сир яхши та'сир эди“.

Ленин „Ишчилар синфини озод қилиш учун кураш союзи“ ни тузган вақтда Горький „Лочин қушиби“, „Изergиль кампир“, „Қаҳрамон Данко ҳақида ажойиб афсона“ деган ўзининг машҳур асарларини ёзди. Горький бу асарларида эски, турғин, адолатсиз ҳаётнинг кирди-корини очиб ташлаган мард, бақувват ва мағрур одамларнинг курашини кўйлади.

Ленин „Искра“ газетасини ташкил қилаётган вақтда, рус жа-мияти илфор қисмининг кайфиятини сезган Горький „Бўрон қуши қўшиғи“да Россияда яқинлашиб келаётган 1905-нчи йил револю-циясини кўйлади:

Бўрон! Тездан кўтаришур бўрон!

Яна қаттиқроқ гурласин бўрон!

✓ Горький жаҳон адабиётида пролетар революционерларининг ажойиб образларини яратди. Унинг машҳур асари „Она“ни кўр-сатиш кифоя. Горький бу асарида ишчи аёл Ниловна блан унинг ўғли Павел Власовнинг бадиий образини яққол курсатди. Роман-нинг бош қаҳрамони Павел Власов буржуазия судьяларини очиқ-дан-очиқ ва дадиллик блан фош қилади. „Сизнинг ҳамма қилган ишларингиз — жиноят, негаким улар одамларни қул қилишга қа-ратилган; бизнинг ишларимиз эса — дун'ёни ҳамма ваҳималар-дан ва ҳам сизнинг ёлғончилигингиз, жаҳлингиз ва оч кўзлигин-гиз орқасида пайдо бўлган, халқни қўрқитиб, жонини олган турлиқ-туман балолардан қутқаради“.

„Она“ романи Европа ишчилари орасида ниҳоят зўр э'тибор қозонди. Луначарскийнинг айтишича „Она“ романи Европа про-летариатининг қўлидан тушмайдиган китоб бўлиб қолди.

Ленин ва Сталиннинг дўсти ва сафдоши ва кўп миллатли мам-лакатимиз халқларининг қардошлиги учун оташин курашчи бўлган Горький, миллий масалаларни ҳал қилишда партиямиз томонидан эришилган муваффақиятлардан ва СССР халқларининг Ленин-Сталин партияси атрофига, улуғ рус халқи атрофига жисплаши-шидан бениҳоя шодланар эди.

Тарихий аҳамиятга эга бўлган улуғ ишларимиз, я'ни мамла-катимизнинг социалистик асосда қайтадан тузилиши тургисида улуг ёзучи ҳамма вақт зўр қувонч блан сўзлар эди. Горький шундай деб ёзди: „Партиянинг буюк доҳий

Иёсиф Сталиннинг темир продаси инсонин ўтишнинг ла'нати урбодати ва ҳурофотидан бутунлай озод этадиган мамлакатда шашу ва кураш зўр қувончdir". Горъкий „Россия дун'ёда энг демократик мамлакат бўлади“ — деди. Сталин Конституциясининг лойихаси блан танишиб чиқкан Горъкий зўр қувонч блан: „Энди эҳтимол мамлакатда тошлар ҳам кўйлаб юборар“ — деди. Горъкий ижоди фавқулодда кучли оптимизм блан сурорилган.

Горъкий ўзининг бир қатор ажойиб асарларида, („Фома Гордеев“, „Матвей Кожемякин ҳаёти“, „Артамоновлар иши“, „Клим Самгин ҳаёти“ ва бошқаларда) капиталистик йиртқичлар, жаҳолатда қолған мешчанлар, бўржуазия интеллигентлари — ҳалқ оммасига ёпишган текинхўрларнинг ёрқин бадий образлари галлериясими яратди.

Буржуазиянинг синф сифатида чириши ва ҳалокати бу асарларда зўр маҳорат ва буюк ҳаққоният блал кўрсатилган. Бу асарларни ўқиган китобхон буржуазия тузумининг тарихий жиҳатдан муқаррар ҳалокатга маҳкум эканига ишонади.

Горъкий ўзининг бошқа асарларида, айниқса бир қатор ҳикояларида („Россия бўйлаб“, „Болалик“, „Одамлар орасида“, Мениннинг доридфунунларим“ ва бошқаларда) революциядан илгариги ёски Россиянинг — „ҳалқлар тюрьмаси“нинг — даҳшатли ҳаётини тасвир этди.

1909-ячи йилда В. И. Ленин Горъкийга шундай деб ёэди: „Сиз ўзингизнинг сан'аткорлик талантингиз блан Россия ишчилари ҳаракатига — фақат биргина Россиягагина эмас — катта фойда кеадирдингиз“.

Меҳнаткашларни озод қилиш ишида улуг ёзучи, Ленин блан Сталиннинг ҳамфикри ва сафдоши эди. Горъкий: „Ҳаётнинг ма'носи революцияга хизмат қилишдан иборатдир, бизнинг замонамида унинг бундан бошқа ма'носи булиши мумкин эмас“ деди.

Горъкийнинг мислсиз кенг ижодий фаолиятида пролетар интернационализми ўзига жой олган. Горъкий барча ҳалқлар, барча миллатларнинг манфаатлари учун куйинди. Улуг Ватанимиздаги ҳархил миллат ҳалқлари блан ҳечқайси ёзучи, ҳечқачон, Горъкий сингари чамбарчаст боғланган эмас эди. Поёнсиз Ватанимизнинг ҳамма бурчакларида ва барча миллатлар орасида Горъкийнинг овози эшитилиб турди.

Қардош совет республикалари ҳалқларининг миллий адабиётининг ўсиши учун Горъкий фаолиятининг аҳамияти буюkdir. Қардош совет республикалари ҳалқларининг алабиётига бўлган муносабатда рус адабиётининг етакчилик роли Горъкий сиймосида жуда ҳам равшан кўринди.

Улуг Октябрь революциясидан кейин рус бадий адабиёти узбек халқи учун кон қардош адабиёт бўлиб колди. Рус ёзучилари — Пушкин, Лермонтов, Тургенев, Чехов, Крилов, Маяковский, Толстой ва бошқаларнинг ижоди ўзбек совет адабиётининг тараққиётига foят зўр та'сир этди. Бир қатор рус совет ёзучиларининг асарлари ўзбек тилига таржима қилинди. Мисол учун: Серафимовичнинг „Темир оқин“и, Шолоховнинг „Очилган кў-

риғ“и, Шагиняннинг „Гидроцентрал“и, Алексей Толстойнинг „Лю-  
н“и, Островскийнинг „Пұлат қандай тобланди“си, Маяковскийнинг  
„Ленин“ поэмаси ва бошқаларни күрсатиш мүмкін. Шунингдегі  
Ўзбек тилига рус классикларидан ҳам бирқанча асарлар таржима  
қилинди. Пушкиннинг „Евгений Онегин“, „Кавказ асири“, „Борис  
Годунов“, „Капитан қизи“, „Дубровский“, „Боқча сарой фонтани“,  
Гогольнинг „Ревизор“, „Уйланиш“, Лев Толстойнинг „Тирилиш“  
„Болалик“, „Хожимурод“и, Лермонтовнинг танланган лирик  
шे'рлари, Чеховнинг танланган ҳикоялари, Криловнинг масаллари  
ва бошқалар.

Ўзбек тилига таржима қилинган асарлар ўртасида Горький  
асарлари фаҳрий ўринни олади ва бу асарлар кенг ўзбек ҳал  
оммасининг ўртасида ниҳоятда севилиб ўқилади. Горькийнинг  
ўзбек тилига, „Она“, „Болалик“, „Челкаш“, „Макар Чудра“, „Ме-  
нинг дорилғунуларим“, „Тўққизинчи Январь“, „Бўрон қуши қў-  
шиғи“, „Экзекуция“, „Артамоновлар иши“, „Одамлар орасида“,  
„Коновалов“, „Бола“. „Социалистлар“, „Үгри“, „Пармда ишташ-  
лаш“, „Клим Самгин“дан парчалар ва бошқа асарлари таржима қи-  
линди ва нашр этилди. -

Совет Иттифоқи ҳалқлари адабиётининг тараққиётida Горь-  
кийнинг роли ғоят зўрдир. Миллий руспубликалардаги ёш ёзу-  
чиларнинг ўсиши ва вояга етишида Горький ижоди ажойиб мактаб  
бўлди. Горький ижодий мактабининг баракали та’сири остида  
Совет Иттифоқи ҳалқларининг мазмунан социалистик, шакълан мил-  
лий адабиёти ривожланди ва бундан кейин ҳам ривожланажа.

Шоир Амин Умарий ўзининг „Устоз“ деган ше'рида улуғ  
ёзучининг ўз ижодига бўлган та'сирини қўйидагича та'рифлайди:

Эй дилимизга жо бўлган падар,  
Сен ижодимга қувват ва мадор!  
Китоб, дарсим бўлди ҳар олтин сўзинг,  
Битмас ҳазинамнинг гавҳари ўзинг!

Амин Умарий ўзининг шу ше'рида, шубҳасиз, Ўзбекистон со-  
вет ёзучилари ва шоирларининг фикрини ифода қилди.

Горький миллий адабиётларнинг ички тараққий йўлини ҳам  
кўрсатиб ўтди: бу йўл фольклор ҳазиналари бойлигидан, мил-  
лий классик ёзучиларнинг адабий меросидан фойдаланиш йўли  
блан бўлади. Горький барча миллий адабиётлар тарихига ёзучи  
кадрларни ғоявий ва бадиий томондан тарбияловчи устоз бўлиб  
киради. Горький раҳбарлигида 1934-нчи йилда бўлиб ўтган совет  
ёзучиларининг қуролтойи миллий адабиётларни бирлаштиришга  
катта ёрдам берди. Миллий ёзучилар ташкилотини белгилаб бер-  
ган Совет Ёзучилар Союзи устави ҳам мана шу қуролтойда тас-  
диқланди, совет ёзучиларининг ижодий методи бўлган социалистик  
реализм тушинчаси ҳам мана шу қуролтойда ишланиб чиқди.  
Қуролтойда миллий республикалар адабиёти олдида турган ва-  
зифалар, ихтиёжлар ва имкониятлар ҳақида Горький ниҳоятда  
қўтариинки руҳ блан гапириди: „Мен шу нарсани айтиб ўтишни за-  
рур деб ҳисоблайманки, совет адабиёти бу фақат рус тилидаги

адабиёт эмас — бу умумиттифоқ адабиётидар. Негаки бизга қарлош республикаларнинг адабиётлари биздан фақат тили блансина фарқ қиласи, капитализм томонидан бутунлай парчаланиб ташланган меҳнаткашлар дун'ёсини бирлаштириш гояснинг мунаввар ва олижаноб та'сири остида яшайди ва шунинг учун ишлайди, — равшанки, биз фақат кўп бўлганимиз учун майда миллатларнинг адабий ижодиетини инкор этишга ҳаққимиз йўқ. Сан'атнинг қиммати сони блан эмас, сифати блан ўлчанади. Агар ўтмишда бизда — гигант Пушкин ўтган бўлса — бу, арманлар, грузилар, татарлар, украинлар ва бошқа қавмлар адабиёт, музика, рассомлик, бинокарликнинг буюк усталарини яратишга қодир эмаслар, деган сўз эмас. Шуни унитмаслик керакки, Совет Социалистик Республикалар Иттифоқининг поёниз қучогида меҳнаткаш халқ оммаси „соф ҳаёт — инсоний ҳаёт“ учун, янги тарихнинг эркин ижоди учун, социалистик маданиятнинг ижоди учун қайтадан туғилиш процессини тез бошидан кечирмоқда”.

Улуғ Ватан уруши совет адабиётига катта синов бўлди ва улуғ Горький мактабининг раҳбарлигидаги бизнинг совет ёзучиларимиз бу синовдан шараф блан ўтдилар. Бу вақт ичида зўр адабиёт вужудга келди, Ойбек,Faфур Ғулом, Уйғун, Шайхзода ва бошқа ажойиб кадрлар ўсиб этиши.

Бизнинг совет ёзучиларимиз кўп тилларда, турли туман поэтик воситалар ва образлар блан, ҳаммаси ҳам бир нарса ҳақида — Улуғ Совет Ватани ҳақида, ажойиб Сталин даври ҳақида, янги совет одами ҳақида, бу янги одамнинг ажойиб ижоди ҳақида, қаҳрамон халқ ҳақида, мана шу халқнинг одамзоднинг ёвуз душмани устидан қозонган оламшумул тарихий ғалбаси ҳақида, Ленин-Сталин партиясининг буюк ишлари ҳақида, нур сочиб бораётган коммунизм ҳақида, бутун дунё меҳнаткашларининг буюк устоэлари — Ленин ва Сталин ҳақида ёздилар ва ёзмоқдалар.

/ Горькийнинг социалистик жамият сан'атидаги роли ва тутган ғурнини ўртоқ Молотов, Горькийнинг дағн этиш маросимида, Қизил Майдонда сўзлаган ўз нутқида аниқ белгилади: „Рус адабиётига қилғи ата'сир кучи блан — деди Молотов, — Горький Пушкин, Гоголь, Толстой каби буюк гигантлар блан бир қаторда туради ва уларнинг буюк традицияларини бизнинг зомонимизда давом эттирди. Горький бадиий сўзларининг революциямиз тақдирига бўлган та'сири бошқа ҳарқайси ёзучимизнинг та'сиридан кўра бевоситароқ ва кучлироқ бўлди. Мана шунинг учун ҳам мамлакатимиэда ҳамда бутун дун'ё меҳнаткашлари олдида Горький социалистик пролетар адабиётининг ҳақиқий отаси бўлиб чиқди“.

Горький фақат ёзучигина бўлмай, чинакам революционер ва йирик жамоат арбоби ҳам эди. У, 40 йилдан кўпроқ революцион постда турди, ўзининг алангали революцион сўзини ўткир қурол қилиб душманларга қарши курашди. У, узининг бадиий асарларида, мақолаларида, ташкилотчилик ишларида коммунизм иши учун, Ленин-Сталин партиясининг иши учун курашди.

1912 йилда Горький хитой революциясининг йўлбошчиси Сун-

Ят Сенга шундай деб ёэди: „Мен русман, мен ҳам сиз кураша, ётган ғоянинг тантанаси учун курашаман: бу ғоя қаерда ғолуб бўлиб чиқса ҳам, мен сиздек бу ғалабадан баҳтиёр бўлар эдим“.

Горький душманларга ваҳма солиб, уларга тинчлик бермади. Улар Горькийнинг оташин сўзларини кенг суратда ёйилишига ҳафтаرافлама тўсқинликлар қилишди. Броқ буюк ёзучи бунга байсумнади: у ўз душманларини аввалидан ҳам баттарроқ шарманда қилишни давом этдириди.

1902 йилда Горький Россия Фанлар Академиясига Фаҳрий академик бўлиб сайланди. Броқ Николай II нинг таклифига мувофиқ сағлов бекор қилинди. Бу воқиа ўша замондаги ил xorодамларнинг ғазаб ва аччигини кетирди. Короленко блан Чехов ўз норозиликларини билдириш ниятида фаҳрий академиклик уйвонидан воз кечишиди.

1932 йилда, Амстердамда бўлган урушга қарши конгрессга буржуазия Горькийни қўймади. Бу хақда Горький қаттиқ пичинг қилиб мана шундай деб ёэди: „Мен конгрессга бевосита иштирок қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Албатта мен душманларнинг қўрқоқлик қилиш ҳуқуқини инкор этмайман“.

Горький фашизмга қарши ўзининг гаабли овозиси тинмай янгратди: „Фашизм — деди Горький, — ўз моҳияти блан бошқа одамларни қул қилиш учун, уларни капиталистларнинг уй ҳайвонлари қилиб тарбиялаш учун энг қабиҳ абллаҳлар ва муттаҳам ифлослардан тўпланган бир ташкилотидир“.

Горькийнинг исбот қилишича, фашизимга бўлган нафрат энг олийжаноб одампарварлик туйғулари орқасида, одамнинг одамзодга бўлган буюк муҳаббати орқасида, уни қулликка ва ёввойиликка қайтишдан қутқаришга интилиши орқасида туғилади.

„Фашизм чариш ва инқироз ҳолатига келиб қолган буржуа маданиятининг маҳсули, унинг тузалмас маразидир. Фашизимнинг назариячилари ва амалиётчилари — буржуазия муҳитидан етишибчиқсан авантюристлардир“ — деб ёэди Горький.

Буюк ёзучи ҳақиқий пролетар жангчиси бизга „агар душман таслим бўлмаса, уни мажақлаб ташлайдилар“ деб ўргатди. Халқимиз ички ва шунингдек ташқи душманлар блан курашда мана шу принципга амал қилди. Бизнинг озодлигимизга ва мустақиллигимизга, тинч меҳнатимизга қасд қилган немис-фашист босқинчиларга қарши курашда шавкатли Қизил Армиямиз ҳам мана шу сўзга амал қилди.

„Мен, — деб ёэди Горький, — рус халқини афсонаний суратда талантли, ўзига хос эканини кўриб турибман. Бу ажойиб халқ афсонавий қаҳрамонона ҳаёт блац яшайди ва у ҳақи кўп нарсани ўргатади“. Ҳақиқатан ҳам, Ленин Сталин партияси раҳбарлигида, чинакам „афсонавий қаҳрамон“ — улуғ рус халқи бошқа халқларни кўп нарсаларга ўргатди.

Горький СССР халқларининг ижодий юксалишидан бенихоя қуванар эди. „Ленин кўрсатиб берган йўлдан садоқат, қатиъят ва дадиллик блан бораётган ва большевиклар партияси Марказий Комитетининг бош йўлига баробар оёқ ташлаётган одам-

жар томонидан мамлакатимазда буюк ишлар қилинмоқда<sup>а</sup> деб әди Горький.

Горький янги ва ёрқин ҳәёт учун курашган ажайиб одамлар-лини орзу-армонлари совет ҳокимияти даврида амалга ошганини күзи блан күрди; у бутун умри бўйи турмушга ошириш учун ташаббус-тортишиб келган нарсаини амалда кўрди. Бу эса улуғ ёзучининг ажайиб ҳәёти учун катта мукофот әди.

Горькийни Совет Иттилоғи ва бутун дунъенинг кўп миллионли халқлари чинакам севардилар. Уни фақат халқ душманларигина кураолмас әдилар. Халқ душманлари Горький сиймосида коммунизимнинг юксак идеяларини қизғинлик ва жонкуярлик блан тарбиб қилучи ташвиқотчини, халқ душманларига қарши ўткир ва аччиқ сўз блан қуролланган кишини, даҳшатли ва букилмас революционерни кўрдилар.

Ёвуз халқ душманлари бўлган троцкийчи-бухаринчи фашист жасуслар халқнинг умид ва армонларининг гениаль кўйчиси, янги Социалистик, ёруқ ва хушчақчақ ҳәётининг оташин қўшиқчиси бўлган улуг ёзучини ўлдирдилар.

Бу оғир йўқотишнинг туб моҳиятини ўртоқ Молотов шундай та'рифлади: „Лениндан кейин Горькийнинг вафоти мамлакатимиз учун ва инсоният учун энг оғир йўқотишдир“.

Горький сўнгги нафасигача ўз ҳәётини халққа, Ленин-Сталин партиясига хизмат қилишга багишлади. Буюк Горький асрлар бўйи ўлмай яшайберади, Горькийнинг кўп миллионли китобхонлари, унинг ўз тилидан лочинга айтилган шу сўзларни ўзига қаратада тақорлайдилар: „Майли сен улдинг! Аммо мардлар ва руҳан кутили одамларнинг қўшиғида озодлик ва ёриқлиққа ундавчи мағрур чақириқнинг жонли мисоли бўласан!“.

Унинг овози поёнсиз мамлакатимизда ва унинг чегарларидан олисларда илгаригидай мардонавор янграйберади. Бу овоз инсониятнинг энг илғор кишилари орзу қилган ишга, — Ленин-Сталин партиясининг ишига — бутун кучни сарф қилишга меҳнаткашларни чақиради.

М. И. КАЛИНИН

## ЁЗУЧИ ЎЗ ИШИНИНГ УСТАСИ БЎЛСИН

Ёзучи бўлиш учун биринчи навбатда нимани билиш керак?— деган саволни ўз олдига қўйган киши орангиизда оз бўлмаса керак.

Ёзучилик нимадан бдшланади? Одамда юракдаги нарсани ифода қилиш эхтиёжи туғилади. Ўзида бу эхтиёжни ҳис этаолмаган киши, ҳечқачон ёзучи бўлаолмайди. Аммо, табий, фақат бу эҳтиёжнинг ўзигина кифоя қилмайди. Ёзучи айтмоқчи бўлганини ифода қилаолиш қобилиятига ҳам эга бўлиш керак.

Бунинг учун ҳаммадан бурун рус тилини билдиш лозим. Агар сиз она тилингизни яхши билмасангиз, қандай қилиб ёзучи бўлаоласиз? Ўз она тили граматикасини, ҳатто имлосини билмаган киши (бундай одамлар бизда бор) қандай қилиб ёзучи бўлади ахир? Ёзучилик — бу бир ихтисос, айрим бир касб. Бу шундай бир касбки, очиғини айтганда энг қийин бўлган касб...

Сиз бу ерда, ёзучилик ишингиздаги муваффақиятсизликларни, асарларингизни кам босиб чиқараётганликларини гапирдингз. Нахотки сиз бирдан расмона ёзучи бўлиб кетишни, „бутун дун“ёга довруқ солишни“ истайсиз?

Бизда бир киши биргина очерк ёздими, бўлди. Шуни дарров бостириб чиқаришни ўйлади. Йўқ сиз энг ками 10 та очерк ёзинг, шулардан ўнинчисини босиб чиқарсалар ҳам яхши. Агар бизда ёзилган нарсаларнинг ҳаммасини босиб чиқарилаверса, қофоз ҳам етмас эди.

Ким агар ёзучи бўлишни истар экан, мен у кшига Бальзакнинг тажримай ҳолини, унинг йирик ёзучилар қаторига ўтиб олиш мақсадида қандай курашганини диққат блан ўқиб чиқишини маслаҳат берар эдим. Сиз, Бальзак буржуа ёзучиси эди, дерсиз.

Тўғри, албатта, буржуа шороити бу курашда жуда қаттиқ оғирликлар, мушк лликлар кетиради. Бу хилдаги оғирлик бизда йўқ. Аммо бизнинг мамлакатимизда йирик ёзучи бўлиш ундан ҳам қийинироқ. Нима учун? Чунки, бизнинг мамлакатимизда адабиётнинг жозиба кучи ғоят юқори даражада. Чунки, маданий савијаси кун-кундан юксалаётган ўқучиларимиз, бадиий асарларга катта-катта талабларни қўймоқдалар. Чет мамлакатларда миллион кишидан биттасигина „одам қаторига ўтиб“, отоқли ёзучи бўлади. Бизнинг мамлакатимизда эса, қарийб 50 саводхон киши

и чида бири ёзучи бўлади. Табиий, булардан 90 проценти эланиб ташланади. Кўрасизки, ёшларимизнинг кўпи ёзучиликка қизиқади ва у, менинг ёзган асарларимнинг ҳаммасини ўқисалар керак, деб ўйлайди Кимки, ёзучиликка жiddий қизиқар экан, у, албатта, қиши ва ўрганиши керак. Граматика китобини олиб, унинг устида ишлаб, қунт блан билимини кўтариши керак.

Сизлар бу ерда ёзучилкни ўрганиш учун сиртқи та'лим, сиртқи қурслар очишни гапирдингиз. Бирор курсни тамомлаб ёзучи бўламан дейиш хато. Албатта, бундай курслар бирмунча ёрдам бериши мумкин. Ҳозир сиз тамомлаб чиқсан курс ҳам кўп нарса ўргатган эмас. Бунда сизни метод блан таништирганлар, китобни қандай ўқиш ва китоб устида қандай ишлаш кераклигини, ундаги зарурий жойлардан фойдаланабилишини кўрсатганлар ва ўргатганлар халос. Шубҳа йўқки, малумотини оширмай, ўз она тилини жуда яхши билмай туриб, ҳақиқий ёзучи бўлиш, асло мумкин эмас.

Иккинчи масала — ёзишни қандай ўргавиш мумкин? Ба'зи ўртоқлар Йирик ёзучиларнинг бошловчи авторларга индивидуаль оталифини ўюнтириш керак, деган хоҳишини билдирилар. Албатта, мен ба'зан ишнинг ўнгидан келиб, тасодифан яхши чиқиб қолишини инкор этмайман. Лекин, умуман атганда, ёзучиларнинг кўпи яхши ўқитучи эмас. Чунки буларнинг ўзлари ба'зи вақтда ўз ишларининг ма'носини тўла тушиниб етмайдилар. Мисол учун Гогольни олайик. Гогольнинг ижодиётини ўзи яхши тушундими, ёки Белинскийми? Менинг ўйлашимча, Гоголь ижодиётини унинг ўзига қараганда, Белинский яхши тушунган эди.

Агар сиз бадиий асар ёзмоқчи бўлсангиз, шуни билингки, бунинг учун ҳамма нарсадан олдин талант керак. Туғма қобилиятингиз бўлмаса, сиз сан'аткор булаолмайсиз.

Мен ҳам ёшлигимда тажрибакор одамлардан — ёзишни қандай ўрганиш керак, нима қилса, одам ёзучи бўлаолади, деб сўрар эдим. У вақтларда ишчиларнинг оиги юқори даражада эмас эди ва битта онгли ишчининг атрофида унга „ёрдам“ бериш учун юзга интеллигент айланиб юради. Менга у вақтларда, ёзишни ўрганиш қийин, ҳикоя ёзишни ўргатадиган маҳсус мактаб, ҳеч қандай қўлланма йўқ, деб айтар эдилар. Мактаб иншосини қантай ёзиш кераклигини ўргатадиган эски китоблар бор, аммо бу китоблар ҳам бошлича имло устида турли маслаҳатларгина берадилар.

Харбир ёзучининг ўзига хос стили бўлади.

Агар ёзучи бўлишни истасангиз, шундай бир бадиий асардан ўрнак олингки, бу асар стилистика нуқтаний назаридан беками кўст ёзилган бўлсин.

Сиз ёзишни бирор ўргатса экан, Ставский ўргатса экан, дерсиз. Лекин ёзилган асар намунаси блангина ўргатиш мумкин. Сиз Ставский асарларидан ҳам юксак бир асар ёзишни хоҳларсиз. Бунинг учун классиклар, шу жумладан Турғоневдан ўрганиш керак. Масалан, Гогольни олинг. Нима учун унинг асарларида фикрлар жуда ёрқин берилган? Нима сабабдан классикларимизнинг асарларини қайта қайта ўқифинг келади? Бизда ҳали ўз фикрла-

рини очиқ ва ёрқин ифода қилиб бераоладиган булар шекилли тил устлари йўқ. Лев Толстой тилни ба’зан оддийлаштириб юборса ҳам, лекин ундан кўп нарсалар ўрганиш лозим. Христоматия, дарслклар ҳам, албатта, бошланғич малумотни беради. Аммо булар етмайди. Буларни, агар шундай ифодалаш ту бўлса,— тилнинг манбаи деб бўлмайди. Тилнинг манба’и — Пушкин, Гоголь, Гончаров, Горький ва бошқа классикларимизнинг асарларидир.

Сиз, Гончаровнинг „Палладанинг уруш кемаси“ деган асарини ўқиб чиқинг. Сиз, одам зерикаб кетади, дерсиз? Аммо сиз бу асарни тил, форма нуқтай назаридан бир ёзучи сифатида ўқиб чиқсангиз, албатта зериктирамайди. Сиз фақат ўзингизга ёқсан асарларнинггина эмас, бошқаларни ҳам ўқишингиз керак. Агар сиз, ўз ишингизнинг устаси бўлишни, совет устаси бўлишни истар экансиз, ўзингиздан олдин ўтган наслдан ўрганишингиз, кишилик жамиятининг асрлар бўйи туплаган маданий бойлигидан энг яхшиларини ўрганиб олишингиз, ана шундан кейингина янги нарса яратишга ўтишингиз керак. Мана буни, адабиётнинг кенг йўлига чиқиб олишни истаган, ҳозир эса, бизнинг асарларимиз кам босилаётган деб шикоят қилган ёзучилар жуда яхши ўқиб олсинлар. Буларнинг шикоятлари албатта асоссиэздир. Малумки, бема’ни асарларни ҳечким босиб чиқармайди. Аммо шуни ҳам очиқ айтиш керакки, бу хилдаги бема’ни асарлар ҳали ҳам кўп босилади. Биз олдимизга халқнинг онгини оширадиган асарларни босиб чиқариш вазифасини қўйамиз-да, одатда эса, кўпроқ бема’ни асарларни босиб чиқарамиз. Бу хилдаги асарлар кейин фойдасиз қоғоз йигиндисига қўшилиб кетади.

Сизнинг кўпчилигингизда, менимча, қийинчиликни четлаб ўтиш, ҳамма айни объектив шароит устига қўйиш кайфияти бор, масалан, кам ёрдам беришади, кам диққат қилишади, дейсиз. Бу нотўғри. Шолоховни олинг. Унинг „Тинч Дон“ романини мен бизнинг энг яхши, бадиий асарларимиздан ҳисоблайман. Айrim жойлари фавқулодда зўр маҳорат блан ёзилган. Бу асарни у бир чекада, овулда ёзган. Лекин асарнинг тили шуни кўрсатиб турибдики, Шолохов, кўп, жиддий ва саботли равишда ўқиган, аммо у бошловчи ёзучиларга мулжалланган журналлардан ургангандан ўқиб ўрганмаган эди, деган фикрга ҳеч ишонмайман.

Шолохов, кўринишда оддий, кўзга кам чалиниб турадиган бир киши бўлса ҳамки, аммо у, катта бир мактабни ўтган кишидир. Афтидан у ҳозир ҳам ўз устида жуда кўп ишламоқда.

Сизнинг дастлабки ёзган асарларингиз классикларникига тақлид бўлиши мумкин. Сиз бундан қўрқманг. Бу биринчи даврда зарарли эмас. Ёзучининг хос стилини турмуш яратади. Агар сиз хатто Тургеневни мукаммал ўрганиб, унга эргашишга тўғри келгандা ҳам, шуни эсингиздан чиқармангки, биз Тургенев яшаган даврдан анча узоқлашиб кетганимиз. Тургенев сизни орқага — крепостной Русиясига судраб кетмайди. Албатта бундай бўлмайди. Аммо унинг усталигидан фойдаланиш мумкин ва керак. Классик-

Лар сиз учун биринчи босқич, бошқача қилиб айтганда „адабий дализ“ дир.

Езучи учун иккинчи шарт — нима түғрисида ёзишини билиштүр. Агар сиз, фақат формани яхши эгаллаб олган бўлсангиз, шу сизн яхши асарлар ижод қилиш мумкин деб ўйласангиз, бу түғрик эмас. Сиз яна бир нарсани — нима түғрисида ёзиш кераклигини яхши билишингиз шарт. Езучи, аввало, ёзмоқчи бўлган воқиаларни яхшилаш билиб олсин ва шу воқиалар ёзучи юрагини банд қилин, тўлқинлантирсан. Ёзиладиган муҳитни ва ҳаётни атрофича ўрганиш керак.

Сизлар колхозда яшайсизлар. Сизлар қишлоқ муҳбirisiz, шу қишлоқ ҳаётидан бирор нарса ёзишни ўйлайсиз. Равшанки, бир бадий асар яратмоқ учун шу муҳитни ҳар куни текшириб, урганиб боришингиз, ундаги характерли лавҳаларни ва халқ оғзидан эшишган сизга ма'қул бўлган ибораларни бир дафтарчага ёзиб, йиғнаб боришингиз керак бўлади. Буларни керак вақтда дарров ишлатабиладиган қилиб ёзиб олиш, турли лавҳа ва иборалар ёзилиб қўйилган шунақа дафтарчалар йирик ёзучиларнинг ҳарбирида бор.

Катта ёзучиларнинг ҳаммаси халқ тили ва ундаги нутқ тузилишига алоҳида диққат беради.

Езучи турмушдаги ҳодиса ва воқиаларни кузатабориши ва булар ичидан гёйт типик воқиаларни танлайбилиши керак. Йирик бадий асарларни ўқиганда кўпинча гоҳ у, гоҳ бу образда ўз аксингни ёки ўз характерингдаги алоҳида белгиларни кўрасан. Буларнинг ҳаммаси олдиндан жуда катта тайёргарлик кўриш блан юзага келади.

Бундан кейин сиёсат соҳаси келади. Тилни яхши ўрганиб, формани яхши ўзлаштириб, воқиаларни мушоҳида қилиш ва танлашни яхши билиб олгандан кейин, тўпланган материалларни умумлаштириш ва бадий асар ҳолига кетириш қолади. Бунда, албатта, сиёсатни яхши билиш керак бўлади. Тўпланган материални умумлаштириш учун яхшиси, албатта, марксист бўлиш керак. Бизда коммунистлар кўп. Броқ, ма'lумотли марксистлар озоқ. Коммунист партия программасини яхши билади, партия қарорларини бажаради, марксизм асосларини оз·моз белади. Аммо марксизмнинг ўзини етарли даражада билмайди.

Ўз асарлари блан кенг омма ўртасига чиқадиган ёзучи марксизм фалсафасини албатта билиши шарт. Марксизм фалсафасидан яхши хабардор бўлмай, Маркс-Энгельс, Ленин-Сталин асарларини яхши ўрганмай, катта марксистик бадий асар яратиш асло мумкин эмас.

Ҳақиқий совет ёзучиси марксист бўлиши керак.

Сиз ўзингиз тушинасизки, мингта ёзучи, улар ичидан биртасининг жаҳон саҳнига чиқиши учун ишлаши керак. Бусиз иш битмайди. Демак, мингта киши ўз кучини синаши керак.

Езучи энг маданиятли кишиларимиздан бири бўлмоги лозим. Бўлмаса, агар унинг маданий савияси атрофидаги одамлар савиясидан тубан турса, у қандай ёзучи бўлиши мумкин. Ундай ёзучи кимга, қандай нарсани ўргатаолиши мумкин.

Үртоқлардан бири, асарнинг сифати учун юриш бошлиғ со-  
нини камайтириб юбормайдими, деб савол берди. Бу тұғрида сиз  
ташвишланманг, мен шунинг учуноқ құрқасдан ҳамма қийи-  
ликларни батафсил гапириб бердим. Ешларнинг янги янги  
лари ўсиб келмоқда. Улар, сизнинг жойларингизни эгаллайтара.  
Бу ўсиб келаётган ёшларнинг күпіда ёзучи бўлиш нияти бор.  
Ешилигиде ше'р ёзмаган одам кам бўлса керак, деб ўйлайман.  
Етарли миқдорда ёзучи етишмай қолади деб, қўрқиши ярамайди.  
Буларга йўл курсатиш керак. Бу йўл қийин бўлса ҳамки, унга  
йўллаш керак, лекин миллион одамлар ичидан йирик кишилар ети-  
шиб чиқсан. Биз Потапенко типидаги ёзучиларга тенглашишини  
истамаймиз. Аммо бу киши ўз замонасининг йирик адабиёғчиси эди.  
Бизнинг совет адабиётимизда бундай кишилар жуда кўп. Бу „му-  
ваққат“ адабиётдир. Мен Потапенконинг 20 тача асарини ўқиб  
чиққанман, аммо ҳозир бирортасини ҳам эслайолмайман. Лекин  
унинг китоблари блан бир вақтда бошқа катта ёзучиларнинг ҳам  
куп асарларини ўқиганман. Булар эса, доимий бўлиб эсимда  
қолган.

Сиз, журналларимиз адабий асарлар блан тўлиб чиқади, дей-  
сиз, лекин уларда яхши бадий асарлар жуда кам. Мен эса, сиз-  
ларнинг ичингиздан лоақал битта юксак савияли ёзучи чиқишини  
хоҳлар эдим. Сизнинг олдинга қараб интилишингиз зарур. Эҳти-  
мол, орангиздан бирор киши ҳам узоқ боролмас. Аммо, шу ури-  
нишнинг ўзи ўша одам маданиятини баланд кўтаришга ёрдам бе-  
ради. Бу кишидан ҳақиқий ёзучи чиқмаганда ҳам, барибир қар-  
холда каттароқ одам бўлиб қолади.

Мана, башарти мендан рус тилини ким ҳаммадан яхши билади,  
деб сўрасалар, мен, албатта ўртоқ Сталин деб жовоб берар эдим.  
Ўртоқ Сталин тилидаги билурдай софликни, аниқликни, сўзларни  
тежаб ишлатабишини ўрганиш керак. Қани сиз Сталин баён қил-  
ган бир фикрни ундан кўра қисқароқ қилиб ифодалаб кўрингчи!

Сизга ўз ишингизда муваффақиятлар тилайман ва хайрлашиб  
шунай айтаманки, ўзингизни йўқотиб қўйманг, обидраманг. Айниқса  
ёзган асарларингизни бракка чиқарган вақтларида ҳам ўзингизни  
маҳкам тутинг. Шундай кезларда сиз ўзингизга: „Бу ёзганимни  
бракка чиқарадиларми, иккинчисини ёзаман, буни ҳам шундай қил-  
салар, яна бошқасини ёзаман“ деб дадил турабилинг. Башарти  
ёзгингиз келмаса, бундай пайтларда яхшиси шуки, ёзманг. Агар  
ёзгингиз келар экан, унда, ҳарқанча меҳнат чекишингизга қара-  
май, ёзинг. Сизнинг иккита нарсангизни босмаган эканлар, учин-  
чиси, тўртинчисини, то муваффақиятга эришмагунингизча ёзаве-  
ринг. Ана шундагина ҳақиқатан ҳам ёзиши ўрганганд бўласиз ва  
чинакам совет ёзучиси бўлиб қоласиз.

(1934 йил, 15 май).

Ю. З. ШИРВОНИЙ

## СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ ҲАҚИДА ЭРОНДА БОСИЛГАН БИР КИТОБ<sup>1</sup>

Советлар Иттифоқи шарқидаги миллий республикаларнинг маданий, сиёсий жиҳатдан мисслсиз ўсиши, қишлоқ хўжалиги ва саноатининг бениҳоят ривожланиши Яқин Шарқ ҳалқарини жуда қизиқтиримоқда.

Социализм тантана қилган мамлакатимизнинг шарқдаги қўшилари Чор Руеняси даврида бир мустамлака бўлган ўлка қиёфасининг гигант қурилишлар блан тамоман ўзгариб кетганинига ҳайрат блан қарамоқдалар.

Советлар Иттифоқининг миллий республикалари оиласида баҳтиёр қардошлардан бири бўлган социалистик Ўзбекистон ўз мустақилиги ва фаровонлиги блан Яқин Шарқ мамлакатларидағи тараққийпарвар қатламларнинг диққатини ўзига тортиб, уларнинг ҳавасини ижтироқда.

Чет шарқ мамлакатларининг матбуоти саҳифаларида совет Ўзбекистони ҳақида ҳархил хабар ва мақолаларнинг тез-тез босилаётганини ҳам тасодифий эмас.

Лекин бу мақолаларнинг кўпи совет Ўзбекистонининг ҳақиқий аҳволини тўлиқ ва тўғри ёритиб бермайди.

Шу нуқтани назардан, Ферузешнинг Ўзбекистон ҳақида ёзган китоби катта аҳамиятга эгадир.

Китобнинг автори — Эроннинг илфор сиёсий газетаси „Нажоти Эрон“ниң бош муҳарриридир.

Ферузеш „Биз ва Сайд-Зиёвиддин“ деган, ўткур қалам блан ёзилган китобчанинг ҳам авторидир. Бунда у Сайд-Зиёвиддиннинг реакцион сиёсатини бутун Эрон ҳалқига фош қилиб беради.

Ферузеш Ўзбекистон тўғрисидаги китобини ёзишда „баҳти-гули очилиб“ Ўзбекистон пойтахти Тошкентта келганида, унда ўз кўзи блан кўрган нарсаларини материал қилиб олади. Ў, совет Ўзбекистоннинг 20 йиллик юбилейи тантанасига келган Эрон делегациясининг бир а’зоси эди.

Бу китоб — Ўзбекистон ҳаётини ҳаққоний равишда кўрсатиб беришни, совет ҳукумати даврида республикада фан ва техни-

<sup>1</sup> З. Ферузеш. „Тошкент саёҳати хотираси, ёки Ўзбекистон Республикасидан совға“. Тезкорон, „Нажоти Эрон“ газетаси нашриёти, 1946 йил.

канинг барча соҳаларида эришилган оламшумул ютиқларни кенг Эрон аҳолисига баён қилиб беришни мақсад қилиб олади.

Китобда Эрон делегациясининг „юракни тўлқинлатучи тўқиз кун“ ичида Тошкентда кўрган ва кечиргандари батафсида хронологик равишда та’риф ва тавсиф қилинади. Ундаги сатар рўтигинки руҳ блан ёзилади.

Зиҳинли-фаросатли ва чукур мушоҳада қобилиятига эга бўлган автор республика ва унинг пойтахти Тошкент ҳаёти блан имконияти борича китобхонларни таништиришга ҳаракат ҳилган. Бунда Ферузешнинг кўз олдидан ўтган ҳамма ҳодисалар унда кучли та’сир қолдирган. У ҳамма нарсага ғоят қизиқиб қарайди. Уни Совет кишисининг юксак ватанпарварлиги ҳам, колхозларнинг муштумдан катта картошкалари ҳам, кекса Жайхун<sup>1</sup> дар’ёсининг романтик соҳиллари ҳам, колхозчи жувоннинг самимий табассуми ҳам, тўқимачилик комбинатининг муҳташам кўриниши ва ажойиб маҳсулоти ҳам, ҳатто ҳайвонот боғидаги пакана қулонлар ҳам қувонтиради.

Китобнинг мундарижаси (феҳрасти) блан танишиб, унинг мазмунни ҳақида тўла тасаввур олиш мумкин:

„Эрондан Туронга. Ҳавода 15 соат. Техројдан Машҳадга. Ашҳабоддан Тошкнетга. Тошкентдан Машҳад-Техронга. Қарши-ма-қарши тарафларни кўриш ва эшитиш.

Тошкент—Ўзбекистон республикасининг пойтахти. Тошкент—порлоқ маданиятнинг машҳур маркази, Осиёнинг юраги. Тошкентнинг майдони, аҳолиси, савоати, маданияти, социал тузилиши. Меҳнат ва унинг аҳамияти. Бу республикада стихияли равишда фалокатлар рўй бермайди. Бахтиёр ҳаёт ва ма’мурчилик. Колхоз далаларида ўtkazilgan бирнеча соат. Мамлакатда дәхқончилик ишлари. Колхозларда иш тақсимоти. Экин планлари. Қишлоқхўжалиги ишларини механикалаштириш ва иш методлари. Колхозлардаги ҳаёт „Минг бир кеч“ даги афсоналарни эслатади. Колхозчилар ўз моддий турмушларини қандай қилиб яхшиладилар. Колхозчиларнинг ашулалари. Колхозларда миллий музика ва қўшиқлар. Колхоз қизлари, улар блан Эрон хотин-қизлари ўртасидаги тафовут, уларнинг мамлакатдаги жамоатчилик ишларига иштироки. Эронда, хотин-қизлар мамлакатдаги жамоат ишларига қатнашганликлари учун мукофот олабиладиларми? Колхозчиларнинг Эронли меҳмонларга берган дўстона совғалари.

Тошкентнинг Шайхул-Исломи ёнида бирнеча соат. Бутун республикадаги даний доиралар. Тошкентда 45 мачит бор, бунда мусулмонлар намозларини жамоат блан ўқийдилар. Дин ва шариат масалалари, никоҳ ва талоқ. Диннинг тўла эркинлиги. Ўзбекистон Шайхул-Исломининг Техрон, Машҳад, Куму уламоларига саломи. Шайхул-Ислом ҳазратларининг Машҳаддаги саккизинчи имомнинг қабрларини зиёрат қилиш орзузи.

Ўзбекистон фан ва техника, саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида порлоқ галабаларга эришди. Республиkanинг ҳамма бур-

<sup>1</sup> Жайхун — Амудар’ёнинг қадимиги стн.

чакларида, миллий урф-одатлар ва миллий традициялар муқаддас сақланган ҳолда янги ма'ноли ҳаёт яшнамоқда.

Заводлар, фабрикалар, идоралар, маданий-истироҳат, дам олиш ҳизнилари, соғлиқни сақлаш муассасалари ва болаларнинг боқча, яшаларида бирнече соат.

Арчиқатаги Комбинат — юқори техника му'жизаси.

Тошкентда юбилей виставкасида.

Ўзбекистон Фанлар Академиясида. Ўзбекистонда халқ маорифи масслалари. Ўрта малумот олиш республика аҳолиси учун мажбурий. Ҳамма завод ва корхоналарда ўзбек мутахассислари бор Тошкент дорилғунунининг 11 факультети бор.

Тошкентнинг жозибали кечалари. Ўзбекистоннинг театр осмонида сан'ат юлдузлари чарақлаб турадилар.

Артистлар, ашулачилар, музикачилар, композиторлар республиканинг донгдор одамларидан ҳисобланади. Тошкентнинг ажойиб кечалари қадимги афсоналардаги сиҳрли кечаларни эсга туширади. Драматурглар, режесёрлар ва балет ҳақида. Кўпчилик сан'ат усталиари орден ва медальлар блан мукофотланганлар.

Турмушга муҳаббат. Ватанпарварлик. Ўзбекистон халқлари онгига ватанинг муқаддаслиги тушинчаси.

Менинг тасаввуримда келажак одамнинг руҳий улуглиги. Одамнинг истиқболда әришажак фазилат чўққилари. Бутун ер шарида яшаб турган халқлар ва ҳаёт. Уларнинг абадий озодликка интилишлари...“. Китобнинг мундарижаси мана шулардан иборат. Автор ўз баёнотини лирик чекинишлар блан олиб боради. Бундай үринлар ўз оригиналлиги ва ўткур фикри блан кўзга ташланиб туради.

„Азиз ватандошларимизга келтирган совғамиз,— деб ёзали Ферузеш, — Тошкентга қилинган ғоят кўнгилли саёҳатимиз самараси бўлган ушбу очеркдир. Бу очерк саҳифаларида Ўзбекистон халқининг ҳаёти, қуёш каби порлоқ ва равшан тасвирланган, сан'аткорона ҳаққонийлик блан, муболига қилинмасдан, соҳталаштирилмасдан, одилона битилган“. Лекин автор Тошкентда гуриллаб ўсаётган реаль воқи'ликни, чет эл публицистикасининг кўп намояндлари сингари, ўзига хос бир йўсинда идрок эди.

Автор, миллий маданиятни шунчалик гуллатган, тарихда ҳеч кўрилмаган даражада тараққий этдирган ҳаракатчи кучларнинг манба'ларини изламай, нарсалар ва ҳодисаларнинг ички томонига—моҳиятига назар солмай, одатда фақат сиртқи томонини кўради ва воқиа-ҳодисаларни анализ қилмайди. Автор, совет воқи'лигидаги бирталай „тушуниб булмайдиган, сиҳрли бўлиб кўринган“ воқиаларнинг моҳияти ва принципларини изоҳ қилишга уринганда, унинг хуносалари анча юзаки бўлиб қолади. Аммо, ферузеш, ҳечқандай мулоҳаза юргизиш ва хуноса чиқариш талаб қилинмайдиган жойда совет Ўзбекистонидаги улуғ социалистик қурилиш процессини тўғри ва ҳаққоний равишда тасвирлайди.

Китобнинг асосини ташкил этган сатрлар, авторнинг кўз ўнгига гавдаланган янги, ажойиб дун'ёнинг ёрқин та'сири остида яратилган лавҳалардир.

У бутунлай ҳиссиётга берилиб кетади. Социалистик қайтадан қурилишнинг улуғворлиги уни бутунлай ўзига мафтун қилади. Масалан, романтик кайфиятдати Ферузеш кекса Амудар'ё—яри афсонавий Жайхуннинг одамзод иродасига бўйсуниб, ўзининг минг йиллик йўли, тармогини ўзгартганини тасаввуринга хеч индираолмайди, бу унинг юрагида шоирона туйғуларни ўйғоради ва у ўтган асрларга юрак тўлқинлари блан мурожаат қиласди:

„Бу — улуғворлик блан ва мағруронга оққан ўша Жайхун дар'ёси; у ўзининг кўп асрлик тарихи блан бизнинг хотиротимизда кучли ҳаяжон қўзғатади, бизнинг қадимги миллий афсоналаримизни эслатади, аввали асрларда ўтган шоирларнинг дардли хаёлларида тасаввур қилинган улуғ воқиаларни жонлантиради ва қайта тирилтади“.

Эй, Жайхун, Мовароуннаҳрнинг муқаддас Нили, туронийлар ерининг муборак Синди! Эй, сомнийлар ва хоразмийлар ерининг шарақлаб, кўпириб оққан Волгаси! Эй, Шарқнинг олийжаноб ва доно ўғиллари яратган, қадимги мадният бойликларининг абадий, ишончли ҳазинаси ва тилсиз улуғ гувоҳи! Эй, кишиларимизга эҳсон бағишловчи, буюк шоир ва олимларимизга ўлмас ижодлар яратиш учун илҳом бахш этган манба! Тўхта ва бизнинг илтимосимизга қулоқ сол: янги ва абадий ёшлик ҳаёти сирларини топған авлодларнинг олий шон ва шарафларини ҳикоя қилиб бер!“.

Ферузеш, бутун ҳалқ оммасининг ватанга бўлган чуқур ва самими мұхаббатини эҳтирос блан қайд қиласди:

„Ватан — уларнинг тушинчасида энг улуғ форя ва энг әзги мұхаббат тимсолидир. Улар „Ўзбекистон“ деб ўз ватанлари номини тилга олганларида, ҳарсафар ҳам юзларида фурур ва севинч аломатлари зоҳир бўлади. Улар ўз юртларига, янгидан яратилган ватанларига ҳақиқий садоқат руҳида тарбияланганлар. Бола ўз онасини қандай севса, улар ҳам ўз ватанларини шундай севадилар.

Улар, ажойиб ҳалқларини шундай севадиларки, бу мұхаббатни — севги ҳақидаги ҳечқандай ибора блан ифодалаб бўлмайди“.

Бундан кейин китобда яна шундай дейилади:

„Улар (яни ўзбеклар) бошқа ҳалқларнинг ватанларини ҳам худди ўз ватанларидай муқаддас деб биладилар, севадилар ва ҳурмат қиласдилар. Уларнинг тушунишича, бошқа ҳалқларнинг ватани ҳам ҳечқачон душман ҳужумига дучор бўлмаслиги керак“.

Ферузешнинг бу китоби яна, бошқа бир томондан ҳам аҳамиятга эга.

Сайд Зиёвиддин Теботебои типидаги Эроннинг ўтакетган тескаричи груҳлари Эронистон, Афғонистон ва Ҳиндистон афкор оммасининг Советлар Иттифоқига қарши миллий туйғисини қўзғатиб, қуруқ тухматлар қўлдилар, „туронийларнинг хавфи“, советларнинг Эрон миллий мустақиллигига бўлган „таҳдиид“ тўғрисида вайсадилар.

Бир вақт бу тескаричи грухларнинг интилиш ва қарашларини реақцион журнал „Оянда“ („Келажак“)нинг редактори, авангю-  
Афшор ифодалаб чиқди. У ёзи:

„Туркӣ қавмлар ҳавфи, ёки бошқача қилиб айтганда.  
Урта Осиёда ва рус Озарбойжонидаги тузиленганинг республикалар  
номонидан туғилган сариқ ҳавф ҳозирги кунда майдонга  
кечган вақтингчалик сиёсий таҳдид эмас. Аксинча у, барча  
туркӣ ҳалқларнинг қадимиги Эронга бўлган ан'анавий адо-  
ватининг давомидир“.

Ферузеш ўз китобида бу қарашлар ва шунга ўхшаш бўхтон-  
ларни қат'яни рад қиласди:

„Бизнинг маданиятишимиз, асрлар давомида, ўзбеклар мадани-  
яти блан узвий суратда боғланниб, тараққий қилди. Бизнинг  
тариҳий йўлларимиз, адабий асарларимиз, сан'атимиз, тра-  
дицияларимиз ва миллӣ урф-одатларимиз ё, бир-биридан сра  
фарқ қилмади, ёки бир-бирига ўзаро жуда яқин бўлди“. (98 бет).

...Бу миллӣ маданиятининг барча турлари ва миллӣ ёдно-  
малари бизнинг миллӣ тариҳимиз блан бевосита боғлиқдир.  
Бизнинг тариҳимиз эса, Урта Осиё ҳалқлари, шу жумладан  
ўзбек ҳалқи тарихи блан ажralmas бир бутунни — бирхил  
арқоғдан тўқилган тўқимани ташкил этади.

Ҳалқларимиз тарихи ва маданияти асрлар давомида ўз-  
аро маҳкам бир-бирига боғланганигидан, биз эронийлар ўзи-  
мизни ўзбеклардан, уларнинг қадимиги маданиятидан ва бу  
маданият ёдномаларидан бутунлай ажратиб ташлайолмаймиз.  
Урта Осиё республарида гулламакда бўлган ғолиб маданият-  
нинг ilk манба'ларида бизнинг уста ва ҳунармандларимизвинг  
асарлари учрайди. Шунингдек, Урта Осиё ҳалқлари етиш-  
тирган уста ва ҳунармандларнинг асарлари ҳам, ўз навба-  
тида, бизнинг миллӣ маданиятишимиз ва адабиётимизда-  
ти бир кўп асарларда ўз та'сирини кўрсатди. Тубдан,  
бошқатдан яратилган Ўзбекистон маданиятининг ажойиб,  
гўзал асарларини кўрганда, бизни тўлқинлантирган, ҳаяжонга  
солган туйғу ва кечирмаларни худди шу нарса блан изоҳлаш  
мумкин“ (206 бет).

Ферузеш, китобининг сўнгги бобида ўз ватандошларига муро-  
жаат қилиб, шундай дейди:

„Менинг Тошкантга қилган саёҳатимдан, Ўзбекистон респуб-  
ликасидан келтирган совғам мана шу очеркдаги хотирала-  
римдан иборат. Билмадим, менинг сафардан кетирган совғам  
сизга мақбул бўлармикан? Сиз буни меҳр-муҳаббат, ихтиром  
блан қарши олармиkinsiz? Сиз, бу менинг очеркимда ти-  
зилган ялтироқ олмосларни топаолармиkinsiz ёа уларнинг  
равшан нурлари сизнинг юракларингизга ети ё борармикан?“

Сизда бу очерк қандай таассурот қолдиради, буни мен  
билмайман, зотан бу менинг ишим ҳам эмас. Мен ёлғиз бир  
мақсадга интиламан, у ҳам булса — ўз бурчимни бажариш-  
дир. Мен ўзимда бир ма'naviy мажбурият сездим, бу — азиз

ватандошларимга дўстона қўшнимиз бўлган халқнинг буюк тараққиёти ва ривожининг сиҳрли сирлари ва ажойиб сабаблари ҳақида сизга малумот беришдан иборат. Мен шунинг яхши сезаманки, ҳарбир миллат ёзучиси — ўз халқига буюк баҳт-саодат ва муваффақиятга элтучи йўллар ва бирларни ҳаққоний равишда кўрсатиб беришга мажбутий.

Ёзучининг саёҳати, савдогарнинг саёҳатига сра ўхшамайди. Бу икки саёҳатнинг бир-биридан фарқи жуда катта савдогар, албатта, ўз саёҳатидан қиматбаҳо мол олиб келған бўлар эди, мен эса, тамоман бошқача бир совға кетирдим. Бу совға менинг алоҳида ҳис ва туйғиларимнинг ифодаси бўлган ушбу очерқдир. Мен буни Эроннинг ёш авлодига тақдим қиласман. Айни чоқда мен бу совғани яна кишилик тараққиёттининг баланд чўққиларига кўтарилаётган Ўзбекистон халқига ва унинг доно ҳукуматига, Эронистон ва Ўзбекистон халқлари ўртасидаги бузилмас дўyetлик ва қардошликтининг тимсоли сифатида тақдим қиласман". (206—207 бет).

Ферузеш ўз очеркida шундай мароқли хулоса чиқаради:

"Бу распубликада шон-шарафга ва улуғликка эришиш йўли фақат меҳнат орқали ва халққа хизмат қилиш орқали бўлади. Кимки, меҳнат дарди блан ёниб, ўзидан ўчқунлар сочар экан, у қандай одам, қайси ирққа мансуб бўлишидан қат'иназар, жамиятда доимо ҳурматга сазовор бўлади ва кўтарилади" (208 бет).

Шуни э'tиборга олиш керакки, Ферузешнинг бу китоби Эронда кейинги ўн йил ичиди, совет Ўзбекистони ҳақида нашр қўлинган бирдан-бир асардир. Шунинг учун у жуда катта ижтимоий аҳамиятга эгадир. Бу, Эрон халқини Ўзбекистон халқи блан, бу халқнинг гигант ютуқлари, техника, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданият соҳаларидаги порлоқ ғалабалари блан яқиндан таништирадиган қиматбаҳо бир ҳужжатdir.

# АДАБИЙ ХАЁТ

## ХОРАЗМДА

Хоразм областида 30 га яқин шоир, адаб ва халқ достончилари бор. Уларни ма'лум ташкилот атрофига тўплаб, улар ўртасида шланли равишда ижодий ва тарбиявий ишларни олиб бориш мақсадида областьда Ўзбекистон совет ёзучилари союзининг бўлими ташкил қилинди. Область бўлими ўз иш планини тузди, адабиёт ва сан'атга оид илмий лекциялар, ижодий кечалар ўтказиш, колхозларга хизмат қилиш, радио, газета саҳифаларида тез-тез қатнашиб туриш чораларини белгилади. Хоразм адабий ҳаракатчилигида катта жонланиш бошланди. Халқ шоирларидан тортиб бошловчи ёзучиларгача — ҳаммаси замонавий мавзу'ларда бадиий асарлар яратиши устида жиддий ишга киришдилар.

Кекса шоир Камтарин ва Умар Курбоновнинг фазаллари, Машриб Оллоёровнинг ҳикоялари, ёш шоирлардан — Эгам Раҳимов, Абдулла Хўжаев, Дўстжон Матжонов, Курбон Камол, Порлоқ ва бошқаларнинг бармоқ вазнида ёзилган ше'рлари уларнинг келажакда ўсишидан хабар беради.

Қисқа фурсат ичida Ёзучилар Союзининг область бўлими З марта ба адабий чоршонбалик ва маҳаллий газетада З марта ба адабий саҳифа уюштириди, улуғ рус адаби Максим Горький, шоир Маяковский, Хоразм классик шоирларидан Мунис ва Оғаҳий ижодларига бағишланган ижодий кечалар ўтказди, ёзучиларнинг колхозларга чиқишини ташкил этди.

Ёзучилар Союзи область бўлими Хоразмда халқ орасида оғиздан оғизга ўтиб келаётган фольклор намуналарини тўплайбошлиди. Халқ шоирлари ва қариялари оғзидан 50 дан ошиқ қўшиқ ёзib олинди. Булар ичida „Гезарман“, „Қаддим ҳамлиги“, „Мұҳаббат“, „Зивоний“, „Тарғунча“, ва бошқалар Хоразм обласгининг ажойиб халқ қўшиқларидандир. Айниқса, ҳозир барҳаёт машҳур Ҳофиза, шоира Онабиби опа ижод этган қўшиқлар ўзининг гўзаллиги, равонлиги, ўйноқилиги блан саҳнада катта олқишиларга сазовор бўлмоқда. Ожиза таҳаллуси блан ижод этаётган Онабиби опа оғзидан 20 та қўшиқ ёзib олинди. Союзининг область бўлими халқимизнинг мазкур асарларини нашрга тайёрлаш учун ҳаракат қимоқда.

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА

Июнь ойининг 10 нчи куни Нукус шаҳрида Қорақалпогистон ёзучиларининг IV-нчи пленуми очилиб, 4 кун давом этди.

Қорақалпоғистон совет адабиётининг ҳозирги вазияти ҳам вазифалари түгрисида ўртоқ Жапоқовнинг доклади бўлди. Ундан кейин проза ҳақида ўртоқ Мажидов, поэзия ҳақида ўртоқ Сайдовнинг докладлари тингланди. 4 кун давомида қорақалпоқ совет адабиётининг камчиликлари ва келажак вазифалари түгрисида талай шоирлар, прозаиклар ва драматургларнинг сўзлари эшитилини. Пленумда ўртоқ Довқораевнинг катта чиқиши бўлди. Довқораев Қорақалпоқ классиклари — Бердимурод, Ҳожиниёз, Жапоқ шоир ва бошқалар ҳақида тўла тўхтаб, классиклардан ва фольклор бойлигидан қандай фойдаланиш устида узоқ сўзлаб берди.

Пленумда сўзга чиққан ёш ёзучилар янги сайланажак раҳбарликдан ёшлар учун адабиёт тўғараклари тузиб беришни талаб этилар. Пленум аввалги раҳбарликнинг талай нуқсонларини беаёв очиб ташлади.

Қорақалпоқ ёзучиларининг IV-нчи пленумига меҳмон бўлиб борган Ўзбекистон Фанлар Академиясининг ҳақиқий а'зоси, ёзучи Ойбек ҳам сўзга чиқиб, ёзучилар олдида турган катта вазифаларни тушунтириб берди. Шунингдек Шайхзода ва Миртемир ўртоқлар ҳам сўзга чиқиб, Тошкент ёзучиларининг ижодий ишлари, тажрибалари, тўғарак ишлари ҳақида сўзлаб бердилар. Пленум охирида Қорақалпоғистон Обкомининг секретари ўртоқ Собир Камолов сўзга чиқиб, Қорақалпоғистон ёзучиларининг ҳалиқўл тегизилмаган мавзу'лари ҳақида тўхтаб ўтди. Ўртоқ Камолов кўп ёзучиларнинг ўз устида ишламасликларини, китоб ўқимасликларини, ҳаёт блан таниш эмасликларини чизиб ўтди.

Пленум келажак ишлар, вазифалар ҳақида катта қарор қабул қилди. Кейин янги сайлов ўтди. Яширин овоз бериш йўли блан 7 киши Қорақалпоғистон Совет ёзучилари Союзининг президиум а'золигига сайланди.

Президиум а'золигига: Наврӯз Жапоқов, Нажим Довқораев, Йўлмирза Оймирзаев, Ҳасан Бегимов, Ўринбек Қўжуров, Содик Нуримбетов, Самуэль Бассин ўртоқлар сайланди.

Президиум а'золарининг йигилишида, президиумнинг раислигига Нажим Довқораев ва мас'ул котибликка Йўлмирза Оймирзаев ўтди.

\* \* \*

Қорақалпоғистон Обкоми ва Министрлар Советининг Ёзучилар Союзи ҳақида катта қарори чиқди. Бунда — ёзучиларининг бирқанчасини уй-жой блан та'минлаш, Ёзучилар Союзи учун янги бино солиш, адабий журнал чиқариш, рус ва ўзбек классикларини Қорақалпоқ тилига таржима қилиш ва бирқанча чоралар ҳақида айтилган.

Қорақалпоқ совет ёзучилари ишчан ва самарали пленумдан кейин янги ғайрат блан ижодий ишга киришишлари шубҳасиз.

## МУНДАРИЖА

<b>Вутуб Иттифоқ Коммунист (большевик)лар Партияси Марказий Комитети, ССР Иттифоқи Министрлар Совети ва ССР Иттифоқи Олий Совети Президиумиган . . . . .</b>	<b>3</b>	<b>Парташий — Радиономиз бор . . . . .</b>	<b>57</b>
<b>Михаил Иванович Калинин . . . . .</b>	<b>5</b>	<b>Муборак Аҳмадбоева — Бахт қўёши . . . . .</b>	<b>58</b>
<b>А. М. Горький — Ахлоқ мұхидбиги Эртак (Италия ҳақида эртаклардан) . . . . .</b>	<b>8</b>	<b>Шуҳрат — 1. Сафарда . . . . .</b>	<b>59</b>
<b>«Мен у хотинни биринчи марта кўрдим» . . . . .</b>	<b>23</b>	<b>2. Та’на Қиласа . . . . .</b>	<b>59</b>
<b>Оидин-Ҳамон ёдимда ўша улуғ зот</b>	<b>27</b>	<b>Ориф Юнус — Ёмир . . . . .</b>	<b>61</b>
<b>Абдулла Қаҳҳор — Күшчинор (роман) . . . . .</b>	<b>31</b>	<b>Лайёмий — Эл . . . . .</b>	<b>60</b>
<b>Ислом Шоир — Москва шаҳрини кўрдим . . . . .</b>	<b>39</b>	<b>Фольклор</b>	
<b>Ж. Шарифий — Фазолар бизниси . . . . .</b>	<b>41</b>	<b>Тўрт тухмат (эртак) . . . . .</b>	
<b>Зураб Тула — Қувонич . . . . .</b>	<b>43</b>	<b>Танқид ва тақриз</b>	
<b>М. Бобоев — Калинин ота . . . . .</b>	<b>44</b>	<b>T. Коринингизий — А. М. Горький-нинг ҳаётни ва ижоди ҳақида</b>	<b>70</b>
<b>Рахим Жалил — Булоқ бўйида бир уй (хикоя) . . . . .</b>	<b>46</b>	<b>M. И. Калинин — Ёзуучи ўз ишининг устаси бўлсин . . . . .</b>	<b>79</b>
<b>Сайд Назар — Зафар таронаси . . . . .</b>	<b>56</b>	<b>Ю. Ширвоний — Совет Ўзбекистони ҳақида Эронда боситган бир китоб . . . . .</b>	<b>84</b>
<b>Адабий ҳаёт</b>			
<b>Хоразмда . . . . .</b>			
<b>Корақалпогистонда . . . . .</b>			

**РЕДКОЛЛЕГИЯ:** Ойбек (мас'ул мударрир), Рафур Гулом, Яшин, Ўзгун, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода, Ж. Шарифий, М. Ашрафий, Самеъ Абдуллаев. **Мас'ул секретари:** Ҳ. Ёқуб.

*На узбекском языке*

### „ШАРҚ ЮЛДУЗИ“

#### № 6

*Орган Союза Советских Писателей Узбекистана*

Объединенное издательство „Правда Востока“ и „Қызыл Узбекистан“  
Ташкент—1946

„Шарқ Юлдузи“ редакциясининг адреси:  
Ташкент, Биринчи май кўчаси, уй № 20. телефон 39-881.

Басишига руҳсат этилди 4/IX-46 й. да. Р 05966. Қоғоз формати 60x92/16. Босма мисли 1,75  
Бир листда 47000 ҳароф. Тираж 3000. Баҳоси 5 сўм.

Ташкент, „Қызыл Ўзбекистон“ ва „Правда Востока“ нашриёти Сосмаховасем. Заказ 481.